

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Хуршид Дўстмуҳаммад

**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКАДА
ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ ВА
КАСБ ЭТИКАСИ**

Тошкент – 2011

Муаллиф – Хуршид Дўстмуҳаммад (Х.Дўстмуҳамедов),

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси мудири, филология фанлари доктори.

Такризчилар:

Ўсаров Олим Авалбоевич – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот хизмати раҳбари, филология фанлари номзоди.

Тошпўлатова Назира Қурбоновна – ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2011 йил 17 сентябрь 392- рақамли буйруғига асосан нашрга рухсат этилган.**

Нашр учун масъул	– Фарида Раҳимова
Компьютерда саҳифаловчи	– Зиёда Ортиқова
Безакчи	– Баҳриддин Бозоров

Кириш

Журналистнинг касб этикаси тушунча сифатида жаҳон журналистикасида узоқ тарихга эга. У амалий жиҳатдан қанчалик кўп ўрганилган бўлса, назарий нуқтаи назардан ҳам шу қадар атрофлича ва батафсил тадқиқ этилган. Бироқ барча фанларда бўлгани сингари давр ўтгани сайин муаммонинг янгидан-янги қирралари намоён бўлаверади, мутахассислар, шунингдек амалиётчилар эса уни ўрганишда, тадқиқ этишда давом этаверадилар.

Ўзбек журналистикасида касб одоби масаласи бевосита Ватанимиз мустақиллиги йилларида алоҳида фан, алоҳида амалий муаммо сифатида кун тартибига чиқди. Бу жамият миқёсида олиб борилган демократлаштириш, ахборот жамиятини барпо этиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Матбуотда сўз эркинлигига йўл очилиши, хусусан, цензурага барҳам берилиши ўз-ўзидан журналистлар зиммасидаги масъулият туйғуси кучайишига олиб келди. Тегишли ҳукукий меъёрларни етарли даражада англаш, фаолият жараёнида касб этикаси талаб ва шартларига риоя этиш, шунингдек, ҳам инсоний, ҳам фуқаровий ахлоқ мезонларига бўйсуниб зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди.

Журналист бўлиш орзусида яшаётган ва таълим олаётган талабаларнинг ўқув дастурларига “Журналистнинг касб этикаси” фани киритилишининг асосий сабаблари айтиб ўтилган омиллардан келиб чиққан. Таъкидлаш зарурки, соҳа ниҳоятда кенг, бинобарин унинг тарихи, жаҳон журналистикасида тутган ўрни, журналистика фанида эгаллаган мавқеи,

муаммолари ва истиқболига доир масалалар ҳақида батафсил билим олиш зарур албатта. Бинобарин, журналистика факультетининг бакалавриат босқичида талабаларга ушбу фан асослари ўқитилиши режалаштирилган.

Яна бир эслатма: ҳар қандай касб этикаси умуминсоний одоб-ахлоқ – этиканинг ажралмас бир қисми бўлгани сингари, жуда кенг тушунчадаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг ажралмас бир бўлаги – халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳисобланади. Халқаро гуманитар ҳуқуқ қуролли тўқнашувлар, низо ва урушларга йўл қўймаслик чораларини излаш билан бир вақтда худди шундай нотинч ҳудудларда ва ҳолатларда ярадорлар, асирлар, тутқинлар, шунингдек кексалар, аёллар ва болалар сингари ҳимояга мухтож кишиларни муҳофаза остига олишга қаратилган алоҳида фан, алоҳида илмий-амалий назариялардан биридир. Халқаро журналист эса бундай ҳудудларга бориши, шу каби мураккаб ва ғавқулодда ҳолатларда фаолият юритиши замонавий жаҳон журналистикасида аллақачон оддий ҳодисага айланган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, “Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси асослари” фани бакалавриат босқичининг 5220100 – журналистика (халқаро журналистика) таълим йўналиши учун мўлжалланган.

Умумий ўқув соати 68 соат, жумладан, маъруза 18 соат, семинар машғулотлари 20 соат, мустақил таълим учун 28 соат белгиланган.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Журналистика мазмун-моҳияти билан гуманизм учун хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, журналистнинг бирламчи профессионал бурчи зиёлилик ҳисобланади. Зеро, унинг бутун фаолияти зиё таратиш, инсонларнинг қалбини, бутун дунёни мунаввар этишга қаратилган бўлади. Мазкур фан дарсларидан кўзланган қуйидаги мақсад ва вазифалар ҳам журналистлик касбининг ушбу хусусиятларидан келиб чиқади:

- журналистлик касбининг асл моҳиятида юксак гуманизм, яъни инсонпарварлик ғоялари ётиши;
- журналистикада профессионаллик касб этикаси меъёрларини англашдан бошланиши;
- журналистнинг касб этикаси тарихини ўрганиш;
- амалий фаолият жараёнларида касб этикаси меъёрларига риоя этиш;
- халқаро гуманитар ҳуқуққа доир асосий ҳужжатлар билан танишиш;
- гуманитар ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳудудларида журналистнинг бурчи ва вазифаларини ўрганиш;
- анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси меъёрларини фарқлай билиш;
- матбуотда миллий ва умуминсоний қадриятлар мувозанатини сақлаш.

Фан объектлари

Ўқув соатларида миллий ва жаҳон журналистикаси тажрибаларига, жумладан босма нашрлар ҳамда аудиовизуал журналистикада кузатилган ижобий, танқидий мисолларга, шунингдек журналистлар ҳаётида учрайдиган характерли ҳолатларга мурожаат этилади.

Ўқитиш усуллари

Ўқитиш анъанавий маъруза ва интерактив мулоқот шаклида ташкил этилади. Талабалар зарур адабиётлар билан таништирилади, кўргазмали воситалардан фойдаланилади, оммавий ахборот воситаларидан тўпланган мисоллар талабалар иштирокида таҳлил қилинади, хулосалар чиқарилади. Талабаларда қиёсий таҳлил кўникмаси шакллантирилади, мустақил фикрлаш, мустақил нуқтаи назарни эмин-эркин муҳокамага қўйиш ва уни асослаш туйғуси шакллантирилади.

Қўлланмада учрайдиган таянч сўзлар

Журналистика, аудиовизуал журналистика, касб этикаси, касб кодекси, миллий қадрият, интернет журналистикаси, инфоэтика, демократия, масъулият, холислик, гуманитар ҳуқуқ, ғавқулодда вазиятларда ахборот олиш-тарқатиш ва ҳоказо.

МАВЗУ ХУСУСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Ҳар қандай касб профессионал даражага етгунга қадар ҳаваскорлик босқичини ортида қолдиради. Ҳар қандай тажриба авлоддан-авлодга ўтади, йиғилиб бир тизим тусига кира борган тажрибалар йиғиндиси касбга айланади. Журналист касби инсоният ўтмишида жудаям узоқ тарихга эга эмас. Мисол учун рус журналистикаси пайдо бўлганига 300 йилдан ошмоқда, ҳозирги Ўзбекистонда дастлабки газета чоп этила бошлаганига эса 140 йилдан ўтмоқда. Вақт ўтгани сайин, даврлар алмашилгани сайин соҳа ўзига хос ижтимоий институт қиёфасига кира борди.

Ҳар қандай даврда ҳар қандай касбнинг икки шакли бўлади. Бу – ҳаваскорлик шакли ва профессионаллик шакли. Ҳаваскорлик билан профессионалликнинг фарқи нимада?

||| Ҳаваскорлик касбнинг қонуниятларига билар-билмас, кўр-кўрона ва пала-партиш, яъни стихияли тарзда риоя этишда ифода топади. Профессионаллик эса касб қонуниятларига билиб, идрок этган ҳолда риоя қилишда, унга бўлган онгли ва ихтиёрий масъулият туйғусини сақлашда акс этади.

Мазкур икки тушунча орасида осмон билан ерча фарқ бор.

Ушбу мезонларни ҳеч иккиланмай журналистикага татбиқ этиш мумкин. Татбиқ этиш билан бир вақтда журналистикада профессионаллик ва ҳаваскорликнинг кўзга яққол ташланадиган фарқли жиҳатларини ўзимиз учун аниқлаштириб олоғимиз жуда зарур.

Журналистнинг соҳага кириб келиши, унинг ҳаваскорликдан профессионаллик даражасига

кўтарилиши, ижодий маҳоратга эришиши, ўз касб-корига муносабати, унинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи, салоҳиятини белгиловчи бош омиллардан бири ҳам журналистнинг касб одобидир. Шу маънода журналистнинг касб этикаси журналистлик фаолиятининг асосини ташкил этади десак мутлақо янглишмаймиз.

Журналистнинг касб этикаси тушунча сифатида ўз тарихига эга. Лекин биз унинг тарихи ҳақида сўз очишдан аввал, касб этикасининг умумий этикадан фарқини тушуниб олишимизга тўғри келади.

Этика – кишиларда одоб-ахлоқ муносабатларининг, тушунчаларнинг, қадриятларнинг, қонуниятларнинг вужудга келишини, уларнинг одамларни бошқаришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганади, умумлаштиради. Этика кулдорлик даври фалсафа илмининг ажралмас бир қисми сифатида вужудга келган, қадимги дунё донишмандларидан бўлмиш Арасту (милоддан аввалги 384–322 йиллар) томонидан атама сифатида муомалага киритилган. У биринчи бўлиб ахлоқшуносликни руҳшунослик билан сиёсатшунослик оралиғидаги алоҳида фалсафий фан сифатида тақдим этган ва уни ЭТИКА деб номлаган.

“Касб этикаси” умумий этиканинг узвий ва ажралмас тармоғи, лекин ундан фарқли тушунча.

Кўпчиликка яхши таниш бўлган шифокор этикаси, ўқитувчи этикаси, ҳуқуқшунос этикаси тушунчалари азал-азалдан мавжудлигини биламиз. Нима сабабдан айти шу касб эгаларининг касб этикасига алоҳида эътибор қаратилган, деган саволга жавоб топайлик-чи?

Гап шундаки, шифокор ҳам, ўқитувчи ҳам, ҳуқуқшунос ҳам кўпчилик билан ишлайди, ишлаганда ҳам индивидуал тарзда фаолият юритади. Ўқувчи

ўқитувчисига, бемор шифокорга, дейлик, жиноятчи ёки айбдорликда гумон қилинаётган фуқаро ҳуқуқшуносга ўз шахсий сирларини ошкор этади. Шахсий сир хизмат юзасидан ошкор этилади, бироқ тилга олинган учала касб эгаси ўз касб этикаси талабларидан келиб чиқиб ўша сирларнинг кенг омма эътиборига тушишига, кимнингдир шахсий сирлари ошкор бўлишига йўл қўймайди.

Журналистнинг касб одоби талабларининг бирламчи шарти ҳам шу, яъни хизмат юзасидан ўзи билиб олган маълумотни бошқа кишиларга айтмаслик, билдирмаслик. Бироқ масаланинг энг нозик ўрни бор: журналистнинг вазифаси маълумотни мақола, суҳбат ва бошқа шаклларда матбуотга тарқатишдан иборат-ку? Қолаверса, сенсация, шов-шув, кутилмаган янгилик журналистиканинг нони саналади? Бу ҳолда у қандай йўл тутadi? Сирни ошкор этадими ёки йўқми?

Шу ва шу сингари саволларга энг маъқул жавобларни ЖУРНАЛИСТНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ фани ўрганади ва топади.

Бу борада журналистнинг зиммасидаги вазифа ўқитувчи, шифокор ва ҳуқуқшуносникидан анчагина мураккаблиги аёнлашади. Чунки бу уч касб эгалари ўзига хизмат юзасидан аён бўлган ўзгалар сирини матбуотга ёзиш, оммалаштириш билан шуғулланмайдилар. Журналист эса шуғулланади. Шуғулланганда ҳам қизиқарлироқ қилиб, таъсирчанроқ қилиб, ҳатто шов-шувлироқ қилиб ёзишга мажбур. Касби ундан шуни тақозо этади. Касб этикаси эса мана шу талабларни адо этишда ҳам меъёрни унутмаслик зарурлигини унинг ёдига солиб туради!

Айтиш мумкинки, бундай профессионал хусусият бошқа ҳеч бир касб-корга хос эмас.

Баён этилганлардан касб этикаси нима деган саволга қуйидаги жавоб чиқади:

||| этиканинг профессионал ўзига хосликларини ўрганадиган фан – касб этикаси дейилади.

Талабаларда бошқа касб эгалари этикаси ҳам пайдо бўлиши мумкинми, деган савол туғилиши табиий.

Мумкин. Инсоният тараққиётининг ҳозирги палласида одамлар ўртасидаги муносабатлар мураккаблашиб бормоқда. Ҳаётий, касбий ва ҳоказо эҳтиёжлардан келиб чиқиб мутлақо кутилмаган кишилар билан мулоқотга киришиш, зиддияту тўқнашувлар рўй беришлари кундалик ҳолатга айланмоқда. Мана шундай муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида турли-туман янгиликлар ўйлаб топилмоқда. Мисол учун фуқаролар, идора ва ташкилотлар ўртасида шартнома асосида ҳамкорлик қилиш кенг оммалашди. Бундай муносабатлар ҳар бир касб эгасидан алоҳида масъулият меъёрларига риоя этишни талаб қилмоқда. Бу каби талаб ва эҳтиёжлар вақт ўтгани сайин ҳар бир касб-кор эгалари томонидан бевосита ўзларига боғлиқ бўлган касб одоби шартларини ишлаб чиқишларига олиб келади. Яъни, яна бир касб этикаси меъёрлари вужудга келади.

Эътибор беринг, умумий этика асосларини унутмаган ҳолда ундан фарқли ўлароқ, касб этикасига эътибор ортиб бормоқда.

Тасаввур қилайлик:

- санъаткорларнинг касбий одоб-ахлоқи меъёрлари ишлаб чиқилса...
- ҳайдовчиларнинг касб этикаси яратилса...

– хунармандларнинг касб одоби шартлари белгилаб олинса...

Бунинг нимаси ёмон ёки ортиқча? Айтайлик, шунга ўхшаш меъёрлар бўлгани яхшими ёки бўлмаганими?

Албатта, бўлгани яхши!

Айримлар касб интизоми йўл берувчи эмас, аксинча таъқиқловчи характерга эга деган мулоҳаза билдиришади. Хўш, бу эътирозга қандай жавоб қайтарамиз?..

Мухтасар қилиб жавоб берсак, тизгинсиз эркинлик ёки мутлақ эркинлик – нопрофессионалликдир!

Батафсил жавоб беришга ҳаракат қилсак, журналист ўз фаолияти давомида истайдими-йўқми, у ёки бу қарорга келиши, жумладан ахлоқий нуқтаи назардан ишга ёндашиши, одамлар ва ҳолатлар юзасидан хулосалар чиқаришига тўғри келади. Бу касбнинг табиати шундай. Исталган дақиқада у нотўғри ёки хато йўлга оғиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундан уни ҳеч ким сақлаб қололмайди, ҳеч ким унга янглишмайсан деб кафолат ҳам бермайди.

Хатодан, янглишишдан уни КАСБ ЭТИКАСИ меъёрлари асрайди!

Касб этикаси меъёрларини яхши ўзлаштириш ҳеч бир журналистга фаолият юритишида ҳалал бермайди, аксинча, унинг юқори профессионал даражада ишни ташкил этишига имкон яратади. Унинг бошқаларнинг кўз ўнгида нуфузини оширади, мавқеини мустаҳкамлайди, юзини ёруғ қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай касб этикаси уч асосий таянч нуқтада туради. Булар: умумий этика, муайян касб хусусиятлари ва конкрет тажриба. Мазкур уч таянч нуқтани журналистикага татбиқ этсак, у умумий этика талабларини журналистлик касби одоби меъёрлари билан бойитган ҳолда уларни конкрет вазиятда

қўллай олишида акс этади. Яъни: умумий этика меъёрлари – журналистнинг профессионал касб этикаси – конкрет вазият, ҳолат.



Журналист ёзиш учун мавзу танлашидан бошлаб факт тўплаш, қаҳрамон билан танишиш, ахборот манбалари билан суҳбатлашиш, мақолани ёзиш, уни эълон қилиш, эълон қилинган, бўладиган мурожаатларга жавоб беришигача – ҳар қадамда касб одоб меъёрларига суянган ҳолда иш юритмоғи фақат ўзига фойда келтиради.

Жаҳон журналистикасида касб этикаси масалаларини ўрганиш узоқ тарихга эга. Ўзбек миллий журналистикасида эса ушбу фаннинг вужудга келиши, амалиёти ва уни талабаларга фан сифатида ўқитилиши Ватанимиз мустақиллиги даври билан боғлиқ. Чунки шўролар даврида битта мафкура ва ўша мафкура асосида ишлаб чиқилган ахлоқ-одоб шартлари тан олинган тамом-вассалом. Алоҳида журналист касбининг ахлоқий меъёрларига ҳожат бўлмаган. Булар хусусида алоҳида дарс соатлари ажратилган албатта. Шунини эслатиш даркорки, ахлоқшунослик фанида бўлгани каби касб

этикаси талаблари орқали фақат фазилатлар, ижобий ҳолатларгина эмас, балки камчиликлар, нуқсонлар, иллатлар ҳам ўрганилади, таҳлил этилади.

Шу ўринда журналистнинг касб этикасига доир айрим адабиётларда “деонтология” тушунчаси ҳам учрашини эслатиш лозим. Бу атама грек тилидаги deon – бурч ва logia – шунослик сўзларидан олинган бўлиб, бурчшунослик деган маънони англатади. Бурч туйғуси муайян маънода одоб-ахлоққа маънодош бўлгани сабабли айрим ўринлардагина деонтология иборасидан фойдаланилади.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

1. Умумий этика ва касб этикасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нималарда кўринади? Касб этикаси қандай таърифланади?

2. Журналист касб этикасининг бошқа касб этикаларидан фарқи нимада?

3. Мустақиликка қадар журналистнинг касб этикаси масаласига қандай муносабатда бўлинган?

ЁН ДАФТАРДАН:

Матбуот – қоғоздаги виждон, диёнат, иймон.

ЖУРНАЛИСТ КАСБ ЭТИКАСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

**(Ўзбек ва жаҳон журналистикасида касб этикаси
масалалари мисолида)**

У ёки бу касбга доир ахлоқ-одоб меъёрлари, тушунчалари шаклланиши учун касбнинг ўзи вужудга келган, шаклланган, кишилар ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак. Масалан, журналистнинг касб этикаси тушунча сифатида шаклланишга қадар замонавий матбуотнинг илк куртаклари бўлмиш ахборот варақалари ҳозирги газеталарнинг ибтидоси сифатида пайдо бўлганини ёдга туширмоғимиз керак бўлади. XVI асрда Венецияда газета дунё юзини кўрганига қадар савдо-сотиқ ва бозор дунёсидаги эҳтиёж варақалар чиқаришни тақозо этган. Ўша оддий варақаларни чиқаришда ҳам ўзига хос касб одоби нормалари бўлган. Ўзи оддийгина, ихчамгина варақа бўлса, уни қандай қилиб “варақалар журналистикаси” деб аташ, қандай қилиб унда касб одоби шартлари бўлиши мумкин, деган савол туғилади.

Аввало касб этикаси тушунчаси ҳақида.

Ҳозирги газеталарнинг ибтидоси ҳисобланган ўша давр варақалари одатда йирик савдогарлар, мулк эгалари томонидан чиқарилган. Улар томонидан молиялаш-тирилган. Варақаларда ўшаларнинг савдо-сотиғини йўлга қўйишга, ривожлантиришга хизмат қиладиган маълумотлар, ахборотлар тарқатилган, холос. Мулк эгаларини, яъни варақа эгаларини бошқа маълумотлар қизиқтирмаган. Варақа матнини тайёрловчи журналист (биз шартли равишда журналист

деб атамоқдамиз, чунки улар ҳали журналист сифатида шаклланмаган эдилар) эса савдогар ёки мулк эгасининг хоҳиш-иродасига бўйсунган. Очикроқ айтсак, ўзи истаганини эмас, эгаси – хўжайин истаганини тайёрлаб, саҳифага босган. Хўжайиннинг истаги эса журналист учун касб одоби ҳисобланган. У мана шу “одоб”га қулоқ солса – ишлайди, истамаса – марҳамат, вазифасидан воз кечади.

У вақтдаги шарт-шароитларни ҳозирги талаблар билан мутлақо қиёслаш мумкин эмас албатта. Айниқса, бизнинг тасаввуримиздаги касб этикасига XX асрнинг бошларидан эътибор қаратилган. Ўша даврда оммавий ахборот воситалари асосан газеталардан иборат бўлган. Газета кескин кўпайган, ҳатто у даромадли соҳага айланган. Газета монополиялари вужудга келган, кенг омма онги, дунёқараши, ҳаётий мақсад-маслаклари матбуот орқали бошқарила бошланган. Бунинг натижасида оммани матбуот сўзидан, матбуот зуғумидан асраш, муҳофаза қилиш масалалари пайдо бўлган. Таҳририятларда, соҳа эгалари йиғинларида журналистлар фаолиятини йўлга солишга қаратилган турли ҳужжатлар ишлаб чиқиладиган бошланган. Масалан, Швецияда 1900 йили журналистларнинг касб этикаси кодекси қабул қилинган деган маълумотлар бор. 1918 йили Францияда Журналистлар миллий синдикати томонидан “Ахлоқ-одоб хартияси” қабул қилинган. 1921 йилга келиб эса америкалик Жеймс Броун “Ахлоқ кодекси ва амалий журналистика меъёрлари”ни тузган. 1923 йили АҚШ газета бош муҳаррирлар жамияти “Журнализм қонунлари” кодексини қабул қилган.

Такрорлаймиз: демак, газеталар кўпайган ва уларнинг кенг оммага таъсир кўрсатиш имконияти

ортгани сайин касб этикасига эҳтиёж кучайган. Шунинг ҳам эътиборда тутиш керакки,

||| *ҳар қандай касб-кор
ривожлангани сари*

унга тааллуқли касб одоби ҳам тараққий топган, шу маънода касб тарихи билан касб этикаси тарихи бири-бири билан чамбарчас боғлиқликда шаклланган.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб радио ва телевидение оммалаша бошлади. Бу икки ихтиро инсоният тафаккури тарихида мисли кўрилмаган ўзгаришлар ясади. Ўз навбатида журналистнинг касб этикаси меъёрларини янада мустаҳкам тарзда ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш муаммоси кўндаланг бўлди. “Шу сабабдан ҳам 60–70-йилларда дунё жамоатчилиги олдида уларнинг (журналистларнинг–Х.Д.) фаолиятида ҳуқуқий ва ахлоқий мувофиқлаштириш муаммоси бутун мураккаблиги билан қад ростлади”.¹

Халқаро журналистлар федерацияси ўзининг 1954 йили (25–28 апрель) бўлиб ўтган Иккинчи Умумжаҳон Конгрессида “Журналист этикаси принциплари декларацияси”ни қабул қилгани ҳам бунга далил бўлади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, XX асрнинг 60-йилларидан дунёда “янги ахборот тартиби” учун кураш қизиқ кетди. Ўша кураш ҳозирга қадар кучайса кучайдики, зинҳор сусайгани йўқ. Дунё мамлакатларининг мавқеи, ўрни уларнинг ахборот билан таъминланганлиги, ахборотга эгаллиги билан белгилана бошлади. Ахборот таъминотини йўлга қўйишнинг муҳим шарти эса ахборот воситаларига эгаллик қилиш ҳуқуқи ва имкониятидир. Буларга молиявий имкониятлар, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар, кадрлар етуқлиги ва

¹ Авраамов Д. Профессиональная этика журналиста. М.: Мысль. 1991.- С.9.

хоказо омилларсиз етишиб бўлмаган. Демак, бадавлат давлат ахборотга эгалик қилган, ночор ва ўртаҳол давлатлар эса ахборот билан таъминланганлик борасида ҳам етакчи давлатларга қарамлигича қолаверган. XX асрнинг 70-йилларида Финляндиянинг ўша пайтдаги президенти У.К.Кекконен тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ахборот алмашинуви борасидаги тенгсизликни “информацион империализм” деб атаган.

Талабаларда савол туғилиши мумкин: дунё ахборот маконидаги бундай ўзгаришларнинг журналистнинг касб этикаси муаммоларига қанчалик даҳли бор?

Ахборотга ташналик, унга ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, етишишга интилиш, бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмаслик охир-оқибатда шу қадар хилма-хил ахлоқий-психологик ҳолатларни келтириб чиқардики, бундай шароитда журналистнинг касб одоби масаласи бор мураккаблиги билан ҳаётий заруриятга айланганини ҳеч ким инкор этолмай қолди.

Радио, телевидениени айтдик. Айниқса, компьютер техникасининг кишилар ҳаётига ва ОАВ дунёсига кириб келиши дунёда ахборот талвасасини бошлаб берди десак муболаға бўлмайди.

Ахборот технологиялари ҳақида сўз бошлашдан аввал ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида жаҳон харитасида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар хусусида қисқача тўхталишга тўғри келади.

1991 йили жаҳон харитасида “СССР” деб номланувчи давлат барҳам топди. Бунинг натижасида Совет Иттифоқи таркибига кирувчи ҳамда унинг таъсирида яшовчи кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақилликка эришди. Агар ушбу

тарихий воқеага ахборот тушунчаси нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, шўролар сиёсати ва мафкураси ахборот майдонида мағлубиятга учради, ёш мустақил давлатлар эса ахборот мустақиллигини қўлга киритди.

Ахборот мустақиллиги, умуман ОАВ тизимини эркинлаштириш ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилган катта аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий-маърифий ислохотлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин биз мавзуимиздан келиб чиқиб айтмоғимиз зарурки, матбуот сўзининг эркинлашуви касб этикаси масалаларини ҳам муаммо сифатида кун тартибига қўйди. Айниқса глобаллашув жараёнлари, интернет тизимининг кенг ёйилишига яратилган шарт-шароит, республикаимизда нодавлат ОАВ секторининг кенгайиши журналистикада касб этикаси муаммоларини ҳам назарий, ҳам амалий аспектларда ўрганиш муҳимлигини кўрсатди. Чунки, ОАВ сонининг кескин ортиб кетишининг ўзиёқ уларнинг барчасини шўро давридагидек цензурадан ўтказиш имконини қолдирмади. Цензура давр ўзгаришларидан енгилди, деб талқин этиш ҳам мумкин. Натижада журналистни ташқаридан назорат остига олиш эмас, уни ичидан тартибга келтириш тизими адолатли, қонуний эканлигини жаҳон тажрибаси кўрсатди.

Нима сабабдан шўролар даврида журналистнинг касб этикасига катта аҳамият берилмаган деган саволнинг жавобини мана шу омилларда кўриш мумкин. “Яқингинада, олти йил муқаддам десак ҳам бўлади, – деб ёзади Д.Авраамов “Журналистнинг касб этикаси” китобида, – мамлакатимизда жуда тор доиралардагина журналист ахлоқи ҳақида гап-сўзлар юрарди, у ҳам бўлса,

матбуотдан даkki еганлар эътибор қаратишарди бу муаммога”.¹

Мазкур иқтибосга 3 нуқтаи назардан эътибор қаратишимиз керак:

1. Д.Авраамовнинг ўша китоби 1991 йили чоп этилганидан келиб чиқсак, рус журналистикасида ҳам ушбу муаммонинг ўрганилиш тарихи жуда ёш.

2. Шўро мафкураси измида бўлган ўзбек журналистикасида ҳам мавзу деярли тилга олинмаган.

3. Журналист одоби масаласига фақат “матбуотдан даkki еганлар эътибор қаратишарди” деган эслатма ўз кучини йўқотмади. Яъни, ҳаётда матбуотдан даkki ейиш ҳолати кўпайса кўпайдики, зинҳор озаймади. Демак, касб этикасини чуқур ўрганишнинг аҳамияти янада ортди.

Шу ўринда масаланинг психологик жиҳатига ҳам эътибор қаратиш зарур. Гап шундаки, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ОАВ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар фонида журналистиканинг нуфузи ошди. Бир сўз билан айтганда, журналист жамиятда шахс сифатида, алоҳида ва ўзига хос касб эгаси сифатида эътироф этилди.

¹ Авраамов Д. Ўша китоб. - Б.8.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

1. Журналистика соҳасида касб этикасига қачондан бошлаб эътибор қаратилган? Сабабини тушунтиринг.

2. XX асрнинг қайси палласига келиб дунё ахборот майдонида тубдан ўзгаришлар юз берди? Бу ўзгаришлар журналистнинг касб этикаси меъёрларига қандай таъсир кўрсатди?

3. XX асрнинг 90-йиллари бошида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва дунё ахборот майдонида юзага келган шарт-шароитнинг Ўзбекистондаги кўлами қай тарзда кечди? Бу ўзгаришлар мавзумиз доирасида қандай янгиликлар олиб келди?

ЁН ДАФТАРДАН:

Ҳар нарсани биламан деб ҳар нарсани гапираверма.

АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ ЖАРАЁНЛАРИДА КАСБ ЭТИКАСИ МЕЪЁРЛАРИ

Журналистика амалиёти мухбирлик қаламини тутган ҳар бир ҳаваскор ёшга таниш десак, хато бўлмайди. Чунки “журналистикада амалий фаолият” тушунчаси ниҳоятда кенг маънода қўлланади.

Келинг, сўзни мавзунинг ибтидосидан бошлайлик. Шундан келиб чиқиб, “Журналистика қачондан бошланади?” деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Газетада биринчи хабарингиз босилганидан, радиода биринчи лавҳангиз ўқилганидан, ё бўлмаса, журналистика факультетига ўқишга кирганингиздан эмас.

Ёдингиздами, мактабда ўқиб юрган кезларингизда ёндафтар тутгансиз, ўша – журналистиканинг бошланиши!

Меҳрибон волидангизга, отангизга, ака ёки опаларингизга... ёр-дўстларингизга хат ёзганингизни эсланг, ўша – журналистиканинг бошланиши!

Дил изҳорини пинҳона қоғозга туширганингиз ҳам – журналистиканинг ибтидоси!

Дейлик, машҳур хонанданинг катта концертини томоша қилдингиз. Ҳаяжондасиз. Шу ҳаяжонни бошқаларга етказмасангиз ўзингизни кўярга жой тополмаяпсиз. Бирорта танишни учратган захотингиз кўрган-эшитганларингизни унга ҳикоя қилишга тушиб кетганингизни сезмай қоласиз.

Ҳикоя қилишга интилиш борлигининг ўзи – журналистика, эҳтимол, радиожурналистика. Борди-ю, концерт томошасидан орттирган ҳаяжонингизни ёзишга ундовчи ички бир куч қўлингизга қалам олишга ундаса – журналистика бошланди деяверинг!

Сизда ҳақли савол туғилади: катта концертга тушган жуда кўп йигит-қизлар ҳаяжонланади, таассуротларини ўртоқлашади-ю, бу ҳол журналистика эмасми?

Йўқ, у – журналистика элементи, аломати, холос. Аммо-лекин

||| ўз ҳаяжонини бошқаларга юқтирмаса, тарқатмаса чидолмайдиган, шу чидолмаслик оқибатида ёзмағунича тинчимайдиган ҳамда ўзидаги ана шу ижодга мойилликни тўғри йўлга солиб, тарбиялай олган одамгина ўзида журналистлик қобилияти бор деган хулосага келиши мумкин!

Журналистлик қобилияти бор бўлган одам истаган мавзуда ёзиши, эшиттириш ёки кўрсатув тайёрлаши мумкин. Мавзунинг эса чеки чегараси йўқ. Бироқ ижоднинг яна бир сеҳри шундаки, ҳар қандай инсон табиатан ҳаётда у ёки бу нарсага қизиқади, кўнглида қайсидир соҳаларга яқинлик туяди. Ҳар бир одам ўзи қизиққан соҳани ўзлаштириши, унга дахлдор янгиликларни ўзгаларга яхшироқ етказиши табиий бир ҳол.

Сиз-ку, ўзингизда журналистикага қизиқиш борлигига иқрор бўлдингиз, энди эса қайси соҳаларга, қайси мавзуларга мойиллик борлигини аниқлаштириб олмоғингиз зарур. Ёшликда нималарга қизиқмагансиз! Лекин энди болалик ҳавасларини жиловлаб, профессионал қизиқиш ҳақида қайғуришингиз керак бўлади, барча куч-қудратингизни мана шу қизиқиш йўлида сафарбар этмоғингиз шарт!

Бунинг учун нима қилмоқ керак?

||| Ўзингиз нимага қизиқишингизни ўзингиз учун аниқлаб олмоғингиз керак!

Инсон ёши улғайгани, дунёқараши шакллангани сайин унинг қизиқиш доираси ҳам ўзгариб, кенгайиб бораверади. Журналист қанча кўп нарса билса шунча кам, бироқ бу – журналист барча мавзуда бирдек маҳорат билан ёза олади дегани эмас. Қизиқишни жиловлаб олиш деганда, ўзингиз қизиқадиган, яъни ўзингиз қизиқиш билан ўрганадиган, қизиқиб ёза оладиган мавзуларни, соҳаларни аниқлаб олиш назарда тутилган эди. Чунки, биринчидан, одам қизиққан мавзуси билан қанчалик кўп шуғулланмасин, сира чарчамайди. Зерикмайди. Ўзи зерикмайдиган мавзудагина одам бошқаларни **ҚИЗИҚТИРА** оладиган нарса ёзади!

Ҳамма гап шунда!

Ёза бошладингиз ҳам дейлик, хўш, ёзишдан муддао нима? Жўнроқ қилиб олганда, одам нима учун ёзади?

Бу саволга битта ёки иккита жумла билан жавоб берилса фикр тўла ифодаланмаслиги мумкин. Кенгроқ ифодалашга ҳаракат қилсак эса...

– журналист воқеа-ҳодисаларга бошқалардан фарқли ўлароқ муносабатда бўлади, демак, у ана шу **ФАРҚЛИ** қарашларни кўпчиликка билдириб қўйиш учун ёзади...

– ёзаётган нарсасини бошқалар билмайди деб ўйлайди, демак, у **БИЛДИРИБ** қўйиш учун ёзади...

– **МАШҲУР** бўлиш учун ёзади...

– **МОДДИЙ** манфаат кўриш учун ёзади...

– **АДОЛАТ** тантанаси учун ёзади...

– шахсий қарашларининг **ЖАМИЯТ** ва **ХАЛҚ** манфаатлари билан уйғунлигини намоёйиш этиш учун ёзади...

– **ЁЗМАЙ ТУРА ОЛМАГАНИ** учун ёзади...

– реал воқеаликдан **БОШПАНА** истаб ёзади...

Ушбу рўйхатни давом эттиришингиз мумкин, лекин санаб ўтилган омилларнинг барчаси ҳаммавақт устувор мақсадга айланмайди албатта, лекин конкрет шароит тақозосига кўра, буларнинг у ёки буниси энг биринчи мақсадга айланмай иложи йўқ. (Қўлланманинг 26-бетида берилган жавобларни янада бойитишингиз мумкин.)

Айтилганларнинг бари журналист шахсининг руҳий дунёсига, яъни унинг психологиясига дахлдор “ички” ҳолатлардир.

“Ташқи” ҳолатлар ҳам кўп. Журналист ва жамият тушунчасига эътибор беринг.

|| **“Матбуотнинг биринчи
|| галдаги вазифаси –**

бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида энг янги, энг аниқ маълумотларни топиб, улар бутун миллат мулкига айланмоғи учун зудлик билан эълон қилишдир

деб ёзган Лондонда нашр этиладиган “Таймс” газетасининг муҳаррири 1852 йилда. Шу мухтасаргина гапда журналистлик касбининг бевосита жамият ва халқ билан доимий алоқада бўладиган қирраси баён этилган. Қўлига қалам тутган ва ёзганларини матбуотда эълон қила бошлаган киши борки, энди у ўз фаолияти, ўз сўзи жамият ҳаёти, тақдири, туриш-турмуши билан яқинлашиб, бирлашиб кетишини ҳис этмоғи зарур. У энди ҳар бир сўзи, хабари, мулоҳаза ва ўйлари билан жамият ҳақида, эл-юрт ҳақида ҳукм чиқараётган, хулосасини айтаётган бўлади.

Парадоксни қарангки, худди шу ўринда бошловчи ижодкорга хос бўлган романтик ҳаёллар барҳам топа бошлайди, чунки ширин орзулар ҳаёт реалликлари, яъни паст-баландликлари билан тўқнашади.

Бошқача айтганда, ички ботиний майллар, мойилликлар ташқи-зоҳирий қонуниятлар, одатлар, анъаналар, меъёрлар билан юзма-юз келади.


||| Ушбу жараёнда журналистнинг профессионаллашуви билан бир вақтда унинг профессионал этикаси – одоби шаклланади, тобланади.

Демак, хулоса чиқаришимиз мумкин: муайян касб нормаларининг шаклланиши журналист профессионаллашувини англатувчи муҳим шартлардан ҳисобланади. Профессионаллашув ва касб одоби шартларини эгаллаш бамисоли қушнинг икки қаноти янглиғ ёнма-ён камол топади.

Маълумот тўплаш: дейлик, бирорта мақола ёзмоқчисиз. Иш, табиий, маълумот тўплашдан бошланади. Биринчи навбатда, **НИМА** ёзасиз? Қисқа хабарми, кенгайтирилган хабарми, мақолами, репортажми?..

Биринчи навбатда шуни ўзингиз учун аниқлаб оласиз. Кенгайтирилган хабар, мақола ёки репортаж ёзиб кўрмаган, бу борада ўз кучига ишонмаган мухбир дабдурустдан катта жанрга қўл уриши ҳам ички одобга зид. Уни ҳеч ким бу ниятдан қайтара олмайди, лекин беҳуда чираниш зудлик билан хабарни **ТАЙЁРЛАШГА** халал беради.

Янги спектакл премьераси ҳақида хабар ёзмоқчисиз. Қайси театр сахнасида? Қачон? Муаллиф ким? Режиссёр ким? Бош ролларни ижро этганлар кимлар?.. Шу каби саволларнинг бирортаси жавобсиз қолса, хабарингиз ўқувчини қониқтирмайди. Керакли маълумотларни премьера учун тайёрланган пресс-реализдан олишингиз



мумкин. Режиссёрдан олишингиз мумкин. Одатда премьера ташкилотчиларининг қўли-қўлига тегмайди, муаллиф ҳам, режиссёр ҳам интервью беришга фурсат тополмайди. Агар сиз ёш мухбир бўлсангиз, уларни “тутиб” олишингиз янаям қийин кечади. Шунда бошқа мухбирлар маълумот тўплаётган фурсатдан фойдаланишингиз мумкин. Ўзингиз савол берадиган бўлсангиз, **САВОЛЛАРИНГИЗ** аввалдан ўйланган, аниқ, лўнда бўлиши мушкулингизни анчагина осонлаштиради. Диктофон бўлса, нур устига нур.

Премьера бўлаётган жойдан чиқиб кетмасингиздан, интервью олаётган кишингиз сиздан узоқлашмай туриб, “Сўралиши муҳим бўлган савол қолмадими?” деган эслатмани албатта кўнгилдан ўтказинг – ортиқчалик қилмайди. Чунки интервью берувчининг олдида қайта бориб, фалон саволни бермабман, деб уни яна саволга тутиш мутлақо ярамайди. Профессионал нуқтаи назардан эса одобга зид!

Театр биносига бораётиб ўзимизча, дейлик, 5 та саволни кўнглимизга тугиб олган ёки уларни ён дафтаримизга белгилаб қўйган эдик. Шундай бўлса-да, яна бир карра ўйлаб кўрайлик-чи: бошқа муҳим савол қолмадими?..

Дарвоқе, спектаклни саҳналаштирувчи рассомнинг исм-шарифини сўрашни унутибмиз!.. Муסיқа ижодкорини сўрамабмиз!.. Либосларни ким танлаган, буни сўрамабмиз!..

Кўраяпсизми, ёзиш учун билишимиз шарт бўлган маълумотларнинг охири кўринмайди.

Баъзан, шундай ҳолатларда бир қатор ортиқча кўринган саволларга жавоб олиб қўйиш ҳам зиён қилмайди, чунки хабар ё мақола ёзаётганда ортиқчасини

ўчириш мумкин, лекин етишмай қолган зарур маълумот ўрнини тўлдириб бўлмайди!

Интервью олиш чоғида ким ва қайси касб соҳиби ва соҳибалари билан юзма-юз келаётганингизни ҳам эътиборда тутинг. Шунга яраша муомала **ТИЛИНИ**, **ОҲАНГИНИ** танланг: Машхур актёрми?.. Спортчими?.. Олимми?.. Ишчи ё хизматчими?.. Давлат арбобими?.. Ёшми?.. Кексами?.. Аёлми?.. Эркакми?..

Интервью қай пайтда олиняпти, шунга ҳам эътибор қаратинг: борди-ю, спектаклдан сўнг бўлса, ижодкорларнинг бирортасига асар тўғрисидаги салбий ёки мулоҳазали фикрингизни дабдурустдан ошкор эта кўрманг! Чунки Сизнинг шу пайтдаги вазифангиз маълумот олиш – мулоҳаза билдириш эмас! Қолаверса, оддий муомала маданиятидан келиб чиқиб, илиқ муносабат билан “Мириқиб томоша қилдик!”, “Яхши асар бўлибди!”, “Янги томоша бўлибди!” сингари лутфлар билан мурожаат қилиш ўринли. Шундай ҳолатда, лозим топсангиз, кўлингизда бир даста гул бўлса, янаям гўзал!

Интервью ололмасангиз-чи?.. Йирик раҳбар сизни қабул қилмаса ёки уни учратолмасангиз-чи?.. Булар ҳам ўз ҳолича жиддий муаммо.

Жиддий муаммолардан бири – **ХИЗМАТ САФАРИГА БОРИШ!!!** Қаерга борасиз?.. Қачон борасиз?.. Йўл харажати қаердан оласиз?.. Қаерда тунайсиз?.. Қаерда овқатланасиз?..Қандай транспортда юрасиз?.. Сафардан қайтаётиб, совға-салом оласизми?..

Ушбу саволларга бўладиган жавобларнинг бари Сиз ёзадиган мақолага, Сизнинг журналист сифатидаги шахсингизга ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатади.

Ёзишга киришиш: Ҳар қандай ишнинг режаси бўлади, ҳатто оддий хабарнинг ҳам. Режа тузиш учун аниқ мақсад бўлмоғи шарт. Яъни, мақолани **ёзишдан мақсад-муддао нима?** Нималарни қамраб олиш ниятидасиз? Гапнинг аввали нима-ю, ўртаси нима, охири-чи?.. Муסיқачиларда “даромад” деган тушунча бор, мақолада биз “кириш” ёки “муқаддима” деб атаймиз. Икки оғиз сўздан иборат бўлса-да, даромад бўлади, лекин ўзингизга савол беринг: кириш қисми чўзилиб кетмадими? Чўзилиб кетиш асосий мавзудан чалғитишга олиб келади.

Асосий қисмда мақсад очиқ-ойдинлашади, лўндалашади. Фикрлар тиниқлашади. Мақоланинг ана шу ҳар бир бўлакчасида сўз оҳанг, жумла ва гап қурилиши ўзига хос кечади. Шуларни эътибордан қочирмадингизми?..

Мақоланинг кульминациясини аниқлаштириб олмоқ керак. Бошқа барча компонентлар мазкур кульминация учун ё бевосита, ё билвосита хизмат қилади.

Режа мақолани ёзиш чоғида ўзгариши мумкин. Мақолага сўнгги нуқта қўйилгач, уни режада кўзлангани билан таққослаб кўринг: нима қолди, нима қолмади, яна нималарни киритиш зарур?.. Шу каби саволларга жавоб топинг.

Сарлавҳа – мақоланинг БОШ ва муҳим бўлаги. Сарлавҳа турлича бўлади. Мисол учун мақола мавзусини яққол очиб берувчи, мақола мавзусига ишора қилувчи, кинояли, жиддий ва ҳоказо. Шуни унутмаслик керакки, матбуотдаги ҳеч бир киноя, танқид кишининг шахсига қаратилган бўлмаслиги керак.

Рукнда ҳам гап кўп. Айрим газеталарда рукн талабларига кўпда эътибор берилмайди. Масалан,

“Фельетон”, “Сухбат” рукн эмас, жанр. Рукн мақолага олиб кирувчи биринчи “дарвоза”. Яъни, мақола рукн деб аталувчи дарвозадан бошланади.

Тагсарлавҳа ўқувчини диққатини жалб этишда ниҳоятда катта имконият. Сиз тагсарлавҳани ўхшатиб топдингизми, газетхон диққатини жалб этдим деб ҳисоблайверинг!

Мисол. “Моҳият”нинг 2003 йил 8 август сонидан таниқли журналист Қодиржон Собировнинг “Бетимнинг қалини – жонимнинг ҳузури” мақоласининг тагсарлавҳаси “Судья холис бўлмаса, жинойтчининг шеригига айланади” деб аталибди. Мақолани ўқисангиз, судьянинг ҳеч қандай айби йўқ. Демак, судьяга тухмат қилинган, ҳатто у ҳақоратланган дейиш мумкин.

Газетанинг 12 сентябрь сонидан таҳририят номидан “Рукнда ҳам гап кўп” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда биринчидан, “Бир раддия хусусида” дейилган бўлса-да, раддия Олий суд томонидан берилган. Раддия таҳририят номидан берилган мақола ичига сингдириб юборилган. Иккинчидан, Олий суд томоннинг норозилигига сабаб бўлган нуқсон рукнда эмас, тагсарлавҳада! Бу билан таҳририят вазиятдан кутилгандек бўлган, бироқ ўринсиз ва асоссиз тортишув оқибати газетанинг навбатдаги – 19 сентябрь сонидан “Моҳият” ишнинг моҳиятига тушунганми?” деб номланган Олий суд матбуот хизмати раддияси чиқиши билан ниҳояланди.

Бундай тортишувлар газетанинг профессионал даражаси, савияси бирмунча заиф эканлигини кўрсатади.

Журналист ва таҳририят ўртасидаги муносабатлар.

Мақолани қайси газета учун ёзаяпсиз? Ёзаётган мақолангиздан таҳририят (бош муҳаррир, бўлим мудири

ёки ижодий ходим) хабардорми? Таҳририятнинг буюртмаси эмасми? Мақолани қайси йўналишда ёзиш зарурлиги келишилганми? Айни шу мавзуда бошқа бир муаллиф ёзаётгани йўқми? Бошқа газетада айни шу мавзуда мақола чиққанми?..

Ахборот манбаи. Ахборотни кимдан оляпсиз? Жонли инсонданми, маълумотномаданми? Матбуотданми?

Ахборот манбаи кўп бўлиши мумкин, лекин асосий манба битта бўлади! Кўпгина тадбирларда махсус матбуот хизмати ташкил этилади, мазкур хизмат журналистларни ахборот билан таъминлайди. Баъзан шошилиш ҳолатларда ишончли шахс ҳам нотўғри ахборот бериб юбориши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай пайтларда журналист хушёр бўлмоғи зарур. Шундай ҳам бўладикки, махсус тайёрланган ахборотномадан айнан кўчиргандек тайёрланган хабар ёки мақолалар ўхшашлиги, ҳиссизлиги, шунчаки расмий маълумот оҳангидан нарига ўтмаслиги билан ўқувчига таъсир кучини йўқотади.

Қаҳрамонга муносабат. Мақолангиз қаҳрамонини олдиндан танийсизми? Унинг фаолияти билан танишмисиз? Унинг нуқтаи назари, жамиятда тутган ўрни ва ҳатто ОАВга муносабати қандай? У матбуотдаги қандай чиқишларга хайрихоҳ ва қандайларига совуққон?..

Шу каби саволларга журналистда жавоб бўлиши фақат фойдали ҳисобланади. Айрим мураккаб ҳолатларда, тушунмовчилик туғилганда тайёрланган мақолани, ҳатто ихчамгина хабарни ҳам мутахассисга, ахборот манбаига ўқитиб олиш зарар қилмайди.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

- 1. Журналистика нимадан бошланади? Унинг бошланғич аломатлари нималарда кўриниши мумкин?*
- 2. Қизиқиш доирасини аниқлаштириб олишнинг аҳамияти нимада?*
- 3. Ёзишга киришishининг дастлабки шартлари нима?*

ТОПШИРИҚ

Бош муҳаррир журналистга:

– Сизга топшириқ: айтилган корхонага борасиз, зудлик билан мақола тайёрлаб келасиз!

Журналист:

– Ижобий мақола ёзайми? Танқидийми? Ёхуд тўғрисида ёзайми?

ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Биз сизлар билан умумэтиканинг ажралмас бир бўлаги бўлмиш журналист касб этикаси фанини ўқимоқдамиз. Умумэтика билан касб этикасининг орасидаги ўхшашлик ва фарқни билиб олдик. Энди худди ўша тартибда халқаро ҳуқуқ ва унинг ажралмас бўлаги бўлмиш халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳақида гаплашамиз.

Ер юзидаги давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш механизми халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида яратилади. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар турлича бўлиши мумкин. Масалан, икки томонлама, уч томонлама, кўп томонлама. Минтақа доирасидаги муносабатларга доир ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин. Дунё миқёсидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам кўп.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқаро ҳуқуқ нормаларининг ҳурмат қилиниши ҳақидаги модда бор. Зеро, ўзини дунё мамлакатлари ҳамжамиятининг ҳақли аъзоси деб билган ҳар қандай давлат халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қилишга, улар билан ҳисоблашишга мажбур. Шундай экан, биз алоҳида ўрганишга вақт ажратганимиз халқаро гуманитар ҳуқуққа доир асосий ҳужжатларни, халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларининг журналистика билан боғлиқ жиҳатларини билиб қўйишимиз керак бўлади.

Инсоният тарихи – урушлар тарихидан иборат деган таъриф бор. Афсуски, бу аччиқ ҳақиқат, шу билан бирга бошқача таъриф бериш ҳам мумкин: инсоният тарихи – урушларга йўл қўймаслик, муросаи мадора чораларини излаш тарихи ҳамдир! Соғлом ва оқил кучлар урушга,

куролли тўқнашувларга йўл қўймаслик чораларини излашган, бунга эришганлар ҳам. Бу – масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати эса, уруш ҳолатларида, ҳатто жанг майдонларида ҳам инсонларни ҳалокатдан асраб қолиш, ёрдамга мухтож кишиларнинг жонига оро киришга қаратилган саъй-ҳаракатлар бўлган, бу борада қайғурадиган инсонлар топилган.

Шу тариқа тарихда икки йўналиш шаклланган. Булар:

- куролли тўқнашувларга, урушга йўл қўймаслик;
- уруш ва куролли тўқнашувлар келиб чиққан ҳолатда уларнинг аянчли натижаларини камайтириш.

Мазкур йўналишнинг иккинчисидан халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳасини яратиш ғояси келиб чиққан.

“Гуманизм” тушунчаси ҳақида тўхталамиз. “Гуманизм” лотин тилидаги *humanus* сўзидан келиб чиққан бўлиб, инсоний деган маънони англатади. *Humanitas* сўзи эса инсонийлик демакдир.¹ Бизда гуманизм деганда инсонпарварлик, инсонни севиш назарда тутиладики, бу ҳам моҳиятан хато эмас.

Инсонпарварлик ғоялари қадим-қадимдан Шарқ ва Ғарб алломаларини кўп ўйлантирган, инсоният ёвузликда эмас, балки инсонийлик, инсонпарварлик кайфиятида, муҳитида яшамоғини орзу қилишган. Ва даврлар ўтиши билан оддий инсоний туйғу давлатлараро муносабатларни тартибга келтирувчи халқаро ҳужжатлар мақомига кўтарилган.

||| *Инсоният тарихида 5–5,5 минг
йил ичида 15000га яқин турли
даражадаги урушлар бўлганлиги*

¹ Қаранг: Ҳақимов Р.Т. Халқаро гуманитар ҳуқуқ. (Ўқув қўлланма) Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999. - Б.3.

қайд этилган. Ўша урушларда 3650 миллиардга яқин киши ҳалок бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда юз берган 200дан ортиқ тўқнашувларда 70 миллиондан ортиқ инсоннинг ёстиғи қуриган.

Ушбу рақамлардан келиб чиқадиган биринчи хулоса нима?

Одамзодни уруш балосидан асраш!

Қандай қилиб урушларга йўл қўймаслик мумкин? Жойларда уруш олови ёқилмаслиги учун нималар қилмоқ керак?

Бу каби саволлар ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди албатта. Лекин иккинчи бир муҳим муаммо бор. Бу – гуманитар ҳуқуқ.

Замонавий гуманитар ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг ниҳоятда тез ривожланиб бораётган соҳаларидан бири ҳисобланади.

||| **Халқаро гуманитар ҳуқуқдан кўзланган мақсад:**

қуролли тўқнашувларга йўл қўймаслик, низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланишини кафолатлаш, давлатларнинг ҳамкорликларини мустаҳкамлаш.

Лекин халқаро гуманитар ҳуқуқ асосан – ҳарбий тўқнашувлар даврида уруш олиб бориш қоидаларини, қонунлари ва тартибини, шунингдек инсон ҳуқуқлари муҳофазасига доир ижтимоий муносабатларни ўз таркибига олади.

Тушунча ҳақида. Аслида “гуманитар ҳуқуқ”нинг аниқ ва тугал таърифи ишлаб чиқилмаган. Бу борада баҳсли қарашлар мавжуд. Турли даврларда халқаро гуманитар ҳуқуқни “уруш ҳуқуқи”, “халқаро ҳарбий

ҳуқуқ”, “уруш қонуни”, “қуролли тўқнашувлар қонуни” деб аташга доир таклифлар билдирилган. Лекин кўплаб халқаро ташкилотлар ва мутахассислар томонидан “халқаро гуманитар ҳуқуқ” атамаси маъқул кўрилган. Мазкур атама Женева дипломатия анжумани ҳужжатида киритилган (1974–1977 йиллар).

Яна тушунчага доир баҳсли қарашлар хусусида.

Айрим мутахассислар Инсон ҳуқуқлари билан Гуманитар ҳуқуқ ўртасида катта фарқ бор деб ҳисоблайдилар. Масалан:

– Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари давлат ва унинг ўз фуқаролари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

– Гуманитар ҳуқуқ эса бир-бирига душман бўлган икки давлат фуқаролари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Бу икки таърифдан, гуманитар ҳуқуқ фақат қуролли зиддиятлар вақтида кучга киради деган маъно келиб чиқади.

Шунга ўхшаш қарашлар “халқаро гуманитар ҳуқуқ” тушунчаси доирасини анчагина торайтиришга олиб келган бўлур эди. Ваҳоланки, энг тўғри деб қабул қилинган тушунча қуйидагича:

||| *халқаро оммавий
уруш ва тинчлик*

масалаларини тартибга солувчи, шахсинг энг кўп муҳофазаланишини таъминловчи ва давлатлар ҳамда айрим жисмоний шахслар масъулиятини белгиловчи умум қабул қилинган қоидалар, шунингдек кўп томонлама битимлар ва одатлар асосида амал

қилувчи, ривожланиб бораётган бошқа тармоқлардан биридир.¹

Халқаро гуманитар ҳуқуқ масалаларини тартибга солувчи манбалар:

- Ярадор ва касаллар ҳарбий хизмати тўғрисидаги 1864 йилги Женева Конвенцияси;
 - Портловчи ўқлар тўғрисидаги Санкт-Петербург декларацияси, 1868 й.;
 - Гаага конвенциялари (1899 ва 1907 йиллар), хусусан, қуруқликдаги уруш тўғрисидаги 1907 йилги Конвенция ва унга илова қилинган Низом; 1907 йилги ярадорлар, касаллар ва кема ҳалокатига учраганлар тўғрисидаги ўнинчи Конвенция;
 - Кимёвий қурол бўйича протокол, 1925 й.;
 - Ҳарбий асирлар тўғрисидаги Женева Конвенцияси, 1929 й.;
 - Инсониятга қарши жиноятнинг олдини олиш ва уни жазолаш тўғрисидаги Конвенция, 1948 й.;
 - Женева конвенциялари (1949 й.) :
 1. Қуруқликдаги касаллар ва ярадорлар тўғрисида;
 2. Денгиздаги касаллар, ярадорлар ва кема ҳалокатига учраганлар тўғрисида;
 3. Ҳарбий асирлар билан муомала тўғрисида;
 4. Фуқаро шахсларни ҳимоялаш тўғрисида;
 - Уруш вақтида маданий қадриятларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция, 1954 й.;
 - Кимёвий ва бактериологик қуроллардан фойдаланишни таъқиқловчи Конвенция, 1972 й.;
- Яна бир ҳужжат: Миналар, ёндирувчи қуроллар, кўринмайдиган парчали снарядлардан фойдаланишни чекловчи Конвенция, 1980 й.

¹ Ҳакимов Р.Т. Ўша ўқув қўлланмаси. – Б.12.

Санаб ўтилган ҳужжатлар халқаро гуманитар ҳуқуқни янада такомиллаштириш борасидаги асосий манбалар ҳисобланади.

1859 йили француз-итальян уруши айна авжига чиққан бир пайтда Италиянинг Сольферино деган жойида мазкур урушга қарши отланган Австрия қўшинининг ўн минглаб аскарлари оғир аҳволда қолишганини ўз даврининг атоқли арбоблари бўлмиш Анри Дюнан ва Френсис Либер ўз кўзлари билан кўриб, уларга ҳеч қандай тиббий кўмак берилмаётганидан даҳшатга тушадилар. А.Дюнан ярадорлар ва жон таслим қилаётганларга мутлақо ёрдам кўрсатилмаётганини ўзининг 1862 йили чоп этилган “Сольферино тўғрисида”ги китобида ёзган. Унда у ирқи, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, касаллар ва ярадорларни парвариш қилиш учун миллий жамиятлар ташкил қилишни, давлатлар ўртасида бундай ташкилотларни тан олиш ва ярадорлар билан яхши муомала қилинишини кафолатлаш хусусида шартнома тузишни таклиф қилган.

Уруш майдонларида тиббиёт ходимлари дахлсизлигини таъминловчи ҳамда уруш майдонларидаги ярадорларга кўмак берувчи доимий ташкилот ташкил этиш ҳақида халқаро шартномалар тузиш зарур деган конкрет таклиф билан чиққан.

1863 йили Швейцарияда Қизил ярим ой жамияти ташкил топади. Бу ташкилот 1880 йилдан Халқаро Қизил ярим ой қўмитаси деб қайта номланади. 1864 йили Женевада халқаро дипломатик конференция бўлиб ўтади, бу халқаро анжуман айна Дюнан орзу қилган мавзуларга бағишланади. (Ҳозир Женевадаги Қизил ярим ой қўмитаси биносига кираверишда Анри Дюнанга мўъжазгина ҳайкал ўрнатилган.)

Ушбу анжуман халқаро гуманитар ҳуқуқ тушунчасига асос солди дейиш мумкин.

Талабаларда ҳақли савол туғилиши табиий. Яъни масалан: уруш ўз номи билан уруш, унда одамларнинг ҳалок бўлиши, яраланиши ғавқулодда ҳолат ҳисобланмайди, нима сабабдан келиб чиқиб уруш ярадорларига алоҳида эътибор қаратилиши керак?

Ушбу саволга жавоб топиш учун уруш, уруш иштирокчилари ва ярадорлар, яъни урушга яроқсизлар тушунчасига ойдинлик киритиб олмоқ зарур.

Қадимги ҳинд халқ эпоси “Маҳобҳорат”да яралангани сабабли жангчилар сафидан чиқарилган аскарларни ўлдириш ман этилгани, уруш майдонларида эса махсус ўлдирувчи, ёндирувчи ишлов берилган ёйлардан, қуроллардан фойдаланишга рухсат этилмаслиги ёзилган.

Француз мутафаккири Ж.Ж.Руссонинг қуйидаги хулосаси фикрни янада ойдинлаштиришга ёрдам беради. Яъни, унинг ёзишича, урушлар одатда давлатлар орасида келиб чиқади, бундай урушларда одамлар инсон сифатида эмас, балки аскар сифатида тасодифан бир-бирларига душманга айланадилар.

**Яраланган жангчи
солдатлик мақомидан
чиқади ва у яна оддий одамга айланади.¹**

Шундай экан, ярадор инсоннинг жонини асраш-авайлаш чорасини кўриш инсонийлик бурчига киради. Қуролини ташлаган солдат жангчи эмас, демак, у ҳам, уруш ҳудудларидаги тинч аҳоли сингари муҳофаза остига олинмоғи зарур.

¹ Қаранг: Лабуш Н.С., Бекуров Р.В. Международное гуманитарное право и профессиональная деятельность журналиста. (Учеб. Пос.) СПб. Роза мира. – С.29.

Халқаро гуманитар ҳуқуққа доир энг муҳим кўптомонлама шартномалардан НАМУНАЛАР

1. Ҳаракатдаги армиялардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгиллаштириш тўғрисида 1864 йил 22 августда қабул қилинган Женева конвенцияси.

2. Портловчи ва ёндирувчи ўқ-дориладан фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисида 1868 йилда қабул қилинган декларация (Санкт-Петербург декларацияси).

3. Уруш қонунлари ва одатлари тўғрисида 1874 йил 27 августда қабул қилинган Брюссель декларацияси.

4. Ягона мақсади бўғувчи ёки зарарли газларни тарқатишдан иборат бўлган снарядлардан фойдаланмаслик тўғрисида 1899 йил 29 июлда қабул қилинган Гаага декларацияси.

5. Ҳаракатдаги армияларда ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгиллаштириш тўғрисида 1906 йил 6 июлда қабул қилинган Женева конвенцияси.

6. Қуруқликдаги уруш қонунлари ва одатлари тўғрисида 1907 йил 18 октябрда қабул қилинган низом.

7. Халқаро тўқнашувларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисида 1907 йил 18 октябрда қабул қилинган конвенция (I Гаага конвенцияси).

8. Шартномавий мажбуриятлар бўйича қарзларни ундиришда куч қўллаш борасидаги чеклашлар тўғрисида 1907 йил 18 октябрда қабул қилинган конвенция (II Гаага конвенцияси).

9. Ҳарбий ҳаракатлар очиклиги тўғрисида 1907 йил 18 октябрда қабул қилинган конвенция (III Гаага конвенцияси).

10. Қуруқликдаги уруш қонунлари ва одатлари

тўғрисида 1907 йил 18 октябрда қабул қилинган конвенция (IV Гаага конвенцияси).

“Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялар тўплами” (Т.:2002.) китобида мана шундай муҳим ҳужжатларнинг жами 50 та. Уларнинг рўйхати берилган. Биз уларнинг 10тасини намуна сифатида келтирдик, холос.

Жумладан, яна 2 та намуна қуйидаги ҳужжатлардан иборат:

47. Пиёдаларга қарши миналардан фойдаланишни, уларни тўплаш, ишлаб чиқариш ва бир-бирига беришни таъқиқлаш тўғрисида 1997 йил 18 сентябрда қабул қилинган конвенция.

50. Бола ҳуқуқлари тўғрисида 1989 йил 10 декабрда қабул қилинган конвенцияга қўшимча сифатида болаларнинг қуролли можаролардаги иштироки юзасидан 2000 йил 25 майда қабул қилинган Факультатив протокол.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

1. Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ оламида тутган ўрни нималардан иборат?

2. “Гуманизм” тушунчасининг оддий инсоний, сиёсий ва халқаро маъноларини тушунтириб беринг?

3. Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормалари қандай ҳолатлардаги муносабатларни мувофиқлаштиради?

ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ЖУРНАЛИСТИКА

Кўринадикки, халқаро гуманитар ҳуқуқ моҳиятан турли уруш, қуролли тўқнашув ҳолатларида, оддий тил билан айтганда, қийин шароитда қолган инсонларга нисбатан юксак инсонпарварлик туйғуларини сақлаб қолиш билан боғлиқ. Албатта, аввало урушга ёки қуролли тўқнашувларга йўл қўймаслик гуманизмнинг бошланиши ҳисобланади, аммо-лекин бундай саъй-ҳаракатлар беҳуда кетиши оқибатида уруш ҳолатлари юз берган тақдирда ярадорларга, асирларга, қуролли тўқнашувларга дахли бўлмаган фуқароларга, жумладан қариялар, беморлар, аёллар, болалар ва умуман ҳимоясиз қолганларга меҳр-мурувват кўрсатиш умуминсоний мажбурият сифатида кўплаб халқаро ҳужжатларда ўз аксини топгандир.

Табиий, савол туғилади: айтиб ўтилган ҳолатларда журналистика нима бўлади? Яъни, уруш ва жанг майдонларида юз бераётган ҳолатлардан ахборот тарқатиш қай тариқа йўлга қўйилади? Журналистларнинг ўрни ва аҳамияти нималардан иборат бўлади? Уларнинг ҳаётини хавф остида қолдирмаслик чоралари қай тариқа кўрилади?

Жаҳон афкор жамоатчилиги томонидан бу борада ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар қилинган. 1899 ва 1907 йилларда киритилган уруш қонунлари ва одатларига доир Гаага конвенциясининг 13-моддасида, шунингдек 1929 йил 27 июлда қабул қилинган Женева конвенциясининг ҳарбий асирлар билан муносабатга доир моддасида “газета мухбирлари” ҳақида сўз боради. Унга кўра ҳарбий қўшинлар қаторида қўлга олинган

газета мухбирлари (уларнинг ўз давлатларидаги ҳарбий маҳкамалар томонидан тақдим этилган махсус ҳужжатлари бўлган тақдирда) ҳарбий асирлар мақомига эга бўлмоқликлари керак. Бироқ кейинчалик белгилаб қўйилган ушбу мақомга аниқлик киритилди. 1949 йил 12 август куни қабул қилинган Женева конвенциясида (III конвенция) аскарлар қаторида қўлга олинган журналистларга “ҳарбий мухбирлар” мақоми берилди. Иккинчи жаҳон уруши тажрибаларидан келиб чиқиб, унинг махсус ҳарбий маҳкама томонидан тақдим этиладиган ҳужжатни олиб юриш мажбурияти бекор қилинди (ҳужжат уруш майдонларида, оғир шароитларда йўқолиб қолиш ҳолатлари кўп учрагани сабабли).

Умуман фавқулодда ҳолатларда журналистлар хавфсизлигини сақлаш масаласига қайта-қайта мурожаатлар қилинди. 1970 йили БМТнинг Бош Ассамблеясида Франция ташқи ишлар вазири М.Шуманн ташаббус кўрсатиб, мазкур масалага алоҳида жиддий тус берди. Шунинг таъсирида Бош Ассамблея Инсон ҳуқуқлари комиссиясига хавфли ҳудудларга хизмат сафарига борган журналистлар хавфсизлигини таъминлашга доир махсус Конвенция тайёрлаш вазифасини топширди. 1971 йили Комиссия ўзи тайёрлаган Конвенция лойиҳасини Ассамблея ва аъзо-давлатларга тарқатди. Мулоҳазалар, таклифлар олинди, улар ишлаб чиқилди ва ниҳоят, бирмунча узоқ давом этган тегишли жараёнлардан сўнг, 1977 йилнинг 8 июнь куни бўлиб ўтган Дипломатик конференцияда 1-Протоколнинг 79-моддаси – “Журналистларни муҳофаза қилиш чоралари” номи остида қабул қилинди. Мазкур модданинг мухтасар маъноси қуйидагича:

– “Қуролли конфликт давом этаётган ҳудудда хизмат

сафарида бўлган фуқаро сифатидаги журналист фуқаро шахсларга халқаро гуманитар ҳуқуқ томонидан бериладиган ҳуқуқлардан тўла-тўқис фойдаланади.

– Қуролли кучларда аккредитациядан ўтган ҳарбий мухбирларга III Конвенция 4-банд, 4-моддада кўзда тутилган махсус ҳолат мақоми қўлланилади.

Протоколга илова қилинган шахсни тасдиқловчи ҳужжат намунасига мос ҳужжати бўлган шахс ҳақиқатан ҳам журналист ҳисобланади”.¹

БМТ Конвенциясининг 5-модда, 2-хатбошида журналист фуқароси ҳисобланган ҳукумат томонидан бериладиган мазкур ҳужжатнинг орқа томонида “Ушбу ҳужжат эгаси хизмат сафари чоғида профессионал этиканинг барча меъёрларига қатъиян риоя этиши ва ўзи борган бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги, ҳеч қандай сиёсий ва ҳарбий фаолиятларга ёхуд жанговор ҳаракатларга дахлдор бўлиб қолишдан ўзини эҳтиётлаши зарур деган эслатмалар бўлмоғи керак” деган сўзлар ёзилган.²

||| Ушбу мулоҳазаларда ҳам кўринадики, фавқулодда ҳолатларда журналистнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи алоҳида муаммо, алоҳида тушунча сифатида шаклланган ва унга БМТга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган (демак, бажарилиши шарт бўлган) халқаро ҳужжат даражасига кўтарилган.

Шу ўринда уруш ҳолатларида ташқи дунё билан алоқа ўрнатиш масалаларига тўхталишга тўғри келади. Чунки инсон ҳар қандай ҳолатда дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

¹ Гассер Г.П., Моду А. Защита журналистов в опасных командировках. Международное гуманитарное право и деятельность журналистов. – Международный Комитет Красного Креста. 1994. - С.7.

² Ўша манба. - Б.8

Қолаверса, мисол учун, ҳарбий асирлар ўзлари тўғрисидаги ахборотни, маълумотни ўз вақтида зарур бўлган манзилга етказиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай ишларнинг бари ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади.

Мисол тариқасида “Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисида” 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенцияси бандларига мурожаат қилайлик.

Конвенциянинг “Ҳарбий асирларнинг ташқи дунё билан алоқалари” деб номланган V қисми, яъни 69 – 77-моддалари мулоқот муаммоларига бағишланган.

70-моддани ўқиймиз: “Ҳар бир ҳарбий асир асирга олинган вақтидан эътиборан ёки энг кечи билан лагерга, ҳатто транзит лагерга бўлса ҳам, жойлаштирилганидан сўнг бир ҳафта ўтгач, шунингдек, касалланиши ёки бошқа лазаретга ёхуд лагерга кўчирилиши муносабати билан, бир томондан, бевосита ўз оиласига, иккинчи томондан, 123-моддада кўзда тутилган Ҳарбий асирлар ишлари бўйича Марказий Агентликка почта карточкаси жўнатиш имконига эга бўлиши лозим; ... Ушбу карточкалар иложи борица тезкорлик билан жўнатилиши зарур ва уларни узатиш жараёни ҳеч қандай йўл билан секинлаштирилиши мумкин эмас”.¹

71-модда. “Ҳарбий асирларга хат ва почта карточкаларини олиш ва жўнатиш учун рухсат этилади”.²

Ушбу конвенциянинг VIII боби “Ташқи дунё билан алоқалар” деб аталади (105–116-моддалар).

Унда асир муайян жойга жойлаштирилгач, БИР ҲАФТА ичида у ҳақда тегишли манзилга, оиласига хабар

¹ Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами. Т.: Адолат. 2002. – Б.141.

² Ўша манба, ўша бет.

берилиши керак. Хабар бериш ҳеч қандай йўл билан кечиктирилиши мумкин эмас. Узрли сабаб бўлган тақдирда асирда тутиб турувчи давлат асир мансуб бўлган давлатга маълумотнома тақдим этиши зарур.

Бевосита журналистларга тааллуқли қуйидаги ҳужжатларни билиб қўйиш зарур:

Халқаро қуроли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли. 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенцияларига доир қўшимча протокол (1 протокол)

1 протокол 1977 йил 8 июнда Женевадаги дипломатик конференцияда қабул қилинган.

Протоколнинг IV қисм 3-боби “ЖУРНАЛИСТЛАР”, 79-модда эса “ЖУРНАЛИСТЛАР ҲИМОЯСИ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР” деб аталган. Модда қуйидаги уч банддан иборат:

1. “Қуроли можарола р ҳудудида хатарли хизмат сафарида бўлган журналистлар 50-модданинг 1-бандида кўзда тутилган мазмундаги фуқаро шахслар, деб ҳисобланади.

2. Шу жиҳатдан улар фуқаро шахс мақомига мос келмайдиган ҳеч қандай ҳаракат содир этмаслик ва қуроли кучлар қошида аккредитация қилинган ҳарбий мухбирларнинг Учинчи конвенциянинг 4-моддаси А.4-бандида кўзда тутилган мақомига ва тегишли ҳуқуқларига зиён етказмаслик шarti билан тегишли Конвенциялар ва мазкур Протоколга мувофиқ муайян ҳимоядан фойдаланади.

3. Улар мазкур Протоколнинг II Иловасида кўрсатилган намунадагидек шахсий гувоҳномалар олишлари мумкин. Журналист ўзи фуқароси ҳисобланган ёки ҳудудида доимий яшаб турган ёхуд ишлаб турган ахборот

агентлиги жойлашган тегишли давлат ҳукумати томонидан бериладиган ушбу гувоҳнома ўз соҳиби журналист мақомига эга эканини тасдиқлайди”¹.

(“Хатарли хизмат сафаридаги журналистнинг гувоҳномаси” 54-55 бетда келтирилди.)

Халқаро гуманитар ҳуқуқ ва журналистларнинг фавқулодда ҳолатларда фаолият юритиши мавзусидан сўз очилганда уруш ҳолатларида ташқи дунё билан алоқа ўрнатиш масалаларига тўхталишга тўғри келади.

Маълумки, ҳар қандай инсон ҳар қандай шароитда ахборот олиш ва ахборот узатиш ҳуқуқига эга. Уруш ҳолатларида бу масала бирмунча оғирлашади ва чигаллашади. Қолаверса, ҳозирги замонда ахборот инсон хавфсизлигини асровчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам нодавлат, давлат ва давлатлараро институтларнинг нормал фаолият юритишларида ахборот, умуман коммуникация масалалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ахборотнинг инсон хавфсизлигидаги аҳамиятини таъкидлаяпмиз, шу билан бирга “ахборот уруши” деган иборани ҳам унутмасликка тўғри келади. Зеро, ҳозирги замонда нафақат уруш ҳолатларида, ҳатто тинч даврларда ҳам ахборот уруши кузатилмоқда. Бошқача айтганда, ахборот қуролдан-да хавфли воситага айланиб кетди десак муболаға бўлмайди.

Жаҳондаги барча халқаро ташкилотларда ахборот марказлари, жамоатчилик билан ишлаш бюрolari фаолият юритади. Демак, бундай ташкилотларга қарашли кучлар ер юзининг қайсидир нуктасида уруш олови ёқилса ўша ерга етиб борадилар. Тўғри, бундай ёрдамларнинг замирида фақат инсонпарварлик ғоялари

¹ Ўша манба. - Б.381.

ётади деб қабул қилинмоғи керак. Қолаверса, ҳар қандай халқаро ташкилот ҳам сиёсий, ҳам молиявий ва бошқа масалаларда ҳеч бир давлатга ён босмаслиги шарт. Афсуски, амалда кўпгина ҳолларда кузатилганидек, деярли барча халқаро ташкилотларга у ёки бу давлат кўпроқ молиявий кўмак беради, шундан келиб чиқиб ўша ташкилотнинг мақсад-вазифалари ҳам бир томонга оғиб кетиш хавфи йўқ эмас. Журналист эса худди шундай ташкилотларга қарашли ахборот марказлари билан ишлашда албатта эҳтиёт бўлмоғи зарур. Бу билан ўзи олаётган ва тарқатаётган ахборотнинг тўғри ва ҳаққонийлигини таъминлаган бўлади.

Яна бир муҳим омилни асло унутиб бўлмайди. Бу – оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, унинг шаклланишига кўрсатадиган таъсири. Шундай экан, ОАВ орқали тарқатилаётган ахборот юз берган конфликтнинг яхши ёхуд ёмон томонга ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатиш эҳтимолини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Худди шунинг учун ҳам конфликтли ҳолатларда қўлланиши учун турли мавқедаги халқаро сиёсий институтлар томонидан халқаро нормалар ишлаб чиқилган, журналист этикаси меъёрлари яратилган, ОАВнинг ўзини ўзи цензура қилиш йўлга қўйилган.

Бу ўринда ўзини ўзи цензура қилишни тўғри талқин этмоқ зарур, зеро, журналистнинг холислиги ва мустақиллиги биринчи навбатда унинг шахсий ва касбий одоби ва маданиятига боғлиқдир.

Биз тинч даврда фаолият юритаётган журналистнинг касб одобига доир муаммолар ҳақида кўп гапирамиз, бироқ

III *конфликтли ҳолатларда журналистнинг бурчи, эркинлиги ва масъулияти масаласи бир неча ўн ва юз барабар ортиб кетади.*

“Конфликтлар, урушлар ва ҳоказо тўқнашувлар чоғида, – деб ёзади америкалик мутахассис М.Бриде, – эркинлик ва масъулият бир биридан ажратиб бўлмайдиган талабга айланади. Масъулиятсиз эркинлик ҳақиқатни бузишга ва бошқа суистеъмолчиликларга олиб келади. Бироқ эркинлик бўлмаган тақдирда масъулият ўз аҳамиятини йўқотади”.¹

Конфликтли ҳолатлардаги воқеа-ҳодисаларни ёзишда ўзига хос нозикликлар мавжуд албатта. Биринчи навбатда, журналист юз берган ҳодисалар ҳақида бошқалардан кўра тезкор ва таъсирли ахборот ёзишга ҳаракат қилади. Шундай руҳда ёзилган ва тарқатилган ахборотнинг таъсир кучи кўпроқ бўлади. Одатда шундай ҳолатларни шарҳлашга киришган сиёсатдонлар тезкорликка ва таъсирчанликка берилган ҳолда совуққонликни унутиб қўйганларидек, журналистларда ҳам биринчи бўлиб хабар бериш истак ва иштиёқи масъулият ва ҳақиқий аҳволни ёритиш бурчининг унутилишига олиб келиши мумкин. Конфликтли ҳолатлардаги вазият, мураккабликлар ва айниқса, турли матбуот вакилларининг кўплиги журналистлар орасида ҳам ўзига хос рақобат муҳитини келтириб чиқаради.

Конфликтли ҳолатлар журналистикасининг яна бир ўзига хослиги бор. Гап шундаки, уруш кечаётган ҳудудларда турли сабабларга кўра ахборот олинмайдиган, яъни “ахборотсиз” фурсатлар юз беради. Хўш, бундай ҳолатларда нима қилмоқ керак бўлади?

¹ Международное гуманитарное право и деятельность журналиста. - С.99.

Журналистларда, ахборотнинг йўқлиги ҳам ахборот, деган нақлнамо гап бор. Демак, журналист “ахборотсиз” фурсатда жим ўтиргани маъқулми ёхуд унчалик текширилмаган ахборотни йўқдан кўра қабилида тарқатавериши маъқулми?

Иккинчи усулни қўллайдиганлар ҳам йўқ эмас, ваҳоланки, унчалик текширилмаган ахборотни тарқатиш ҳам кенг оммани чалғитишга хизмат қилиши ҳеч гап эмас.

Уруш кетаётган ҳудудларда ҳеч қандай мухбир ё журналист тўла-тўқис ўзи истаган даражада ҳаракатлана олмайди, исталган дақиқада зарур ахборотни қўлга киритолмайди. Бундан, демак, у кечаётган асл жараён ҳақида тасаввурга эга эмас деган хулоса келиб чиқади. Биринчи жаҳон уруши, айниқса Иккинчи жаҳон уруши тажрибалари шуни кўрсатганки, икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида уруш авж олган пайтларда тарғибот-ташвиқот ишларига шу қадар зўр бериладики, бунинг натижасида воқеалар аслида қандай бораёпти, қаерда қандай ҳолат юз бермоқда деган саволларга деярли ҳеч ким, ҳатто журналистлар ҳам жавоб тополмай қоладилар. Мисол учун Гитлер армияси аҳоли оммасини ҳақиқий ҳолатдан чалғитиш мақсадида махсус миш-мишлар тарқатишга зўр берган. Варақалар тарқатган, дуч келган жойга плакатлар ва шиорлар осган.

1917 йили Англия Бош вазири Ллойд Джордж айтган куйидаги сўзи бежиз эмас эди: “Одамлар агар бўлаётган асл воқеаларни билсалар эди, уруш эртагаёқ тўхтаган бўлур эди. Бироқ, албатта, улар ҳеч нарсани билмайдилар, билишлари ҳам мумкин эмас”.¹

¹ Г.Почепцов. Теория и практика коммуникации. М.: Рефл-бук. 2001. - С. 108.

Ахир уруш майдонларида юрган журналистлар хабар беришади-ку, деган савол туғилади. Тўғри, шундай масъулиятни зиммасига олган журналистларнинг жасоратини қўллаб-қувватлаш мумкин, лекин, шуни ҳам тан олиш керакки, уруш кетаётган ҳудуддаги барча журналистларни реал аҳволдан тўла хабардор деб бўлмайди. Ҳатто брифингларда, матбуот анжуманларида ҳам берилган ахборот вазият ҳақида атрофлича хулоса чиқаришга асос бўлолмайдиган ҳолатлар кўп учрайди.

Вьетнамдаги уруш энг авжига чиққан пайтларда 700 дан ортиқ журналист воқеа жойидан хабар тарқатган. Форс қўлтиғидаги жангларни ёритиш мақсадида 1000 дан ортиқ журналист воқеа жойига етиб борган. Бироқ, “1000 журналистнинг ҳар еттитасидан биттаси реал воқеа гувоҳига айланган, қолганлари эса уруш майдонларига йўлатилмаган”.¹

Айтиб ўтилган мулоҳазалар ва фактлар ҳам фавқулодда ҳолатларда фаолият юритишга отланган журналист қандай қийинчиликларга рўпара келишидан далолат беради.

Қуролли тўқнашувлар ҳудудида ахборот олиш ва уни тарқатиш алоҳида муаммо бўлса, журналистларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш яна бир жиддий муаммолардан саналади.

Журналистга жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолати икки хил бўлади:

бири – журналистларнинг бевосита қуролли тўқнашувлар чоғида шикастланиши;

иккинчиси – қўлга туширилган журналистларга турли тазйиқлар ўтказиш.

¹ Ўша манба. - Б.108.

Ваҳоланки, соғлом қарашлар эгалари бундай ҳолатларда журналистлар муҳофазасини таъминлаш устида қайғурганлар, шунга доир тегишли нормалар ишлаб чиқишга ҳаракатлар қилганлар. Чунончи, 1899 ва 1907 йилги Гаага конвенцияларида, шунингдек 1929 йил 27 июль куни қабул қилинган Женева конвенциясида “газета мухбирлари”га яратилиши зарур бўлган шарт-шароитлар тилга олинган. Мухбирлар, газета репортажчилари қўлга олинган тақдирда улар билан ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тартиби ўрнатилиши зарурлиги уқдирилади. Яъни,

||| журналист ҳарбий эмас, у майдонда юз бераётган воқеаларга дахли йўқ фуқаро шахс, унинг бирдан-бир вазифаси – юз берган воқеа-ҳодисалар ҳақида жамоатчиликка хабар бериш, холос.

Бобнинг 1-бандида эслатилган 50-модданинг 1-банди мазмунини билиб қўйиш керак бўлади. Унда қуйидаги эслатмалар битилган:

50-модда – Фуқаро шахслар ва фуқаро аҳоли тушунчалари

1. Учинчи конвенциянинг 4-моддасида (А.1, А.2, А.3, ва А.6) ва мазкур Протоколнинг 43-моддасида кўрсатилган бирон-бир шахслар тоифасига мансуб бўлмаган ҳар қандай шахс фуқаро шахс ҳисобланади.

Энди масаланинг иккинчи, яъни бевосита журналистлар фаолиятига дахлдор кирраси хусусида сўз юритилади.

Гап шундаки, ҳар қандай қуролли тўқнашув, ҳатто зиддиятли ҳолатлар ҳудуди журналист фаолият юритиши учун фавқулодда вазият ҳисобланади. Ахборотни вақтида ва мукаммал узатиш журналистдан воқеа жойида

бўлишни, воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўришини тақзо этади. Ушбу мажбурият ва бурч журналистдан энг хатарли жойларга боришга ундайди. Бироқ, ғавқулодда ҳолатлар журналистикасида кўплаб тавсиялар, эслатмалар ишлаб чиқилган, улар халқаро журналистика майдонларида амалда. Мисол учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тайёрланган ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан чоп этилган қўлланма (2002 йил) батафсиллиги билан эътиборга лойиқ.

Қўлланманинг 3-қисми “Текширувчи журналистларни индивидуал ва умумий ҳимоя қилиш учун қўлланма” деб аталади. Унда жўнашдан олдин бажариладиган ишлар(А), умумий хавфсизлик чоралари бўйича (Б), ва кузатув майдонидаги турли шароитларда ўзини қандай тутиш бўйича маслаҳатлар берилган.

А. –

Тиббий кўрик;
Дантист кўриги;
Қилинган вакциналарни аниқлаш
(Сил, сарик, безгак сингари касалликларга қарши);
Қон гуруҳини аниқлаштириб қўйиш;
Биринчи ёрдам муолажаларини ўрганиш;
Ўзи билан олиб юриши шарт бўлган нарсалар;
Шахсий хавфсизлик бўйича қўлланмалар;
Ўзини тутта билиш қоидалари;
Минали йўлдан юриш;
Қўлга олинсангиз;
Яралансангиз ва ҳоказо.

ХАТАРЛИ ХИЗМАТ САҒАРИДАГИ ЖУРНАЛИСТНИНГ ГУВОҲНОМАСИ

Юза ТОМОН

Эслатма: Ушбу гувоҳнома қуролли можаро ҳудудида хатарли хизмат сафарларида юрган журналистларга берилади. Ҳужжат эгалари 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенциялари ва уларга Қўшимча I Протоколга мувофиқ ўзларига нисбатан фуқаро шахс сифатида муомала қилиниши ҳуқуқига эгадир. Мазкур гувоҳнома эгаси ҳужжатни доим ёнида олиб юриши шарт. Қўлга олинган тақдирда, у ўз шахсини аниқлашда кўмаклашишлари учун бу ҳужжатни дарҳол қўлга олган маъмурларга тақдим этади.	(Ушбу гувоҳномани берган мамлакат номи) ХАТАРЛИ ХИЗМАТ САФАРИДАГИ ЖУРНАЛИСТНИНГ ГУВОҲНОМАСИ
	Сирт томон
Берилди (ваколатли маъмурият томонидан) Гувоҳнома эгасининг	Бўйи_____Кўз_____ Вазни_____Соч_____ Қон гуруҳи _____Rh-

сурати	фактор_____
Жой	Диний мансублиги_____
Сана	Бармоқ излари_____
(Расмий муҳр)	
(Гувоҳнома эгасининг	(Сўл кўрсаткич бармоқ)
имзоси)	_____
Фамилияси	(Ўнг кўрсаткич бармоқ)
Исми ва ота исми	_____
Туғилган санаси ва жойи	Алоҳида белгилари
Муҳбир	_____
Касби	

Б. –

Ходимларнинг фаолиятида келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилиш хизмати;

Жанг майдонида гуруҳ раҳбарини танлаш;

Гуруҳ раҳбарининг мажбуриятлари;

Хавфли муҳитда фаолият кўрсатувчилар учун топшириқ йўлланмаси...

С.–

Текширувдан кейинги чоралар, йўл-йўриқлар.

Қўлланмада келтирилган тавсияларни яна давом эттириш мумкин. Уларнинг бари фавқулодда вазиятларда, яъни халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидалари қўлланиши мумкин ва зарур бўлган ҳудудларда ва ҳолатларда журналистнинг хавфсизлигини, уларнинг қийинчиликсиз фаолият юритишини таъминлашга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, уруш майдонларида, конфликтли, қуролли тўқнашувлар давом этаётган ҳудудларда фаолият юритаётган журналистнинг касбий

фаолияти ўзига хос талабларга риоя этилишини тақозо қилади. Жумладан, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

– журналист инсон ҳуқуқларига, урушни олиб бориш, миллий озчиликка муносабат масалаларига дахлдор бўлган миллий ва халқаро нормаларнинг бажарилишига кўмак бермоқликка бурчдор;

– журналист ўз материаллари билан уруш ҳолатида бўлган тарафлар ўртасида узилиб қолган мулоқотнинг ўрнатилишига, музокара муҳитини яратишга кўмак бермоғи зарур;

– журналист халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини зўрайиб бораётган зиддиятли ҳолатларга тортмоғи керак;

– журналист халқаро тинчликни сақловчи саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоғи керак;

– журналист зиддиятли ҳолатни келтириб чиқарган баҳсли масалалар уларни бартараф этиш нуқтаи назаридан талқин этмоғи зарур;

– журналист кенг жамоатчиликка ахборот тарқатаётганини унутмаслиги, муносабатларни янада кескинлаштириши эҳтимоли бўлган ахборотни тарқатишдан сақланмоғи муҳим;

– журналист тарафларни ўз нуқтаи назарларини ифода этишларига бетараф инсон сифатида имкон яратмоғи керак.

Роберт Карл Манноффнинг “Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайтиришда ОАВнинг роли” китобида баён этилган мазкур эслатмаларни мураккаб вазиятларда фаолият юритишига тўғри келган ҳар қандай журналист ўзи учун дастуриламал қилиб олиши зарур деб ўйлаймиз.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

- 1. Қуролли тўқнашув майдонларида жангчилар ва фуқаролар орасидаги фарқ нималардан иборат?*
- 2. Фавқулодда ҳолатлар ва қуролли можаролар ҳудудларида журналист фаолиятининг ўзига хосликлари нималардан иборат?*
- 3. Қуролли тўқнашув ҳудудларида журналистнинг фаолият юритиши ва унинг хавфсизлиги қандай таъмин этилади?*

ЁН ДАФТАРДАН:

Оммавий ахборот воситалари оммавий қирғин қуролларидан-да хавфлироқ.

КАСБ ЭТИКАСИ КОДЕКСЛАРИ

Ҳар қандай жамиятда матбуот зиммасидаги эркинлик билан масъулият мувозанатини сақлаш ҳамиша жиддий муаммо саналади. Холисликни, демократик нормалар меъёрини, кишиларнинг шаъни, кадр-қимматини асраб-авайлашни, ҳатто жамиятдаги осойишталик ва барқарорликни таъминловчи куч мана шу мувозанат замирида мужассамлашади.

Жаҳон журналистикасининг энг устувор принциплари инсоннинг табиий эҳтиёжлари ҳисобланмиш ахборот олиш ва сўз эркинлиги эҳтиёжини қондиришга бўлган талаблардан келиб чиққан. Қолаверса, тараққий этган давлатларда эришилган ва қарор топган матбуот эркинлиги таниқли ҳуқуқшунос М.Федоров (Россия) ёзганидек, “Либерал максимализмдан то ижтимоий масъулият туйғусини ҳис этишгача бўлган йўлни босиб ўтган”.¹

Албатта, сўз эркинлигига замин яратиш, фикр хилма-хиллигига эришиш жамиятни парокандаликка олиб келиш эвазига бўлмаслиги керак. Зеро, ҳар қандай жамият ўзини бузғунчи таъсирлардан ҳимоя механизмини яратмоғи зарур ва бунга мажбурдир ҳам. Бундай механизм касб этикаси кодекслари асосида амалиётга жорий этилиши жаҳон журналистикасида кўп учрайди.

Турли давлатларда амалда бўлган журналистнинг касб этикаси кодекслари ўзига хос миллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда яратилган. Шу билан бирга кодекслар орасидаги фарқларни истисно этмаган

¹ Законы и практика СМИ в одиннадцати демократиях мира (сравнительный анализ). Изд-е 2-е.— М.: Галерия, 2000. — С. 6.

ҳолда уларни моҳиятан бир-бирига яқинлаштириб турган асосий муштарак талаблар ҳам бор. Мисол учун:

- аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқи;
- холислик;
- аниқлик;

– ахборот манбаига садоқат сингари касб нормалари деярли барча кодексларда алоҳида таъкидланган. Мана шу талаблар муштараклиги ҳам дунёда “жаҳон журналистикаси” дея аталувчи яхлит бир ижодий жараён, яхлит муҳит мавжудлигидан далолат беради.

**||| Оммавий ахборот воситалари тизими
фаолиятини йўлга қўйишда халқаро
ва миллий қонунлар, низомлардан ташиқари зоятда
жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат – касб
этикаси кодекслари ҳисобланади.**

Ахлоқшунослик фани тарихида кўплаб касб кодекслари, чунончи, шифокорнинг, ўқитувчининг, ҳуқуқшуносларнинг касб одобини меъёрлаштирувчи кодекслар яратилган. Улар орасида “журналистнинг касб этикаси кодекси” тушунчаси, илмий асосда ўрганилиши жиҳатидан нисбатан анча ёш. Ушбу соҳага оид кодекслар асосан XX асрнинг дастлабки йиллари яратила бошланган.

Лотин тилида (Codex) тизимлаштирилган ҳуқуқий акт маъносини англатадиган кодексларнинг барчаси мазмун-моҳияти билан журналистнинг касб одоби меъёрларини тартиблаштиришга хизмат қилади. “Кодекс – мантиқий тизимлаштириш хусусиятига эга қонун бўлиб, ўзида ижтимоий муносабатларнинг маълум бир

соҳасини батафсил тартибга солувчи нормаларни бирлаштиради”.¹

Республика матбуотида, соҳага тааллуқли йиғилишларда журналистнинг касб одоби, касб кодекси мавзуларидаги дастлабки мулоҳазалар ўртага ташлана бошлагач, “Журналист учун кодекс шартми?” деган мазмундаги эътирознома рад этишлар ҳам учради. Чунончи, ушбу қўлланма муаллифининг “Ўзбекистон матбуоти” журналида эълон этилган (2003 йил 1-сон.) “Журналистнинг шаъни таъмадан устун” сарлавҳали очик хатида ўзбек журналистлари учун ҳам кодекс яратиш ҳаёт тақозоси эканлиги ўртага ташланди. Устоз журналист С. Мусаев эса, “Баъзиларнинг журналистлар тубанлашиб кетаётганлигининг олдини олиш чораси сифатида касб ахлоқи кодексини яратиш ҳақидаги таклифини ўринсиз деб ўйлайман... Оммавий ахборот воситалари ҳақида ажойиб қонунлар қабул қилинган, журналист ва таҳририятларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, фаолият мезони белгилаб қўйилган бир пайтда ахлоқ кодекси аҳволни яхшилашга ёрдам беради, деб ҳисоблаш ортиқча” деган фикрни илгари суради.² Журналист Т. Раҳматуллаев эса касб одоби кодекси яратилиши тарафдори. “Чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда журналистларнинг ахлоқ кодекси кераклигини таъкидлаш жоиз, – деб ёзади у. – Ривожланган мамлакатларда ҳам кодекслар фақат ўтган асрнинг 70–80-йилларида пайдо бўлиб, кенг тарқала бошлади. Бунга айти шу вақтларга келиб керакли замин ва шарт-шароитлар яратилди ва эҳтиёж туғилди”.³

¹ Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Основы государства и права. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 41.

² Мусаев С. Диёнат – ҳақиқатгўйликда // Ўзбекистон матбуоти. 2003. 3-сон. – Б. 31.

³ Журналист ва ҳуқуқ. – Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ахборотномаси. 2003 йил, январь, 8-сон. – Б.3.

Мақола муаллифи журналистнинг ахлоқ кодекси яратилишининг яна бир муҳим аҳамиятини таъкидлаб ҳам ўтади. “Агар, – деб ёзади у фикрини давом эттириб, – ўзини-ўзи чеклаш тамойили ҳаётга татбиқ этилмаса, журналистикани чекловчи бошқа кучларнинг таъсири кучайишини хорижда яхши англай бошлашди. Шунинг учун “ўз-ўзини цензура қилиш”, “ўзини-ўзи бошқариш” каби иборалар тез-тез ишлатиладиган бўлди”.¹

Дарҳақиқат, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай миллий матбуотда журналистлар томонидан меъёрни унутиш, демократияни бевошликка айлантиришга мойиллик, ноҳолислик ва ҳоказо иллатларнинг авж олиши уларга қарши муайян чеклашларнинг, тўсиқларнинг зўрайишига олиб келади. Бу чеклаш ва тўсиқлар аста-секин эркин фикр тўғаноғига айлана боради. Унга қарши курашишнинг бирдан-бир самарали чораси эса, авваламбор, журналистлар томонидан касб одоби талабларига қатъиян риоя қилишларидадир.

Умуман, касб этикаси кодексининг зарур-нозарурлиги, унга эҳтиёж бор ё йўқлигига доир турфа муносабатларнинг бўлиши табиий, лекин бу борада қуйидаги нуқтаи назарларни илгари суриш мумкин:

– кодекс биринчи навбатда, журналист фаолиятини ҳукуқий, ахлоқий жиҳатдан изга солади. Уни мавжуд қонунлар доирасида иш юритишга тайёрлайди. Турли мураккаб ҳолат ва вазиятларда қонуний, касбий-инсоний хатти-ҳаракат мезонларини белгилаб беради;

– кодекс журналистнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, салоҳиятини мустаҳкамловчи асос, таянч вазифасини ўтайди. Жамият аъзолари ўртасида журналист ўз ички

¹ Журналист ва ҳуқуқ // Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ахборотномаси. 2003 йил, январь, 8-сон. – Б.3.

интизомий нормалари мавжуд бўлган касб эгаси эканини намоён этади;

– кодекс психологик жиҳатдан ўз ички интизомини тартиблаштирувчи, ўзи ва касбдошлари томонидан тайёрланган, жамоатчилик томонидан эътироф этилган ҳужжат сифатида журналистлар орасида жиддий таъсир кучига эга бўлади;

– кодекс журналистларнинг фаолият жараёнидаги хатти-ҳаракатларига холис баҳо бериш мезонига айланади. Уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда, шунингдек, номақбул хатти-ҳаракатга йўл қўйган журналистни айбига иқро қилишда асос вазифасини ўтайди. Янада муҳими, кодекс журналистнинг энг мураккаб ҳолатларда адашиш, чалғишлардан асраб унга касб одоби меъёрларини эслатади. Кодекснинг фавқулодда гуманистик аҳамияти шу ўринда кўринади. Яъни, “Кодекс – журналист тўғри йўл топиши учун яратилган имконият”.¹ Тайёр кафолатга кўр-кўрона риоя этишдан кўра, мавжуд имкониятдан онгли равишда фойдаланиш эркинлиги журналистнинг ижодий эркинлигини таъминлайди, унинг профессионал нуфузини оширади.

Кодексида ифодасини топган касб этикаси шартларига риоя қилиш журналист ижодий маҳоратининг чархланишига кўмак беради. Яна бир жиҳати шундаки, амалда кенг қўлланиладиган мукаммал кодекс журналистнинг ҳам ҳаётий, ҳам ижодий позициясини мустаҳкамлайди, яъни у сира иккиланмайди, икки ва ундан ортиқ қадриятлар орасида йўлсизликка учрамайди.

Жаҳон журналистикаси тарихида касб этикаси кодексини яратиш борасида тўпланган тажриба таҳлил

¹ Профессиональная этика журналиста. – Док. и справоч. материалы.–М.: Галерея, 2002.– С. 19.

этилса, билдирилган мулоҳазалар мазкур тенденция давом этаётганини, жаҳон журналистикасида кодекснинг аҳамиятига нақадар катта эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди.

Жаҳон журналистикасида XX асрнинг айниқса 60–80-йилларида кодексларнинг кўпайиши кузатилган.

Аср бошларидаги кодексларда асосан ҳаққонийлик, ҳалоллик, самимийлик, иш берувчиларга нисбатан содиқлик фазилатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Асрнинг ўрталарида яратилган кодексларга ҳавфсизликни таъминлаш, сиҳат-саломатлик, фаровонлик, кишиларнинг эрки, ошкоралик, халқлар ўртасидаги дўстлик қадриятларига алоҳида эътибор қаратиш хос бўлган.

70-йиллар кодексларида ўз ваколатлари доирасида масъулиятли бўлиш бошқа қадриятлардан кўра кўпроқ қадрлана бошланган.¹

90-йилларда, айниқса асрнинг сўнгги ўн йилида, муболағасиз – кодекс яратиш борасида “портлаш” юз берди.

Бу ҳолни изоҳлаш қийин эмас. Зеро, ўтган асрнинг сўнгги ўн йилида дунёдаги ғоявий-мафкуравий мувозанат нисбатида тубдан ўзгариш юз берди. Шўролар салтанатининг емирилиши ва ёш мустақил давлатларнинг вужудга келиши муносабати билан турли мамлакатлар оммавий ахборот воситалари тизимида янги давр бошланди.

Ўтмишга мурожаат қилинадиган бўлса, Америка газета муҳаррирлари жамияти томонидан 1923 йилда

¹ Қаранг: В.А. Канке. Этика ответственности. – М.: Логос, 2003. – С. 314-315.

Журналистика қонунлари кодекси қабул қилинган.¹ Дунёга машҳур “Вашингтон пост” газетаси 1933 йили Ю. Мейерлар оиласи мулкига – тасарруфига ўтган заҳоти, биринчи навбатда газета эгалари кодексининг ахлоқий нормаларини эълон қилган.² Француз журналистлари миллий касаба уюшмаси томонидан қабул қилинган “Француз журналистларининг касб бурчлари хартияси” дастлаб 1918 йили қабул қилинган бўлса, 1938 йили унга қўшимчалар киритилган.

Кодекс қабул қилиш ва уни замонлар ўзгаришига монанд такомиллаштириб бориш борасида Миссури штати журналистикаси ўзига хос тажриба мактабини яратган. Штат Радио ва телевизион ахборот дастурлари режалари Ассоциацияси дастлаб 1946 йилда кодекс қабул қилган. Орадан 4 йил ўтиб унга касб фаолиятининг асосий амалий раҳбарлик йўлланмалари қўшилган. 1973 ва 1978 йилларда эса кодекс тамомила замонавий талаблар асосида янада такомиллаштирилган.

Бу факт шуни кўрсатадики, биринчидан, кодекс мутлақ ўзгармас догма эмас, у давр ва жамият ўзгаришларини ўзида акс эттириши зарур, шундагина унинг амалий аҳамияти, таъсир кучи орта боради. Қолаверса, жамиятдаги демократик янгиланиш кайфиятлари кодексда ўз аксини топади.

Халқаро Журналистлар федерациясининг “Журналист одоби принциплари декларацияси” 1954 йили қабул қилинган. Профессионал журналистлар жамиятининг “Ахлоқий нормалар кодекси” 1996 йили амалга киритилган. АҚШ профессионал журналистлари жамияти, Америка газета муҳаррирлари жамияти,

¹ Қаранг: Сиберт С. Ф., Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. – М.: Национальный институт прессы. Вагриус, 1998. – С. 130.

² Профессиональная этика журналиста. – Док. и справоч. материалы. – М.: Галерея, 2002. – С. 268-272.

шунингдек Бельгия, Швеция, Исландия, Испания, Германия сингари Европа мамлакатларида қабул қилинган касб кодексларининг яратилиш даври ўтган асрнинг 80-йилларига, кўпроқ 90-йилларига тўғри келади. Бундай тенденциянинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Бош сабаблардан бири XX асрнинг охирига келиб ахборот глобаллашуви жараёнлари муқаррар тус олди, бошқачароқ таърифланадиган бўлса, ахборот оқимини жиловлашнинг иложи бўлмай қолди, натижада матбуотни цензура остида тутиб туриш имкони йўқолди, демократик тамойиллар биринчи планга чиқди. Булардан қатъий назар, матбуот эркинлигининг ўзига хос масъулиятини белгиловчи мезонлар ҳам бўлиши зарур эди. Ушбу заруриятни адо этиш журналистнинг касб кодекслари ва ҳоказо касб этикаси нормаларига, яъни ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган ҳужжатлар зиммасига тушди. Хarakterли мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, Россия Федерацияси Думаси матбуот эркинлигини чеклашга қаратилган қонун лойиҳаларини яратишга зўр бергани сайин мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари тизимида касб кодексларини ишлаб чиқишга эътибор кучайган. Англия Парламентида мана шунга ўхшаш ҳаракатлар зўрайган паллада матбуот соҳасида ўзини-ўзи бошқариш тизимини яратиш ташаббуси эълон қилинган ва Матбуотга оид шикоятларни кўриб чиқувчи матбуот қўмитаси ташкил этилган.¹

Кўринадикки, жамият жиддий ва тарихий янгиланиш, ўзгаришлар даврини бошдан кечираётган пайтларда оммавий ахборот воситалари соҳасида, бир томондан, ўзини муҳофаза қилиш инстинкти, иккинчи томондан, ижтимоий масъулият туйғуси кучаяди. Касб кодексини

¹ Профессиональная этика журналиста. - Док. и справоч. материалы. – М.: Галерея, 2002. – С. 13.

яратиш худди шу инстинктнинг ва ушбу туйғунинг муҳим кўринишларидан ҳисобланади.

Жаҳон журналистикасида амалда бўлган касб кодекслардаги ўхшашликлар ҳақида сўз борганда аксарият кодексларда журналистнинг жамиятда тутган ўрни, унинг касб бурчига садоқати, ахборотни ҳаққоний ва холис тарқатиши, ахборот манбаи билан муносабатлари, ахборотни холис тарқатиш билан унга муносабат билдириш ҳуқуқи ва меъёрлари, айбсизлик презумпциясига риоя этиши ва шу сингари бир қатор нормалар қамраб олингани кўринади.

Иккинчидан, кодексларнинг фарқли жиҳатлари шундаки, айрим ҳужжатлар муайян мамлакат миқёсида, айрим ҳужжатлар эса у ёки бу жамиятлар, уюшмалар ёхуд ассоциациялар томонидан қабул қилинган. Шу билан бирга халқаро ташкилотлар томонидан амалиётга киритилган кодекслар ҳам мавжуд. Муайян таҳририятлар миқёсида, шунингдек босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи журналистлар учун алоҳида, электрон оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи журналистлар учун алоҳида мўлжаллаб яратилган кодекслар бор. Бунда босма оммавий ахборот воситасининг, радио ва телевидение журналистикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилган. Фотожурналистикада касб кодекси меъёрларини белгилашга ҳаракатлар қилинган.

Санаб ўтилган турдаги кодекслар ва ҳоказо ҳужжатлар ўртасидаги муайян тафовутлар истисно қилинган тақдирда ҳам оммавий ахборот воситасининг қайси турида фаолият юритаётганидан қатъий назар

||| журналист ўз ўқувчиси, тингловчиси, томошабини ва ўз ҳамкасблари олдида ҳисобдор. Шундан келиб чиқиб, у қуйидаги бир қатор талабларни ўзининг доимий касб одоби нормаларига айлантирмоғи зарур:

- журналист ўзи тарқатаётган ахборотнинг аниқлигига, холислигига жавобгар;
- журналист ўзи тарқатаётган ахборотнинг қайси манбадан олаётганлигини текшириб кўриши шарт;
- журналист ўзи тарқатаётган ахборотнинг қайси ва қандай аудиторияга мўлжалланганини, тарқатаётган ахбороти кимларга ижобий, кимларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини аввалдан билмоғи зарур;
- журналист контекстдан узиб олинган ахборот чала ахборот эканлигини ва бундай ахборот оммани чалғитиши мумкинлигини унутмаслиги керак;
- журналист ахборот бериш ва ахборотни таҳлил қилиш ҳолатлари ўртасидаги фарқни ўзи учун аниқлаб олмоғи зарур;
- журналист ғавқулодда ҳолатларда, сенсацияга айланиб кетиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатишда ҳушёрликни, мулоҳазакорликни унутишга ҳаққи йўқ;
- журналист ирқий, миллий, этникодий қадриятларнинг, шунингдек, аёлларнинг шаъни, кадр-қимматини поймол этиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатиш номақбул оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёдда сақламоғи шарт;
- журналист баъзан шахсан ўзига маъқул келмаган ахборотни ҳам хизмат юзасидан тарқатишга масъул;
- журналист жамиятда фикр хилма-хиллигини

таъминлашга имкон яратувчи, фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштироки йўлида хизмат қилувчи, ижтимоий масъулият туйғусини ҳамиша ёдда сақлашга мажбур бўлган касб соҳиби эканлигини унутмаслиги даркор.

Албатта, ҳеч бир касб кодекси журналист фаолиятидаги барча ҳолатларни тўла-тўқис қамраб ололмайди. Шу боисдан ҳам деярли барча кодекслар ҳажман қисқа, лўнда ёзилган ва уларда асосан журналистлик фаолиятининг энг асосий одоб нормалари баён этилган.

Юқорида санаб ўтилган нормалардан ташқари айрим ҳужжатларда шахс дахлсизлигига урғу берилган бўлса (“Журналистлар мажбурияти хартияси” – Италия), бошқа бир ҳужжатда (“Одоб кодекси” – Латвия) ҳақиқатга зид ахборот бериб юборилган ҳолатларда журналист томонидан зудлик билан оммавий ахборот воситасининг кўринарли жойида узр эълон қилиниши зарурлиги норма сифатида киритилган.

Бозор муносабатлари шароитида матбуот ахборотига товар мақоми берилиши хусусидаги фикр-мулоҳазалар кенг тарқаб улгурди. Бу мулоҳаза кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда ҳам. Бироқ, “Литва журналистларининг касб кодекси”да (биринчи банднинг ўзида) мазкур ҳолатга ўзгача қараш баён этилган. Яъни, “На ноширлар, на журналистлар янгиликларни ўз мулклари деб ҳисобламасликлари керак. Оммабоп ахборотни тарқатишни ташкил этувчилар унга (ахборотга – Х.Д.) товар деб қарамасликлари керак. Ахборот олиш ва тарқатиш имконияти – инсоннинг асосий эркинликларидан биридир”.¹ Ушбу кодекснинг 17-

¹ Профессиональная этика журналиста. –Док. и справоч. материалы. – М.: Галерея, 2002. – С. 155.

бандида “Журналист ижтимоий аҳамиятга эга ахборот билан жамоатчиликнинг қизиқишини қондиришга қаратилган ахборотни фарқлай билмоғи керак” деган норма ҳам баён этилган.¹

Мазкур норма замонавий журналистикада келиб чиқаётган, лекин ҳозирча мутлақ ечими топилмаётган масалалардан бирига диққатни тортади. Гап шундаки, матбуот бозорининг тобора авж олиши оммавий ахборот воситаларини, демак, улар орқали эълон қилинаётган ахборотни товар (бозорда сотиладиган буюм) деб эътироф этилишига олиб келаётган бўлса, ахборотнинг энг аввало маънавият-маърифат тарқатувчи омил эканлиги бундай қарашларни рад этади. Бундай зиддият бозор ва маънавият тушунчаларининг бир-бирига “бегона”лигига бориб тақалади. Фикримизча, бу ўринда гап ахборотга, умуман оммавий ахборот воситасига қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ.

||| *Ахборотни фақат
пуллашга мўлжал-*

ланган товарга айлантирадиган ҳам, уни маънавий-маърифий воқелик воситаси даражасига кўтарадиган ҳам – журналист.

Мисоллар давом эттирилса, Мальта Матбуот клуби ва Кўрсатувлар институти томонидан ишлаб чиқилган “Одоб кодекси”да мувозанат, аниқлик ва ҳалоллик журналист фаолиятининг асосий принциплари сифатида алоҳида моддада баён этилган. “Норвегия матбуоти касб кодекси”, Италиянинг “Журналистлар мажбурияти хартияси”, Испаниянинг “Журналист касби деонтология кодекси”, Даниянинг “Миллий ахлоқ кодекси” ҳажман бирмунча катта. Бу нуқтаи назардан олганда, 1973 йили

¹ Ўша манба. – Б. 156.

Германияда қабул қилинган “Публицистика принциплари (Матбуот кодекси)” ҳажман йирик ҳужжатлардан бири саналади. Кодекс 16 бобдан иборат. Боблардан ўрин олган йўриқномаларда матбуот ва журналист касбининг юксак вазифа ва бурчларидан бошлаб, журналист фаолиятининг деярли барча босқичлари қамраб олишга ҳаракат қилинган. Чунончи, жамиятни ахборот олиш ҳуқуқини чеклашга олиб келадиган шартномалар тузилмаслиги, сайловолди тадбирлари, социологик сўровлар натижаларини ва ўқувчилар хатларини эълон қилиш, тузатиш бериш, фотосуратларни чоп этишдаги холислик, таҳририят материали ва реклама орасидаги тафовутни сақлаш, яширин реклама, кўнгилсиз ва нохуш воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот тарқатиш, табиий офатлар, жиноятлар ва жиноятчиларга доир ахборотларни, фотосуратларни эълон қилиш, айбланувчига қўйилаётган айб ва исботланган айблов ўртасидаги чегарани аниқлаштириб олиш, тиббиёт ва доришуносликка доир маълумотлар, ва ниҳоят, таклифномалар ва совға-саломлар олиш тартибларигача мужассам. Бизнинг назаримизда, кўр-кўрона қисқаликка интилгандан кўра ҳажман катталиқдан чўчимаган ҳолда кодексларнинг мукамаллигини таъминлаш тажрибаси кўпроқ самара келтиради.

Жаҳон журналистикасида касб кодекси яратиш тажрибаси ҳақида сўз юритилар экан, мазкур жараёнларнинг ўзбек миллий журналистикасидаги кўринишлари (дастлабки уринишлар) юзасидан ҳам дастлабки илмий-умумлашма хулосалар чиқариш мумкин.

Республика оммавий ахборот воситалари соҳасидаги мустақиллик даври ўзгаришлари ўзбек миллий

журналистикасида касб одоби кодексини яратиш эҳтиёжини кун тартибига қўйди. Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд бўлими томонидан миллий журналистикада биринчи марта “Журналистларнинг ахлоқ кодекси”ни яратишга уриниш бўлди.¹ Мазкур кодекснинг муқаддимасида қуйидаги эслатмалар баён этилган: “Ушбу Кодекс Ўзбекистон журналистлари касб фаолияти давомида таяниб иш юритадиган ахлоқ нормаларини ўз ичига олади. Оммавий ахборот воситасининг ҳар бир ходими, сиёсий ва бошқа қарашларидан қатъий назар, Кодексда белгилаб қўйилган тамойилларга амал қилади. Чунки эркин ва демократик матбуотнинг ривожланишига манфаатдор ва бунинг учун масъул бўлган журналистлар касб этикаси талабларига таяниб фаолият юргизгандагина зиммасидаги юксак вазифаларни бажаришга қодир бўлади”.

Кодекс 23 моддадан иборат. Унда журналист фаолиятининг кўплаб қирралари қамраб олишга ҳаракат қилинган. Чунончи, икки моддада журналистнинг ўз касбига муносабати, битта моддада оммавий ахборот воситалари ва жамият муносабати, битта моддада журналист ва ахборот манбаи муносабати, иккита моддада журналистнинг ўз ҳамкасбларига муносабати, ўн саккиз моддада эса асосий масала – журналистнинг касбий бурчи, ҳолислиги, масъулияти муаммолари мужассам.

Юқорида таъкидланганидек, хорижий давлатларда амалда бўлган кодексларда ҳам журналист фаолиятининг барча босқичлари тўла-тўқис қамраб олинган дея олмаймиз. Чунки, одатда кодексда касбга доир

¹ Хуқук ва журналист. // Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ахборотномаси. 2003, январь. 8-сон.

фаолиятнинг энг асосий ва муҳим қирралари қамраб олинади, холос, иккинчидан, мавжуд қонунларда зикр этилган ҳолатларнинг кодексда у ёки бу тарзда такрорланиши шарт эмас. Бундан қатъий назар, кодексда муқаррар қайд этилиши шарт бўлган ҳолатлар ҳам мавжудки, улар четлаб ўтилган кодекс мукамалликка даъво қилолмайди. Кодексда ифода топиши шарт бўлган ҳолатларни Т. Раҳматуллаев батафсил санаб ўтган. Жумладан, “Журналист ва муштарий, журналист ва ахборот манбаи, журналист ва асар қаҳрамонлари, журналист ва муаллиф, журналист ва муҳаррир, журналист ва таҳририят аъзолари, журналист ва касбдошлари орасидаги муносабатда вужудга келиши мумкин бўлган ҳар хил ҳолатлар кодексда инобатга олинади”.¹

Сўз юритилаётган кодексда журналистнинг ўзи фаолият юритаётган таҳририят билан муносабатлари, муҳаррир билан муносабати, журналист ва муаллиф орасидаги муносабат шартлари етарли даражада қамраб олинмаган. Журналистнинг касбий бурчи, холислиги ва масъулияти ифода топган ўн саккиз модда маъно-мазмун жиҳатидан бир-бирини мантиқий давом эттиради, тўлдиради.

Албатта, ушбу кодекс мукамалликка даъво қилмайди. Эҳтимол, у келгусида яратиладиган мукамал кодекс учун асос вазифасини ўташи мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лойиҳа республика журналистлари муҳокамасига қўйилганида, ундаги моддаларга янада сайқал берилганида нур устига нур бўлур эди.

¹ Ҳуқуқ ва журналист. // Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ахборотномаси. 2003, январь. 8-сон. – Б. 3.

Фикримизча, кодекс журналист фаолиятининг бошидан охиригача бўлган асосий босқичларини изчил равишда қамраб олмоғи керак. Эҳтимол, у бир неча кичик сарлавҳаларга ажратилиши мақсадга мувофиқдир. Мисол учун “Словения Республикаси журналистларининг кодекси”,¹ Финландиянинг “Сифатли журналистика амалиёти бўйича тавсияномалар”,² Швециянинг “Матбуот, радио ва телевидение ходимлари учун этика кодекси”³ мазмундорлиги, ҳар бир йўналиш алоҳида сарлавҳалар остида изчил равишда баён этилганлиги билан эътиборга лойиқ.

Электрон оммавий ахборот воситалари йўналишида фаолият юритаётган журналистнинг касб этикаси нормалари босма оммавий ахборот воситалари журналисти зиммасидаги этика нормаларидан фарқланади. Мисол учун радиожурналистикада “овоз эффекти ва этика” тушунчасининг ўзи ҳақида истаганча мулоҳаза юритиш мумкин. Зеро, радиожурналист қандай ахборот бераётгани, у кимларга қаратилгани, ахборот куннинг қайси вақтида узатилаётгани, эшиттиришнинг характери қандайлиги ёки бўлмаса радио тўлқинлари орқали шов-шувга сабаб бўладиган ахборот бериш, зудлик билан оператив ахборот узатиш одоби нормаларини унутиш зинҳор мумкин эмас.

Тележурналистика этикасига доир кийиниш, нутқ маданияти, хатти-ҳаракат, ҳатто кўз қарашлару овозни баланд-паст тутишда ҳам ўзига хос талаблар, шартлар бор.

Шу ва шунинг сингари нормалар касб кодексидан, умумлашма тарзда бўлса-да, ўрин олиши зарур. АҚШда

¹ Профессиональная этика журналиста. – Док. и справоч. материалы. – М.: Галерея, 2002. – С. 181.

² Ўша манба. – Б.195.

³ Ўша манба. – Б.208.

Радио ва телевизион ахборот дастурлари режиссёрлари ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган касб этикаси кодексининг қамрови кенг. Чунончи, ахборот дастури учун янгиликларни саралаб олиш ҳуқуқи фақат режиссёрга берилган. Ҳар бир станцияда янгиликлар дастури бўйича ишлайдиган камида бир нафар малакали ходим бўлиши мажбур қилиб белгиланган.¹

Кўринадики, телерадио орқали ахборот дастурини тайёрлаш соҳасида режиссёр бош фигура ҳисобланади ва аҳоли диққатига зарур миқдорда ахборот етказиш масъулияти унинг зиммасига юкланган. Воқеалар ҳақида берилаётган ахборот билан унинг шарҳи ўртасида қатъий чегара бўлиш зарурлиги, узатишга тайёр ҳолдаги ҳеч бир ахборот суҳандон танишмағунига қадар эфирга тарқатилмаслиги (истисно ҳолатлардан ташқари) алоҳида норма сифатида кодексдан ўрин олган.

Яна бир муҳим норма бу – телерадио янгиликлари дастури орқали узатилган нотўғри ва сохта ахборот аниқланган заҳоти унга тузатиш киритилган ҳолда эфирга тарқатилиши белгилаб қўйилган. Фикримизча, республикамизда тележурналистларнинг касб одоби кодексини яратиш давр талабига айланди. Давлат ва нодавлат телеканалларининг кўпайиши, шунга боғлиқ равишда ёш ва тажрибасиз тележурналистларнинг, телебошловчилар, суҳандонларнинг экранда кўриниш, ўзини тутиш, кийиниш маданияти, нотиклик санъати талабларига риоя этиш масалаларини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

2006 йилнинг бошларида ташкил топган Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва

¹ Профессиональная этика журналиста. – Док. и справоч. материалы. – М.: Галерея, 2002. – С. 59.

ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолиятининг бошланишидаёқ ибратли ишга қўл урди. Фонд ўзининг дастлабки тақдимот конференциясидаёқ “Босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси”ни ҳамда “Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси”ни эълон қилди.¹

Ҳар икки ҳужжат бир неча кичик сарлавҳаларга ажратилган, ҳажман ихчам. Характерли хусусияти шундаки, Кодекснинг муқаддимасида профессионал **журналистга ўзига хос таъриф берилган**. Чунончи, журналистнинг жамият ва халқ олдидаги бурчи, миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабати, демократия ва тараққиётни ривожлантириш йўлида қўшадиган ҳиссаси санаб ўтилган.

Кодексдаги икки бўлимнинг биринчиси “Журналист ўз вазифасини адо этишда қуйидагиларга амал қилиши шарт” деб аталади. У етти банддан иборат.

||| ***Журналист олдига қўйилган биринчи талаб “объектив воқеликни рост акс эттириш орқали одамларнинг ҳаққоний ва рост ахборот олишини кафолатлаши”дан иборат.***²

Дарҳақиқат, воқеликни тўғри акс эттириш ва кишиларга ҳаққоний ахборот олишини кафолатлаш журналист зиммасидаги бирламчи муқаддас бурч саналади. Шундай улуғ бурчни адо этар экан, у иккинчи бандда зикр этилганидек, “умумэътироф этилган ахлоқ-одоб меъёрлари, шунингдек, ўзаро муносабатлар мезонларига риоя этиши, гўзал инсоний фазилатларни

¹ Босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси. Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси // Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш – жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили. – Т.: Истиқдол, 2006. – Б. 73 –79.

² Ўша манба. – Б. 73.

намоён қилиши, инсон шаъни ва кадр-қимматини ҳурматлаши” зарур.¹ Мазкур талаблар ҳам журналистнинг кундалик фаолияти чоғида асқотади, албатта. Бироқ сўз юритилаётган Кодекс бандлари, биринчи навбатда умумхarakterга эгаллиги яққол сезилади. Яъни, уларда конкретликдан кўра умумийлик устун. Мисол тариқасида айтсак, иккинчи бандда “умумэътироф этилган ахлоқ-одоб меъёрлари”, “ўзаро муносабатлар мезонлари”, “гўзал инсоний фазилатлар” сингари жумлаларнинг ҳар бири ўзича анчагина кенг тушунчалар ҳисобланади.

Қиёс сифатида келтирадиган бўлсак, Беларус Республикасида қабул қилинган “Журналистнинг профессионал этика кодекси”да нормалар бирмунча аниқ ва лўнда баён этилган. Бу кодекс бўлим ва моддаларининг аталишидаёқ яққол кўзга ташланади. Яъни, “Журналист профессионал одоби принциплари” бўлимида “Журналистнинг социал масъулияти”, “Ҳаққонийлик ва холислик”, “Ҳалоллик”, “Умуминсоний кадриятларни ҳурматлаш” моддалари келса, “Профессионал одоб нормаларининг бузилиши” деб номланган бўлимда “Фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатлар”, “Фуқароларнинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатлар”, “Журналистнинг профессионал обрўсига путур етказиш”, “Хизмат одоби ва журналистларнинг профессионал ҳамкорлигига путур етказиш” деб номланган моддалар журналист касб фаолияти жараёнининг деярли ҳар бир босқичини қамраб олган.²

¹ Ўша манба, ўша бет.

² Қаранг: Профессиональная этика журналистов. Т.1. // Документы и справочные материалы. М.: Галерея, 1999. – С. 93–98.

Германия матбуот кенгаши ва матбуот бирлашмалари томонидан биргаликда 1973 йили қабул қилинган “Публицистика принциплари (матбуот кодекси)”¹ да ҳам худди шундай ҳолатни кўриш мумкин. Ушбу кодекс ўзининг изчиллиги, батафсиллиги ва қамровининг кенглиги билан диққатга сазовор.

||| *Айтиш мумкинки, янги яратиладиган журналистнинг касб кодексларига намуна сифатида ҳам тавсия этиш мумкин бўлган тажриба.*

Кодекс 35 кўрсатма-йўриқномадан иборат. Уларнинг ҳар бири журналист фаолиятининг муайян босқичида конкрет ҳолатларда қандай йўл тутиш маъқуллиги, қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўйиш мумкин эмаслиги конкрет кўрсатиб ўтилган.

Умуман, жаҳон журналистикасида қўлланилаётган касб кодекслари қиёсан таҳлил қилинса, уларда икки хил ёндашиш – журналист фаолиятининг энг майда деталларини қамраб олиш ёхуд фаолиятининг умумий йўналишларини ифода этиш билан чегараланиш тажрибаси кузатилади. Миллий журналистика тарихида биринчи марта расман эълон қилинган “Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси” да масала умумий нуқтаи назардан ёритилган бўлса, Германия публицистларининг кодекси, ҳозиргина қисман тўхталганимиздек, масалани атрофлича қамраб олингани билан характерланади. Грецияда амал қиладиган “Деонтология принциплари” бор-йўғи 10 банддан, Ирландия Журналистлари миллий кенгаши томонидан амалга киритилган “Ахлоқ кодекси” 12 банддан,

¹ Қаранг: ўша манба – Б. 115–127.

Португалия ва Сербияда қўлланилаётган худди шу сингари ҳужжатлар эса атиги 10 банддан иборат.

Касб кодексини яратишда қайси йўлни тутиш маъқул, деган савол туғилади. Назаримизда, ҳамма эътибор кодекснинг амалий ижросига, яъни, макон ва замон имкониятлари, талабларига қаратилмоғи керак. Яъни: мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларининг аҳволи, мавжуд шарт-шароитлар, журналистлар малакаси, контингенти, миллий менталитет, кенг жамоатчилик томонидан, қолаверса, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан матбуотга бўлган муносабат, моддий-ижтимоий, маънавий-ташкилий имкониятлар ва ҳоказо омиллар батафсил эътиборга олинмоғи даркор. Жамиятда ахборот олиш эркинлиги принциплари ва ҳуқуқларига риоя этиш даражаси, айбсизлик презумпциясига риоя этиш малакаси, матбуот билан боғлиқ маънавий зарар муносабатлари...

**||| шу каби муаммолар чуқур ўрганилиб,
социологик тадқиқотлар, махсус
сўровномалар ўтказилганидан сўнггина журналистнинг
касб кодекси яратилса ва матбуотимиз
жамоатчилиги эътиборига тавсия этилса, ана
шундагина кодекс кодекслигича қолмайди, балки у
амалда ишлайди.**

Мисол учун атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳорнинг “Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим...” деган гапини¹ ҳеч иккиланмай ҳозирги ўзбек журналистикасига татбиқ этиш ва уни шу кунда яратилаётган кодексларимизга бемалол киритиш мумкин.

¹ Қаҳҳор А. Асарлар. – 6-том. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 302.

Жамоат фонди томонидан қабул қилинган “Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси” батафсиллик борасида Ахлоқ-одоб кодексида бирмунча фарқли. Хартия муқаддимасида матбуот соҳасидаги барча катта-кичик кўнгилсизликларга йўл қўймасликнинг асоси сифатида журналистнинг “профессионал ахлоқ-одоб меъёрларига ҳам боғлиқ экани” эътироф этилган. Айтиш мумкинки, бу хилдаги хартиялар ҳам ҳажм ва қамровнинг кенглиги борасида бир-биридан фарқланади. Мисол учун 1987 йилнинг бошларида Лондонда 34 мамлакат журналистлари томонидан маъқулланган “Озод матбуот хартияси” 10 банддан иборат. Францияда 1918 йили қабул қилинган ва 1938 йили қайта тўлдирилган “Француз журналистларининг профессионал мажбуриятлари хартияси”¹ ҳам республикамизда яратилган Хартиядан ихчам. Италияда 1993 йили амалга киритилган “Журналистлар мажбуриятлари хартияси”² эса ҳажм борасида бирмунча кенг. Жамоат фонди тайёрлаган Хартия (айрим нормалар “Ахлоқ-одоб кодекси”дан айнан олинганлигини истисно этганда) бир қадар мазмундорлиги билан таҳсинга лойиқ дейиш мумкин.

Мавзуга хулоса:

– журналистнинг касб кодексини яратиш бўйича жаҳон журналистикасида етарли ва хилма-хил тажрибалар тўпланган;

– журналистнинг касб кодекси қонунлардан фарқли ўлароқ парламент томонидан эмас, балки жамоат ташкилотлари томонидан тайёрланади ва қабул қилинади, жамоатчилик меҳнатининг маҳсули ўлароқ вужудга

¹ Профессиональная этика журналистов. Т.1. // Документы и справочные материалы. М.: Галерея, 1999. – С. 200.

² Қаранг: Ўша манба. – Б. 145–151.

келтирилади. Кодексни яратиш жараёни кенг жамоатчилик ўртасида ўзига хос фаоллашувни келтириб чиқаради;

- кодекс шартлари журналистга мажбурият юкламайди, уни онгли одоб меъёрлари асосида фаолият юритишга даъват этади, журналистнинг чигал-мураккаб вазиятларда тўғри ечим топиши учун имконият беради;

- кодекслар энг бахсли дамларда, чунончи журналистнинг муайян хатти-ҳаракатини холис баҳолашда мезон вазифасини ўтайди;

- халқаро миқёсларда қабул қилинган қонунлар, декларациялар ва ҳоказо ҳужжатларда баён этилган талаб ва шартлар, йўл-йўриқлар ва тавсияларни ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ҳаётига тўғридан-тўғри татбиқ этишнинг осон кўчмаслиги оддий ҳақиқат тусини олмоқда. Натижада халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий журналистикадаги ижросини таъминлаш айрим ҳолатларда ўринли мулоҳазаларга, зиддиятларга, бахсларга сабаб бўлмоқда;

- журналистнинг касб одоби кодекслари оммавий ахборот воситаларининг, журналистнинг ижодий эркинлигини таъминлашга ёрдам бериш билан бирга жамиятда парокандалик кайфиятлари туғилишининг олдини олиш воситаларидан бирига айланмоқда;

- журналистнинг касб одоби кодекси миллий ўзликни англаш, миллий манфаатлар йўлида сафарбарликни таъмин этишга хизмат қилувчи муҳим институт мавқеига эга бўла бормоқда.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

- 1. Касб этикаси кодекслари тарихига доир нималарни биласиз?*
- 2. Жаҳон журналистикасида касб этикаси кодексларининг шакли, ҳажми, мазмунидаги ўзига хосликлар нималардан иборат?*
- 3. Ўзбек журналистикасида касб этикаси кодексларининг яратила бошланиши ва уларнинг ўзига хосликлари?*

ЁН ДАФТАРДАН:

Бош муҳаррир мен тажрибасизман дейишга ҳаққи йўқ.

АНЪАНАВИЙ ВА АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКАДА КАСБ ЭТИКАСИ

Биз умуман оммавий ахборот воситалари соҳасида касб одоби муаммоларини ўрганиш фанининг нисбатан ёшлиги, бу борада олиб борилаётган ишларда тажрибалар етарли эмаслиги ҳақида гапирамиз. Лекин ҳаёт кутиб турмаслиги ҳам муқаррар. “Оммавий ахборот воситалари” тушунчасининг ўзи йил сайин янгиликларга тўлиб-тошиб бормоқда. “Анъанавий журналистика” деганда одатда газета ва журналлар, яъни босма оммавий ахборот воситалари назарда тутилади. Лекин XX асрнинг ўрталаридан радио ва тележурналистика мисли кўрилмаган даражада тараққий этгани, матбуотнинг бу “майдони”да ҳам ўзига хос муаммолар етарли эканлиги аниқ.

Аудиовизуал журналистика, яъни телерадиожурналистика (Интернет журналистикаси ҳам ушбу жумлага мансуб, лекин у ҳақда алоҳида сўз юритилади) анъанавий журналистика “даргоҳи”да вужудга келган, шу боисдан ҳам анаънавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси масалалари ҳақида сўз борар экан, уларнинг фарқли жиҳатлари хусусида мулоҳазалар айтиш билан бир вақтда улар орасидаги ўхшашликларни ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Қисман ибтидо хусусида тўхталсак.

Инсоният тарихидан маълумки, одам яралибдики, у ташқи дунё билан тирик. На табиатдан, на жамиятдан айрилган одам нормал турмуш кечиролмайди. Табиат ва жамият ичида яшаш тегишли даражада мулоқот имкониятлари билан таъминланиш демакдир. Яъни, ҳар

бир одам ахборот олиш билан бир вақтда ахборот тарқатади ҳамдир.

Ибтидоий босқичдаги одам ахборотни асосан кўз ва кулоқ воситасида олган. Яъни, кўз кўрганини, кулоқ эшитганини олган! Буни шартли равишда “кўз ахбороти” ва “кулоқ ахбороти” деб аташ ҳам хато бўлмайди. Замонлар ўзгариши билан, илм-фан тараққиёти эволюцияси “кулоқ ахбороти” ўрнига радиони, “кўз ахбороти” ўрнига эса телевидениени тақдим этди. Эндиликда ҳаётнинг бирон дақиқасини ушбу мўъжизаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Манбаларда радио 1895 йили А.С.Попов томонидан ихтиро қилинганлиги айтилади. Лекин бир нарсага эътибор қаратмоғимиз зарур. А.Попов ахборотни радиотўлқинлар ёрдамида узоқ масофаларга симсиз узатишни ихтиро қилган. Радио сўзи – латин тилидаги radio – нурланаман, нур тарқатаман, деган маъноларни англатади.¹ Кейинчалик эса ана шу техник имкониятдан келиб чиқиб радио оммавий ахборот воситаси кўринишини олди. Агар Россияда дастлабки радиоэшиттиришлар 1919 йилда бошланган бўлса, Ўзбекистонда 1926 йил санаси тарихга кирган. 1934 йили эса Ўзбекистон радиолаштириш ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси ташкил топган.²

Телевидениенинг ҳам дастлаб ахборот узатувчи техник восита сифатида ихтиро қилингани манбаларда қайд этилган. Теле ўзича мустақил сўз эмас, балки у қўшма сўз бўлаги бўлиб, юнон тилида узоқ (tele) маъносини англатади. Унга рус тилидаги **видение**, яъни **кўриш** сўзи қўшилиб яхлит атама – **телевидение** (узоқни

¹ ЎзМЭ. Т.: 2004. - 7-т. Б.223

² ЎзМЭ. Т.: 2004. - 7-т. Б.236

кўриш) ҳосил қилинган. Немис тилидаги Fernsehen, инглиз тилидаги Television сўзлари ҳам телевидение, яъни узоқни кўриш маъносини англатади. Телевидение инсоннинг кўз хусусиятларига асосланган, шу жиҳатдан ҳам юқорида айтилган “кўз ахбороти” иборасини мантиқан тўғри дейиш мумкин.¹

Ҳаракатланувчи тасвирларнинг биринчи кўрсатувлари 1932 йили амалга оширилган, орадан икки йил ўтиб – 1934 йили товушли телевидение ихтиро қилинди. Электрон телекўрсатувлар тажриба тариқасида 1938 йили Москва ва Ленинградда намоиш этилган. Тошкент телемарказининг тажриба синов кўрсатувлари 1956 йили 5 ноябрдан бошланди. 1957 йили Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компанияси ташкил топди (1934 йили ташкил этилган Ўзбекистон радиолаштириш ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси қайта номланди). Кўринадики, телевидениенинг даставвал техник имконият сифатида яратилиб, сўнгроқ эса ундан оммавий ахборот воситаси сифатида фодаланила бошлангани тарихи радиоэшиттиришларнинг вужудга келиш тарихига ўхшаб кетади. Пираворд натижада инсоният тараққиётида мазкур икки воқеанинг мантиқий давоми сифатида радиожурналистика ва тележурналистика соҳалари вужудга келди.

Шу ўринда тарихий факт сифатида қуйидаги воқеани билиб қўйиш зарар қилмайди. 1936 йилги олимпиадани ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган немислар жаҳонда биринчи бўлиб телевидениени ахборот воситаси сифатида, айнан кенг омма эътибори учун қаратилган пропаганда воситаси сифатида фойдаланишган. Алоқа бўлимларида махсус жиҳозланган хоналарда, меҳмонхоналарда, миллий

¹ ЎзМЭ. Т.: 2004. - 8-т. Б.338 - 339

шароитдан келиб чиқиб, пивохооналарда телевизорлар ўрнатилган. Бу – ТВдан дунёда биринчи марта бу қадар катта аудиторияга қарата сўз айтишда фойдаланилди.¹

“Телевидение пайдо бўлиши билан оммавий ахборот воситалари тизимида сифат ўзгариши юз берди – инсоният ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўриш имкониятига эга бўлди, ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқ ўртасида энг қисқа ва қулай йўл барпо этилди, инсон онгига ва ҳис-туйғусига таъсир этишнинг ишончли воситаси вужудга келди”.² Ушбу иқтибосда келган оммавий ахборот воситалари тизимида **сифат ўзгариши**, энг **қисқа** ва энг **қулай йўл** барпо этилди, инсон онгига ва ҳис-туйғусига таъсир этишнинг **ишончли воситаси** сўзлари тележурналистикада касб этикаси меъёрларига бевосита дахлдордир. Чунки мана шу сифат ўзгариши журналистларни ўз фаолиятига янгича ёндашувини тақозо этмоқда, қисқа ва қулай йўлдан нечоғли унумли ва холис фойдалана билиш ва албатта, ишончли восита орқали ишонч қозона олиш юки-масъулияти ортишини англатмоқда. Мазкур талаблар доирасида фаолият юритиш журналистнинг касб одобига нечоғли риоя этаётганини кўрсатади.

Энциклопедиядан олинган иқтибоснинг қуйидаги давоми ҳам фанимиз муаммолари нуқтаи назаридан ниҳоятда қимматлидир: “Телевидение гарчи сўзни босма равишда кўпайтирмасдан ижтимоий ҳаётни овоз ва тасвир воситасида акс эттирса-да, у матбуотнинг, оммавий ахборот воситаларининг бир тури ҳисобланади ва унинг қонун-қоидалари асосида иш кўради.”³

¹ Борецкий Р.А. История телевидения: выбор точки отсчета. Вестник МГУ №2-2007. - С.9.

² ЎзМЭ. Т.: 2004. – 8-т. - Б.340.

³ Ўша манба, ўша бет.

Қонун-қоида деганда анъанавий ОАВ соҳасида кенг қўлланиладиган касб этикаси талаблари ҳам назарда тутилади албатта. Зеро, телевидение фаолияти тележурналистика қонуниятлари асосида олиб борилади.

**|| Тележурналистика – журналистика
қонун-қоидаларининг телевидение**

имкониятлари билан бирлашмасидан иборат.

Тележурналистика жанрлари ҳам матбуот жанрлари билан телевидение хусусиятининг қўшилишидан келиб чиқади. Журналистиканинг ушбу икки тармоғига одатда бир хил қараш мавжуд. Яъни, уларга бир хил журналистика, бир хил оммавий ахборот воситалари, фаолият шакллари ҳам ўхшаш деб қаралади. Ҳатто аксарият ҳолларда қўлланадиган “телерадио-журналистика” атамаси ҳам гўё уларнинг бир-биридан ажратиб бўлмайдиган соҳа деган маънони англатаётгандек туюлади. Аслида эса ундай эмас.

Масалага журналистнинг касб этикаси фани нуқтаи назаридан қаралса, радиожурналистика ва тележурналистика орасидаги тафовутлар осонгина кўзга ташланади. Радионинг, юқорида айтилганидек, “қулоқ ахбороти” эканлигидан келиб чиқилса, унинг бирламчи ва асосий қуроли овоз. “Кўз ахбороти” ҳисобланадиган телевиденида эса бирламчи ва асосий қурол – тасвир. Ана шу икки хусусиятнинг ўзиёқ журналистиканинг бу икки қўшни тармоғини бир-биридан ажратиб туради.

Электрон оммавий ахборот воситалари йўналишида фаолият юритаётган журналистнинг касб этикаси нормалари босма оммавий ахборот воситалари журналисти зиммасидаги этика нормаларидан фарқланиши айтилди. Мисол келтириладиган бўлса,

радиожурналистикада “овоз эффеки ва этика” тушунчасининг ўзи ҳақида истаганча мулоҳаза юритиш мумкин. Зеро, радиожурналист қандай ахборот бераётгани, у кимларга қаратилгани, ахборот куннинг қайси вақтида узатилаётгани, эшиттиришнинг характери қандайлиги ёки бўлмаса радио тўлқинлари орқали шов-шувга сабаб бўладиган ахборот бериш, зудлик билан оператив ахборот узатиш одоби нормаларини унутиш зинҳор мумкин эмас.

Тележурналистикада этика масалалари рус журналистикасида ҳам нисбатан кейинчалик муаммо сифатида воқеликка айланди. А.Юровский ва Р.Борецкий ҳаммуаллифликда ёзган ва 1966 йилда чоп этилган “Телевизион журналистика асослари” (“Основы телевизионной журналистики”) шу соҳада яратилган биринчи дарслик ҳисобланади. У қайта-қайта нашр этилди ва китобнинг 1987 йилги нашрида биринчи марта “этика” сўзи пайдо бўлди. 1998 йилги нашрида эса у “Тележурналистиканинг ахлоқий принциплари” боби билан бойитилди. Тележурналистикада ахлоқий масалалар ўзбек тележурналистикасида ҳам алоҳида ўрганилмаган. Шу борадаги айрим фикр-мулоҳазалар ўтган асрнинг охириги ўн йиллиги ва XXI асрнинг аввалидаги чиқишлардагина учрайди, холос.

Тележурналистика этикасига доир кийиниш, нутқ маданияти, хатти-ҳаракат, ҳатто кўз қарашлару овозни баланд-паст тутишда ҳам ўзига хос талаблар, шартлар бор.

Умуман, телерадиожурналистикада мустаҳкам ўрин эгаллашда журналистнинг шахси катта аҳамиятга эга. Радио ёки телемикрофондан миллионлаб тингловчи ва томошабинга қарата сўз айтаётган журналист шахс

даражасига кўтарилмоғида гап кўп. “Шахссиз радио қандайдир ғайритабиий бир нарсадир, – деб ёзади таниқли радиожурналист ва мутахассис олима К.Исмоилова. – “Шахслик мақоми” замонавий радиожурналистиканинг муҳим белгиси сифатида эшиттиришнинг мазмун-мундарижасига бевосита таъсир кўрсатади”.¹

Яна бир муҳим норма бу – телерадио янгиликлари дастури орқали узатилган нотўғри ва сохта ахборот аниқланган заҳоти унга тузатиш киритилган ҳолда эфирга тарқатилиши белгилаб қўйилган. Фикримизча,

|| республикамизда тележурналистларнинг касб одоби кодексини яратиш давр талабига айланди. Давлат ва нодавлат телеканалларининг кўпайиши, шунга боғлиқ равишда ёш ва тажрибасиз тележурналистларнинг, телебошловчилар, суҳандонларнинг экранда кўриниши, ўзини тутishi, кийиниши маданияти, нотиклик санъати талабларига риоя этиши масалаларини эътибордан четда қолдириши мумкин эмас.

Радиожурналистика соҳасида овозга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Эшиттириш қайси жанрда бўлмасин (интервью, суҳбат, лавҳа, репортаж, ҳикоя, эссе ва ҳоказо), радиода журналистнинг бор имконияти унинг, диктор ёки бошловчининг овози орқали ифода этилса, телеэкранда асосий юк тасвирга тушади. Тележурналистикада ҳам овознинг аҳамияти катта, лекин экранда овозга тасвир, куй “ёрдам”га келади. Радиода овоз интонацияси, эркак ё аёл кишининг ёхуд ёш болалар овозининг ҳар бири ўз хусусиятига эга, радиотўлқиннинг камчилиги унда экрандагига ўхшаш тасвир йўқ. Овоз

¹ Исмаилова К. Голос перемен. Т.: Насаф. 2010. - С.176.

интонацияси, дейлик, кўтаринки руҳда, хазин ёки ўйчан товушда бўлиши мумкин. Байрам, шодиёнага бағишланган эшиттиришлар оҳанги кўтаринки руҳда ва кайфиятда бўлиши табиий. Ўтган асрнинг 80-йилларида Собиқ Иттифок радиоканалларида тўғридан-тўғри эшиттиришлар тажриба қилина бошлангач, журналист овози – товушининг қадри, аҳамияти янада ошди. Йирик мутахассислар

||| *радиодаги овозни радиоэфирни
жонлантирувчи, тингловчини аллаловчи, эркаловчи,
мафтун этувчи сеҳрли кучга эга деб ҳисоблайдилар.*

Умуман, радиода ҳам, телевидениеда ҳам мавзуга қараб товуш танланади. Радиода аксарият эшиттиришлар суҳбат тарзида ташкил этилишидан келиб чиқилса, суҳбатдошга муносабат ҳам овоз интонацияси орқали сезилиб туради. Ҳурмат маъносида, баҳслашиш маъносида, билмагани билиш мақсадидаги оҳангда, рад этиш оҳангида, маълум қилиб қўйиш ва таъкидлаш оҳангидаги овозлар эшиттиришнинг тингловчига бўладиган таъсирчанлигини ё оширади, ё камайтиради, ёки бўлмаса тингловчиларга умуман таъсир кўрсатмайди.

Тележурналистикада имкониятлар қанчалик кўп бўлса, масъулият ҳам шунчалик ортади. Энди тележурналист, биринчи навбатда ўзининг ташқи қиёфасини тартибга келтирмоғи шарт. Иккинчидан, экранга олиб чиқаётган ҳар бир лавҳа, манзара ва сахна кўриниши учун у жавобгар ҳисобланади (кўрсатилаётган кишиларнинг сонидан, жойидан, уларнинг қиёфасидан, ҳолатнинг қандайлигидан қатъий назар). Тележурналистикада ҳам овоз муҳим аҳамиятга эга, бунда унинг вазифаси радиожурналистнинг вазифасига ўхшаш бўлади.

||| Лекин тележурналистнинг ҳар бир хатти-ҳаракати – қоматининг тутиши, ўтириши, ҳатто оддийгина кўз қарашлари ҳам кўрсатувнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Ана шуларга риоя қилиш-қилмаслик тележурналистикада касб этикаси нормалари ҳисобланади. Мисол учун теле ёки радиобошловчи, мухбир ўз суҳбатдошининг гап-сўзларига эътиборсизлик қилса (бу экранда айниқса сезилади), унга ўринсиз саволлар берса, ҳатто жеркишга ўхшаган муносабатлар қилса – буларнинг ҳеч бирини оқлаб бўлмайди. Нодавлат радиоканаллардан бирида интерактив усулда эшиттириш боряпти. Бошловчи савол берди. Тингловчилар жавоб қайтаришмоқда. Шунда тингловчи қиз ўз жавобини айтди. Бошловчи, “Бекор айтибсиз, бу жавоб нотўғри” деди. Наҳотки, ўша бошловчи бундай муомала журналистлик одобига мутлақо зид эканлигини билмаса?! Шундай жавобдан нафақат ўша қизнинг, балки бошқа кўплаб радиотингловчиларнинг ўша бошловчи йигитдан, ўша туркум эшиттиришдан, ҳатто умуман радиодан кўнгли қолиши ҳеч гап эмас!.. Филология фанлари доктори Санжар Содик “Ўзбекистон” радиоканали орқали берилган “Юлдузли тун” туркум эшиттиришларидан бирида “Ўткан кунлар” романидан саҳифалар ўқилгани, унда Кумушбибининг Отабекка йўллаган хатини эркак бошловчи ўқиганини мутлақо нотўғри деб ҳисоблайди.¹ Яхши топилган мисол, радиожурналистнинг арзимасдек кўринган эътиборсизлиги туфайли қандайдир беўхшовлик келиб чиққан. Бордию, Отабекнинг Кумушбибига йўллаган мактубини

¹ Содик С. Радиожурналистика асослари ва аудиовизуал журналистика. Т.: Мумтоз so'z. 2010. – Б.34-36.

аёл бошловчи ўқиб берса ҳам худди шундай ҳолат юз бериши турган гап.

Ёки бўлмаса, телевидениеда қирққа яқин турли соҳа эгалари йиғилишган. Ток-шоунамо кўрсатув намоёиш этилмоқда. Иштирокчиларнинг ёши турлича. Қайсидир саволга ёш йигит жавоб бера бошлади. Бошловчи тўсатдан уни гапдан тўхтатиб, “Сиз шошмай тулинг, аввал мутахассислардан эшитайлик” деб микрофонни юлқиб олгудай важоҳатда бошқа иштирокчига олиб берди. Бу ҳам одобга зид ёндашув. Чунки кўрсатув иштирокчиларининг мавқеи бир хил ҳисобланади. Албатта ёшни фарқлаш керак, оддий киши билан мутахассис ўртасида ҳам фарқ бор. Лекин булар бошқа бир иштирокчидан микрофонни тортиб олиш, уни ноқулай аҳволда қолдириш ҳуқуқини бермайди. Бундай ҳолатларда журналист ниҳоятда усталик билан, сездирмаган ҳолда ниятини амалга ошириши ҳам мумкин.

Кейинги йилларда хилма-хил мавзуларда интерактив шаклдаги эшиттириш ва кўрсатувлар кўпайиб бормоқда, тўғридан-тўғри дастурлар тайёрланмоқда. Бундай ҳолатда (хоҳ ТВда, хоҳ радиода) журналистнинг, бошловчининг масъулияти ҳар қачонгидан ортади. Бу вазиятда у нафақат ўзи, балки дастурда иштирок этаётган тингловчи ё телетомошабин учун ҳам жавоб беради. Бу эса унинг ўз соҳасида касб этикаси меъёрларини нечоғли чуқур билиши ва унга амал қилиш малакасида далолат беради. Матн ҳақида алоҳида тўхталамиз.

||| ***Журналистиканинг қайси тури, шакли бўлмасин, унинг техник имкониятлари нечоғли ўзига хос бўлмасин, журналистнинг бирламчи воситаси, қуроли – ТИЛ, СЎЗ, МАТН! Журналист гапирадими, кўрсатадими, ёзадими – ҳар***

қандай ҳолатда ҳам у ЁЗАДИ! Журналистика – ёзиш санъати, ёзиш истеъдоди, ёзиш маҳорати орқали намоён бўладиган ўзига хос касбдир! Тўғри, радио ва телевидениеда оғзаки нотиклик санъатининг аҳамияти катта, лекин ҳар қандай нотиклик маҳорати замирида ёзма нотиклик маҳорати ётади. Ана шу жиҳатдан келиб чиқсак, барча оммавий ахборот воситалари – босма, радио, теле (интернет) журналистиканинг ўзаги, асоси БИР! Радиоёшиттириш ё телекўрсатувларда шевада гапиришлардан кўпда нолишлар учрайди, нима сабабдан босма нашрларга нисбатан бундай норозиликлар нисбатан озроқ айтилади? Чунки ёзма матнда таҳрир мактаби, таҳрир жараёни жиддийроқ кечади. Ёзма матн газета ё журнал саҳифасига чиққунга қадар у бир неча босқичдан ўтади, яъни таҳрир қилинади. Радио ва телевидениеда эса ана шу таҳрир босқичлари нисбатан озроқ. Оз бўлмаган тақдирда ҳам, қоғозга туширилган матн бирмунча сайқал топгани билан матн кимдир томонидан ўқилади. Ўқиш жараёнида матн “шеваланашади”.

Айтмоқчимизки, журналист қайси ОАВда фаолият юритмасин, у албатта ёзма нотиклик маҳоратини эгалламоғи, шу хусусда муттасил ўз тажрибасини ошира бормоғи керак. Бу ҳам журналист касб этикасининг муҳим кўрсаткичига айланади.

Журналистнинг касб этикаси масалалари, муаммолари илгаридан босма нашрлар мисолида ўрганилган, тадқиқ этилган. Бу йўналишдаги изланишларни радио ва тележурналистика мисолида ўрганиш нисбатан ёш. Шу сабабдан ҳам анаънавий ОАВ – босма нашрлари мисолида ишлаб чиқилган, ўзига хос касбий қадриятларга айланган одоб-ахлоқ нормаларини

телерадиожурналистикада ҳам қўллаш мумкин. Ўрни келганда эса, телерадиожурналистикага хос бўлган, янгича талаб ва нормалардан анъанавий ОАВ тажрибасида фойдаланиш зарар қилмайди.

Телерадиожурналистикада касб этикаси меъёрларига риоя этиш ҳақида сўз борганида шу борадаги кейинги йигирма йил ичида юз берган тарихий ўзгаришлар, янгиланишлар тилга олиниши табиий.

1990 йилдан кейинги даврда собиқ социалистик республикаларда давлат телерадио каналларидан фарқли ўлароқ нодавлат жамоат радиотелеканаллар вужудга кела бошлади. Мазкур янгилик республикамизда ҳам кузатилди. Бироқ нодавлат электрон ОАВ тизимининг шаклланиши ўз-ўзидан амалга ошмади, албатта. Ташкилий-ҳуқуқий асослар, техник имкониятлар, техник ва ижодий кадрлар малакаси, айниқса молиявий масалаларни ҳал қилиш янги тизим ташаббускорлари олдида жиддий муаммоларни кўндаланг қўйди. Об'ектив реаллик сифатида шуни айтиш керакки, аудиовизуал журналистика бозоридаги рақобат имкониятлари мутлақо тенг эмасди. Яъни, кўп йиллик тажрибага, мустаҳкам тизимга эга бўлган, давлат томонидан молиялаштириладиган давлат телерадиоканаллари билан рақобатлаша олиш борасида нодавлат теле ва радио каналлар жуда-жуда заиф эдилар. Бундай ҳолатни барча собиқ социалистик давлатлар тажрибасида кузатиш мумкин эди, зеро, сиёсий, иқтисодий вазият ва имкониятлар уларнинг барчаларида деярли бир хил эди. Бироқ давр ва айниқса, жамиятнинг демократик тараққиёт йўлини танлаши яқин истиқболда нодавлат ОАВнинг мустаҳкам асосга эга бўла боришидан далолат берарди.

Шундай бўлди ҳам.

Мамлакат ОАВ соҳасини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохот самаралари ўлароқ нодавлат электрон ОАВ сон ва сифат жиҳатидан ўсиб борди. Натижада республикада ўзига хос телерадиоиндустрия бозори шаклланиш йўлига кирди. 2000 йилга келиб уларнинг сони 60 тага етди. 2003 йил декабрида Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) тузилди. Нодавлат телерадиостудиялар журналистлари ва техник ходимларининг касб маҳоратини ошириш ушбу янги ассоциациянинг асосий фаолият йўналишларидан бирига айланди.¹

Нодавлат ва мустақил радиоканаллар хусусида сўз борганида республикамизда тобора кўпайиб бораётган FM тўлқинларидаги радиоканаллар хусусида тўхталиш жоиз. Ушбу тўлқинда эфирга чиқадиган “Водий садоси”, “Ўзбегим таронаси”, “Орият доно”, “Наврўз”, “Замин” сингари радиоканаллар жуда қисқа фурсатларда оммалашиб улгурди. Бу ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Ҳар бир радиоканал рақобат майдонида мустаҳкам оёққа туриб олиш учун ҳаракат қилади. Фақат ана шу “ҳаракатлар” журналистнинг касб этикаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, кўпгина мулоҳазалар туғилиши муқаррар.

Аксарият радиоканаллар қандай эшиттиришлар эвазига оммавийликка эришмоқдалар?

Ушбу саволга жавоб изланса, FM тўлқинлари, биринчи навбатда ёшлар руҳияти даражасидаги, очикроқ айтилса, енгил-елпи қўшиқлар ҳисобига ўз тингловчилари доирасини кенгайтираётгани аён бўлади.

¹ Озод юрт тўлқинлари. Т.: 2009. – Б.7.

“Агар, – деб ёзади ёш журналист Ж.Саъдинов, – эфирда узоғи билан ярим соат давомида (!) бирорта “хит” ашула берилмаса, тўлқиннинг рейтинги тезда тушиб кетади”.¹

Бундан чиқди, радионинг обрў-эътиборини енгилелпи қўшиқлар кўтарар экан-да? Жиддий мавзудаги ҳикоялар, суҳбатлар, савол-жавоблар ва ҳоказо эшиттиришлар аҳволи, даражаси нима бўлади?

Худди шундай эътирозли мисолларни нодавлат телеканаллар тажрибасидан ҳам келтириш мумкин. Айниқса, 90-йилларнинг иккинчи ярмида республикамизнинг деярли барча вилоятларида, ҳатто айрим шаҳар ва туманларида хусусий-нодавлат телеканаллар, студиялар вужудга келди. Аввало, техник имкониятларнинг заифлиги, қолаверса, малакали кадрларнинг тақчиллиги, тажрибанинг етишмаслиги оқибатида маҳаллий телерадиокўрсатув ва эшиттиришларининг савияси ибтидоий даражада бўлди. Юқорида таъкидланганидек, ЎзЭОАВМАнинг ташкил топиши бу борадаги камчиликларга барҳам беришда катта ишларни амалга оширди. Яъни, ана шундай ташкилий чоралар ҳам моҳиятан миллий аудиовизуал журналистикада касб этикасига дахлдор муаммоларни камайитириш муҳитини яратди.

Афсуски, бу сингари нодавлат радиоэшиттиришларида тил масаласи ҳамон ғариблигича қолиб келмоқда. Шевада гапириш, тингловчи билан беписандларча муомала қилиш, ортиқча эзмаликлар, айниқса бошловчиларнинг профессионал маҳоратидаги нуқсонлар сўз юритилаётган тармоқда ҳали анча-мунча иш қилиш зарурлигидан далолат беради.

¹ “Маърифат”. 2007 йил 26 декабрь.

Одатда газета ва журналларда телерадиожурналистикада касб этикаси меъёрларига риоя қилишга доир кўплаб чиқишлар қилинади. Қуйидаги сарлавҳалар бу борадаги ҳолат ҳақида бир қадар тасаввур беради:

ЧЕРНЫЙ «ЯЩИК» Жестокость на экране травмирует детей. Как их защитить? У депутатов есть идеи.

(«Труд», 20.04.2005)

ЯЩИК РАЗДОРА

(«Литературная газета» 03.03.2009)

В СССР НА ТВ НЕ БЫЛО СЕКСА, А СЕЙЧАС – СОВЕСТИ?

(«Комсомольская правда» 08.12.2008)

«АЪЛО» РАДИОКАНАЛЛАР НИМАГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

(“Маърифат” 26.12.2007)

Хулоса қилиб айтганда, телерадиожурналистикада касб этикаси меъёрлари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Улар орасида ўхшашлик ҳам, муайян тафовутлар ҳам мавжуд. Айни вақтда ҳар икки журналистика тармоғининг анъанавий – босма нашрлардаги ўзига хосликларга ўхшаш ва фарқли жиҳатлари талайгинаки, журналист ана шуларни, албатта яхши билмоғи, фарқламоғи зарур.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

- 1. Теле ва радиожурналистикада касб этикаси масалалари асосан нималардан иборат?*
- 2. Нодавлат телерадиостудияларнинг ахборот майдонидаги ўрни ва уларда касб этикаси муаммолари нималарда кўринади?*
- 3. Аудиовидуал журналистика ва тил, сўз, матн.*

ЁН ДАФТАРДАН:

Телевизорнинг нуқсони – экранни варақлаб бўлмаслиги.

ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА КАСБ ЭТИКАСИ

Замонавий журналистикани, матбуотни компьютерсиз, интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Исталган миқдордаги ахборотни зудлик билан чекланмаган масофаларга тарқатиш борасида интернетга тенг келадиган рақобат йўқ. Нафақат қисқа хабар ва репортажлар, ҳатто очерклар... романлар матни газета, журнал ёки китоб юзини кўриб улгурмай, интернет тармоғи орқали сон-саноксиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Дунё миқёсида ахборотнинг шиддатли суръатдаги ҳаракатчанлигига йўл очилди. Умуман, “ахборот асри”, “ахборот глобаллашуви”, “ахборотлашган жамият”, “ахборот таҳдиди” сингари тушунчалар вужудга келишининг бош “сабабчиси” ҳам ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кескин ривожланишдир.

Дастлаб банк, савдо, ҳарбий соҳаларда татбиқ этилган интернет тизими аввалига аста-секин, кейинроқ эса юқори суръатларда бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланила бошланди. Агар интернет асослари 1960-1970 йилларда яратилган ва асосан, ҳарбий соҳада қўлланган бўлса, 1980-1990 йилларда у кенг тараққиёт йўлига чиқди. Ундан фақат давлатга қарашли тизимлардагина эмас, хусусий молиявий корхоналарда ҳам кенг фойдаланишга киришилди.¹

||| ***“1995 йил 24 октябрь куни АҚШ Тармоқ бўйича федерал кенгаши (FNC) бир овоздан “Интернет” атамасини таърифловчи резолюцияни маъқуллади”.***²

¹ Қаранг: Рашидова Д.К. Особенности формирования интернетовской журналистики и специфика интернет в качестве глобального СМИ.: Автореф. Дис. ... канд. филол. наук. – Т.: ЎзМУ, 2002. – С. 12.

² Атамухамедов Ш. Интернет жаҳон ахборот тизими сифатида // infoCOM.uz – 2006. № 5.

Интернет “Сўнгги 7-8 йил ичида анъанавий оммавий ахборот воситаларига рақобатчи универсал тизимга айланди”.¹

XX асрнинг 80-йилларида ҳам интернетга маълум даражада ҳатто болалар эрмаги сифатида қаралган. Компьютер ўйинлари, электрон почта имкониятлари кўпайди, уяли телефон тармоқларининг ривожланиши ҳам исталган жойдан туриб, исталган масофадаги нуқтага индивидуал алоқага чиқишни оддий ҳолатга айлантирди. Шу билан бирга

**||| чекланмаган миқдордаги ахборотни
мумкин қадар кўпроқ одамлар
диққатига ҳавола қилиш истаги интернет
журналистикасининг яратилишига, шаклланишига
олиб келди.**

Энг тезкор оммавий ахборот воситаси ҳисобланган телерадиожурналистиканинг ҳам ахборот узатиш тезлиги, қамрови интернетга тенглаша олмади. Янада муҳим ўзига хосликлардан бири – интернет тармоғининг интерактивлигида. Яъни, ахборот узатувчи ўша заҳоти узатган ахборотига жавоб олиши, шу билан ўзи ахборот олувчига айланиши – икки ва кўптомонлама мулоқот ўрнатилиши мумкин. Табиий, бирорта анъанавий оммавий ахборот воситаси бундай имкониятга эга эмас. Интернет журналистикасини вужудга келтирган бош омиллардан бири ҳам шу. Ва бу ҳолат ер юзидаги деярли барча интеллектуал қатлам вакиллари ҳаётида тубдан ўзгаришлар ясади. “Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб

¹ Қаранг: Рашидова Д.К. Особенности формирования интернетовской журналистики и специфика интернет в качестве глобального СМИ.: – Автореф. на соиск. ученой степ. канд. филол. наук. – Т.: ЎзМУ, 2002. – С. 5.

бормокда, – деди Президентимиз И.Каримов. – Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди”.¹

Интернет тармоғининг журналистикага кириб келиши жаҳон журналистикасининг шаклланиш жараёнларини мутлақо кутилмаган йўналишларда ўзгартириб юборди.

Даставвал, асосан ахборот манбаи ва ахборот узатувчи восита сифатида оммалашган интернет тармоғи (эътибор беринг, радио ва телевидение ҳам даставвал ахборот узатувчи техник восита сифатида ихтиро қилинган) аста-секин янги типдаги оммавий ахборот воситасига айлана бошлади. Газеталарнинг электрон шаклда (версияда) тарқатилишининг кенг тус олиши бунинг бош сабабларидан бири бўлди. Чунки анъанавий газетанинг “тармоқчаси” сифатида интернет саҳифаларига чиқа бошлаган электрон вариантга бўлган қизиқиш ва айниқса, унинг қамров доирасининг чексизлиги мустақил электрон газеталарнинг кўпайишига олиб келди. Матбуот, таҳририят, мухбир, таҳририят ходими, бош муҳаррир ва соҳадаги ҳоказо анъанавий тушунчалар ўзгаришга учради. Энди матбуот кенг оммани шунчаки ахборот билан таъминловчигина эмас, балки жамиятда янги типдаги ахборот алмашинуви воситасига айлана бошлади. Бу ҳол жамиятнинг ички тузилишини, жамиятнинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Ушбу янгилик соҳага доир қонунларда ҳам ўз аксини топди. Мисол учун 2007 йилга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунида “Газеталар, журналлар,

¹ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь.

ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар” оммавий ахборот воситалари ҳисобланган бўлса,¹ 2007 йилнинг 16 январидан кучга кирган янги таҳрирдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунда мазкур таърифга “умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар” ҳам қўшилди.²

Компьютер ва интернет воситаларининг анъанавий оммавий ахборот воситалари билан бирикиб кетишига дахлдор муаммолар ҳам тез суръатларда кўпайиб бормоқдаки, уларни бартараф этиш масалалари билан шуғулланишни зинҳор орқага суриб, кечиктириб бўлмайди. Зеро, “Бундай аҳвол бой маънавий ва миллий анъаналарга тўғри келмайдиган, виртуал оламнинг ўзигагина хос бўлган интернет “маданияти”ни юзага келтирди”.³

“Компьютер журналистикаси” атамаси ҳақида сўз борганда дунё тажрибасида ҳанузгача на бу истилоҳга, на “компьютер ахбороти” атамасига тугал изоҳ топилмаганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. “Мисол учун Австралия, Канада, Финляндия, Германия, Австрия, Голландияда “маълумотлар”, Польша, Жанубий Кореяда “ёзувлар”, Японияда эса “электромагнит ёзувлари” истилоҳлари қўлланади”.⁴ Дарҳақиқат, агар интернет

¹ Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть. (Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами) – Т.: Меҳнат, 2003. – Б. 7.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2007. № 1. – Б. 26.

³ Шамшиева И. Интернет ва бағрикенглик муаммолари // infoCOM.uz. – 2005. № 10.

⁴ Ястребов Д.А., Чернышов. Объект и предмет неправомерного доступа к компьютерной информации // Закон и право. – № 8. 2007. – С. 63.

саҳифаларида кўзга ташланадиган чиқишлар ва уларнинг муаллифлари таснифланса, буткул ўзгача манзара ҳосил бўлади.

Ўз даврида радио ва телевидение журналистикага техник воситаларнинг кириб келишини бошлаган бўлса, эндиликда интернет замонавий журналистикани қарийб бутунлай техник соҳага айлантириб юборди. Замонавий журналистикада муайян техник воситаларга эга бўлмай, техник малакани эгалламай туриб ривожланиш қийин. Хусусан, фуқароларнинг, жумладан соҳа эгаларининг фаолиятини техник воситалар билан таъминланиш даражаси ва имконияти нисбатан катта бўлмаган шароитда бу ҳол жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Маълумотларга қараганда, агар 90-йилларнинг ўртасида интернет тизимига уланган шахсий компьютерлар сони дунё бўйича 5,8 миллионгани ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб бу рақам 147,3 миллионга (айрим маълумотларга кўра 544,2 миллионга) етди”.¹ Россиянинг ўзида аҳолининг 20 фоизи интернетдан фойдаланади.² 2010 йилнинг октябрь ойига келиб интернетга боғланганлар сони дунё бўйича 1 миллиард 600 миллион кишига етган. Эндиликда ахборот технологиялари имкониятларидан фойдалана билмаган кишилар жамиятдан, ундан фойдалана билмайдиган халқлар эса умуминсоний жараёндан ажралиб қоладилар.

2008 йил март ойи маълумотига кўра Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлар рўйхати 40 тадан ошган. 2010 йилнинг сентябрь ойига кўра эса бу рақам 124 тани ташкил этди.

¹ Свобода и ответственность. – Сб. статей за 2000–2002 гг. Вена, 2002. – С. 205.

² Қаранг: Rogozin D. Ru – и точка // Российская газета. – 29 октября 2007.

Анъанавий оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият” сифатида таърифлаш одат тусини олган бўлса, интернет журналистикаси глобал даражада кишиларни манипуляциялаш воситасига айланиб бормоқда. Матбуотнинг, бир жиҳатдан оммани йўлга солувчилик, иккинчи жиҳатдан йўлдан оздирувчилик миссияси авж олмоқда. Шунинг учун ҳам интернет журналистикасида касб одоби муаммоларининг долзарблиги тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Тадқиқотчи Д.Рашидова интернет журналистикасининг долзарб муаммолари сифатида савияси паст, террорчилик мақсадидаги, миллатчилик руҳидаги ва порнографик ахборотнинг тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни санаб ўтади. Олиманинг виртуал журналистика соҳасидаги меъёрни билмаслик ва уларни назорат остига олиш муаммосини махсус ўрганиши диққатга сазовор. Дарҳақиқат, интернет нашрларида ва электрон версияларда одоб доирасидан четга чиқишлар, ҳақоратловчи материаллар, шахсий ҳаётга аралашишлар, болалар порнографияси, ноҳолис реклама ва ахборот, ноҳолис рақобатга доир чиқишлар одат тусига кириб бормоқда. “Буларнинг бари ёвузлик ва уларга қарши курашмоқ керак” деб ёзади тадқиқотчи. Шунингдек, ҳозирги вақтда ўзини-ўзи бошқариш фалсафаси ва тўлақонли мувофиқлаштириш тизимини ишлаб чиқиш зарурати ҳақидаги масала – муайян маънода жаҳон компьютер тизимини назорат остига олиш масаласи қайта-қайта кун тартибига қўйилмоқда. Бундай қарашларни инкор этувчилар эса бу хил назорат интернет цензурасини келтириб чиқаришидан хавотирга тушмоқдалар. “Даъволар қандайлигидан қатъий назар, – деб ёзади Д.Рашидова, – ниҳоятда омилкорлик билан ва

самарали тадбирлар кўрмай ўзга иложи йўқ, зеро, интернет хизматининг ҳозирги суръатда кенг қулоқ ота бораётган бир шароитида вазият назоратдан четда қолиши ҳеч гап эмас”.¹

2005 йилнинг 9 май куни Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Тошкентдаги Мотамсаро она ҳайкали пойида бўлиб ўтган йиғинда Президент И.Каримов “мамлакат интернет тармоқларида энг муҳим масала бўлган миллий руҳ ва маънавиятимизга етарли эътибор берилмаётгани ҳамда айнан бугунги ўзбек ёшлари учун керакли бўлган материаллар кам эканлигига эътиборни қаратди”.² Ушбу мавзуга бағишланган “Интернет ва миллат манфаати” мақоласида қуйидаги кузатишлар натижаларини ўқиш мумкин: “Юртимизда фаолият кўрсатаётган веб-сайтларни маъно-мазмун нуқтаи назаридан таҳлил қилгач, биз ҳам, очиғи, жиддий ўйга толдик. Маълум бўлишича, “uz” тизимидаги 3000 дан зиёд сайтнинг тўртдан биридагина ўзбек тилидаги материаллар мавжуд. Шунингдек, уларнинг каттагина қисми савия жиҳатидан бугунги кун талабига жавоб бермайди, қолаверса, ёшлар учун мўлжалланган сайтларнинг аксарияти кўнгилочар, эстрада, кино, шов-шувли мавзуларда бўлиб, илмий-оммабоп, билим берувчи, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган сайтлар жуда кам”.³

Дарҳақиқат, интернет журналистикасида тил муаммоси алоҳида мавзу. Дунё аҳолисининг аксарият қисми инглиз тилида мулоқот қилиши маълум ҳақиқат, шундан келиб чиқиб дунё интернет тармоғидаги веб-

¹ Рашидова Д.К. Особенности формирования интернетовской журналистики и специфика интернет в качестве глобального СМИ.: – Автореф. на соиск. ученой степ. канд. филол. наук. – Т.: ЎзМУ, 2002. – С. 16.

² Қаранг: Ғофуров Б., Хидиров Қ. – Интернет ва миллат манфаати // Халқ сўзи. – 2005. 13 май.

³ Ўша манба.

сайтларнинг ярмидан кўпи ёки айрим манбаларда кўрсатилишича, 70-80 фоизи инглиз тилида эканлиги, немис, япон, француз, рус, испан ва хитой тилларидаги жами веб-сайтлар эса 20 фоиздан ошмаслиги¹ мутахассисларни жиддий ўйлашга ундайди.

Фалсафа фанлари доктори Э.Иззетова ахборот технологиялари тараққиётини фалсафий мезонлардан келиб чиқиб тадқиқ этар экан, “Инсоният янги, том маънодаги улкан имкониятларга эга бўла бормоқда. Бироқ у бу имкониятдан тўғри фойдалана оладими?” дея масалани кўндаланг қўяди.² “Инсоннинг Интернетга аноним ҳолатда кириши, – деб ёзади публицист Р. Кириллов, – уни ғайриижтимоий, ҳатто қўпоровчилик хатти-ҳаракатга ундайди. Таъқиқланган нарсга мойилликни кучайтиради... Гўё тармоқда қонунқоида йўқ, гўё исталган номаъқулчиликка йўл очикдек туюлади”.³

Профессор В. Монахов “эски” оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий тартиби “янги” – тармоқ ёхуд виртуал нашрлар учун ҳам тўлалигича долзарбдир” деган хулосага келади.⁴ Публицист Р. Кирилловнинг фикрича,

||| “Қонунчилик “ёмон” интернет воқелигидан орқада. Фақат тарбиягина интернет-хатардан сақлаши мумкин”.⁵

Келтирилган иқтибослардан ҳам кўринадики, ахборот технологиялари тараққиёти, бу ўринда интернет журналистикасида касб этикаси нормаларининг ишлаб чиқилиши нечоғли долзарб бўлса, у шу қадар серқирра, қалтис ва нозик жиҳатларга бойдир.

¹ Қаранг: Свобода и ответственность. – Сб. статей за 2000–2002 гг. Вена, 2002. – С. 211.

² Иззетова Э. Информационные технологии в зеркале философии // infoCOM.uz. – 2005. № 11.

³ Кириллов Р. Интернет: проигранная война // Курьер. – № 50. 2006. – С.9.

⁴ Ўша манба. – Б. 38.

⁵ Кириллов Р. – Интернет: проигранная война // Курьер. – № 50. 2006. – С.9.

Энг муҳими, интернет журналистикасининг барча ижобий хусусиятларини эътироф этган ҳолда унинг оғир асоратларига, хавфсизлик борасидаги хавотирларга қарши самарали кураш йўлини топиш муҳим вазифадир.

“Ҳар қандай инқилобий жараён каби, – деб ёзади Н.Моисеев, – ахборотлашган жамиятга ўтиш ҳам ғавқулодда кутилмаган оқибатларга олиб бориши мумкин. Шундай экан, вазифа мазкур жараён ривожланишини режалаштириш эмас, балки эҳтимоли бўлган салбий оқибатларининг олдини олишдан иборат”.¹

“Интернет журналистлари” деганда анъанавий оммавий ахборот воситалари мактабини ўтаган, ушбу соҳада профессионалик малакасига эга бўлган ёки эга бўлиш арафасидаги бошловчи-хаваскор журналистлар ва мухбирлар назарда тутилади. Интернет тармоғида ташкил этилган ва оммавий ахборот воситаси сифатида тан олинган (эҳтимол, оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтган) веб-сайтлар фаолияти тадқиқ этилади.

Анъанавий журналистикада бўлгани каби интернет журналистикасида ҳам журналист мавқеи ва салоҳиятини ахборот “оқими”дан керакли ва холис ахборотни саралаб олиш маҳорати белгилайди. “Интернет “ғоялар бозори” сифатида либерал тузилмалар хусусиятларини яққол намоён этади ва уларни кучайтиради... Тармоқ – технологик эмас, кўпроқ сиёсий ва ахлоқий тушунчадир. У дунёни ўз комига тортиш хавфини туғдирмоқда”.²

2007 йилнинг январь ойида Россия Федерациясининг Владимир вилояти Коврово шаҳрида ноёб суд жараёни

¹Моисеев Н. Информационное общество: возможность и реальность. В кн. Информационное общество, М.: АСТ, 2004. – С. 451.

²Қаранг: СМИ и современные медиа-технологии. – Международная конфедерация журналистских союзов. – М.: АСМО-пресс, 2000. – С. 35.

иш бошлади. Интернет тармоғи орқали “гурунг” қурган беш нафар суҳбатдошдан бири – журналист Д.Ташликов вилоят губернатори Н.Виноградовнинг даъво аризасига биноан судга тортилди. Матбуотда ёзилишича, журналист Коврово форумида ўз ҳамкасблари иштирокида бўлиб ўтган “гурунг”да губернатор шаънига қарата ўта ножўя мулоҳазаларни баён этган.

Россияда интернет тизими орқали мулоҳаза тарқатгани учун жазо чораси кўрила бошланган мазкур воқеа биринчи марта қайд этилиши эди. Гап ўша журналист интернет орқали вилоят губернатори ва умуман губернаторлик маҳкамаси шаънига қандай танқидий мулоҳаза айтганида эмас, балки у “ўша гурунг иштирокчилари тарбияси ва маданиятининг заифлиги ва кемтиклигида эди”.¹

Фикримизча, ҳар қандай хатти-ҳаракат, агар амалдаги қонун талабларига зид келса, унинг жавобгарлиги аниқ, лекин қонун талабларидан ташқари, ҳатто интернет тармоғидек мураккаб ва ечимини топиш мушкул бўлаётган ахборот воситаларидан тўғри, холис ва одоб доирасида фойдаланиш муносабатларини тартибга соладиган, бошқарадиган, йўналтирадиган интернет журналистикаси одоби меъёрлари ишлаб чиқилмоғи, улар кенг тарғиб этилмоғи керак.

Компьютерлаштириш ва интернетлаштиришнинг биринчи салбий оқибатлари сифатида келтирилган бу муаммо интернет журналистлари орасида касб одоби тарбиясини кун тартибига қўяётган бўлса, биринчи салбий оқибатнинг мантикий давоми бўлмиш иккинчи салбий оқибат хусусида ҳам тўхталиш зарур.

¹ Козлова Н. Цензура онлайн // Российская газета. – 31 января 2007.

Фикрни оммабоп тарзда ифода этишдаги малакасилик, уқувсизлик субъективлик билан қўшилиб энг аввало холисликка путур етади. Воқеа-ҳодисалар ҳақида чуқур ва теран ўйланмаган, атрофлича текширилмаган, юзаки ва саёз мулоҳазаларни ифода этишга олиб келади. Бундай ҳолатларда аксари муаллифлар ва уларнинг ҳимоячилари шахсий фикрнинг эркинлигини рўкач қилишади. Бироқ шахсий фикр ёлғон ё тухмат кўринишга эга бўлишини, худди шундай ёлғон ва бўҳтондан мутлақо бузук мақсадларда фойдаланувчилар топилишини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди.

Интернет журналистикаси орқали тарқаётган турли хом-хатала ахборот ва мулоҳазалардан унумли фойдаланишни йўлга қўйган, бунини сабрсизлик билан кутаётган ноҳолис ва нияти бузук кучлар ҳам бор. Айни ўшалар “субъективчи” муаллифлар фикрини кенгрок ёйишга ҳаракат қилади, айни ноҳолис мулоҳазалар тарғиботига йўл очади. Яъни, ўзимиздаги ғўр муаллифлар ўзлари ҳали дурустроқ журналист малакасига эга бўлмай туриб, билиб-билмай хориждаги ғанимлар тегирмонига сув қуяди. Ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти давридаги журналистиканинг долзарб муаммоларидан бири ҳам шу.

Мана шундай мулоҳазалар ҳам ҳозирги жиддий муаммо – интернет журналистикасида касб этикаси мавзусининг долзарблигидан далолат бермоқда.

Кутилажак салбий оқибатларнинг олдини олиш учун профессор В.Монахов **янги ахборот даври ҳуқуқшунослигини ривожлантириш ғоясини** илгари суради.¹ Бу ғояни қўллаб-қувватламоқ керак албатта. Шу

¹ СМИ и Интернет: проблемы правового регулирования. – М.: Экопринт, 2003. – С. 38.

билан бирга масала шу қадар мураккабки, унинг ечимини ва чорасини топиш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоғи даркор. Чунончи қонуний чораларни кўриш билан бирга ахлоқий мезонларни яратиш, масалага касб одоби талаблари нуқтаи назаридан ёндашиш ўйланган самарани бериши мумкин. Чунки айти шундай ҳолатларда журналистнинг касб этикаси муаммоси бор мураккаблиги билан намоён бўлади. Анъанавий оммавий ахборот воситалари соҳасида касб одоби муаммоларини ўрганиш, таҳлилга тортиш нечоғли ўзига хос қийинчилик туғдирса, интернет соҳасида бундай ишни амалга ошириш янада мураккаброқ кечишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ахборот технологиялари тараққиёти муносабати билан анъанавий оммавий ахборот воситалари соҳасида вужудга келган янги реаллик ҳақида сўз борар экан, бу икки йўналиш муаммоларини бартараф этиш чораларини излашга икки хил тарзда ёндашиш тўғри бўлади. Биринчиси – анъанавий оммавий ахборот воситаларининг янгидан-янги имкониятларини кўпайтириш, иккинчидан – янги типдаги оммавий ахборот воситаларига анъанавий матбуотга хос бўлган вазифалар нуқтаи назаридан ёндашишдир.

Гап шундаки, ахборот технологиялари имкониятлари анъанавий матбуот соҳасида сифатий ўзгаришлар ясади. Мисол тариқасида айтсак, компьютер техникаси газета таҳририяти иши, шунингдек мухбир, журналистлар фаолияти тарзига тубдан янгилик киритди. Шу билан бирга, интернет журналистикасида ижодий маҳоратни ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, айтиқса журналистнинг касб одоби тамойилларини ишлаб чиқиш

сингари муаммоларни бартараф этишда анъанавий журналистикада тўпланган тажриба жуда асқотади.

Интернет тизимидек қудратли технология воситаси ўзининг асосий хусусияти бўлган техникага оидлиги билан эмас, ахборот дунёсидаги сиёсатни белгилаб берадиган ва шу билан дунёга гегемонлик даъвоси бўлган сиёсий тизим сифатида, ҳатто ахлоқий қадриятлар мезонига айланиш воситаси сифатида талқин этилмоқда. Бу ҳол, яъни ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларининг ортиши даставвал интернет журналистикасини оммалаштирган (1995–1996 йилларда) бўлса, унинг кетидан, яъни 1997–1998 йилларнинг ўзидаёқ ахборотни глобал муҳофаза қилиш муаммосини келтириб чиқарган.¹

Яна шуни таъкидламоқ зарурки, бу ўринда туғилажак бир қатор саволларни кескин кўндаланг кўйишдан чўчимаслик керак. Чунончи: интернет саҳифасидан кимлар фойдаланмоқда? Кимлар ва қайси мақсадларда ахборот тарқатмоқда ва оммалаштирмоқда? Жамоатчилик унга қандай ёндашмоғи керак? У бирор фикр-мулоҳазани оммалаштириш илми, дейлик, журналистиканинг мақсад-вазифалари, асосий принциплари ҳақидаги элементар талаблардан хабардорми, улар юзасидан тасаввурга эгами? Ва ниҳоят, оммага қарата сўз айтиш (интернет ҳам оммавий ахборот воситасига айланаётганини назарда тутсак) одоби, қонун-қоидаси, тартибидан бохабарми?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ахборот-коммуникация технологиялари бирмунча тараққий этган давлатлардаги интернет журналистикасида одоб

¹ Қаранг: СМИ и современные медиа-технологии. - Международная конфедерация журналистских союзов. – М.: АСМО-пресс, 2000. – С.103

меъёрларини сақлаш тизимини яратиш борасида қандай тажрибалар тўпланган? Уларнинг бизнинг республикада татбиқ этиш мумкин бўлган жиҳатлари мавжудми?

“Интернетда интеллектуал мулк ҳуқуқининг, инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқининг бузилиши ва шахсий маълумотлар муҳофазаси, интернетда асоссиз ва сохта маълумотларнинг тарқалиши, интернетда сайлов қонунчилигининг бузилиши – интернет муаммолари ҳисобланади”.¹ Жаҳон интернет журналистикасидаги бу каби муаммолар ҳар жиҳатдан ўзининг янгилиги билан ажралиб туради ва табиий, янгича ечимлар топилишини тақозо этади. Ҳозирга қадар тўпланган тажрибалардан ҳам назарий, ҳам амалий хулосалар чиқариш мумкин.

Кўпгина давлатларда интернетнинг бирор-бир тармоғига кириш йўлини тўсиш мақсадида махсус техник усуллардан фойдаланилади. Уларнинг ёрдамида тармоқдан фойдаланувчилар ман этилган мавзуларга йўлатилмайди. Ҳатто, мумкин бўлмаган саҳифага киришга уринган фойдаланувчи ҳақида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора бохабар қилиб қўйилади. Мисол учун Сингапурда интернетчилар мамлакат миқёсида диний, сиёсий ва порнографияга доир саҳифаларга киритилмайдилар. Бирлашган Араб Амирлигида ман этилган сайт очилган заҳоти унда, “Ушбу саҳифага кириш ман этилади” деган ёзув пайдо бўлади.

Австралияда интернетдан фойдаланувчилар ўзларининг назарида одобга тўғри келмайдиган ёки савияси паст туюлган веб-сайтлар юзасидан “Австралиянинг электрон сарҳадлари” деб номланган тегишли муассасага хабар бериш ҳуқуқига эга, тегишли

¹ Международное информационное право. – М.: СТЭНСИ, 2002. – С. 71.

муассаса мутахассислари эса ўз навбатида шикоят тушган веб-сайтларни таҳлил қиладилар ва бутун мамлакат миқёсида фаолият юритувчи барча провайдерларни ўз хулосаларидан огоҳ этадилар. Худди шу нуқтаи назардан 1995 йили АҚШда Оммавий коммуникация воситаларида одоб меъёрларини ҳимоя қилиш ҳақида қабул қилинган қонун, айниқса диққатга сазовордир. (Бироқ АҚШ Олий Суди бу қонунни мамлакат конституциясига хилоф деб топди.)

Хуллас, қонун бор-йўғи икки йил амалий кучга эга бўлиб турди, холос. Бироқ мазкур қонуннинг нечоғли зарурлиги, қанчалик жиддий аҳамиятга эгалиги давлатдан дотация олувчи мактаб ва кутубхоналарда интернет тармоғини филтрлаш тизимидан фойдаланишни кўзда тутувчи қонун лойиҳаси қабул қилинганида тўла намоён бўлди.

|| *Интернет тармоғида номақбул мавзулар тарқалишининг олдини олиш чоралари (жумладан, Покистонда, Хитойда) дунёдаги тараққий этган мамлакатларда бир қадар йўлга қўйилган бўлса-да, муаммо тугал ҳал этилган эмас.*¹

Бир сўз билан айтганда, интернет тизимига нисбатан ҳар бир кишининг ўзига яраша муносабати бўлганидек, ҳар бир давлатда унга турлича хавф-хатар манбаи сифатида қаралади. Чунончи, АҚШда интернет тизимидан терроризм, порнография ва гиёҳванд моддалар савдосини авж олдириб юбориш воситаси сифатида хавотирланиш мавжуд бўлса, Хитойда унга давлат тизимига хавф-хатар туғдирувчи балодек қаралади.² Мана шундай мулоҳазалардан келиб чиққан “Элвис+”

¹ Қаранг: Шамшиева И. Интернет ва бағрикенглик муаммолари // infoCOM.uz. 2005. – №10.

² Қаранг: СМИ и современные медиа-технологии. – Международная конфедерация журналистских союзов. – М.: АСМО-пресс, 2000. – С. 103.

компанияси президенти А.Галицкий бу борадаги муаммолар ечимини топиш учун “биз ягона халқаро стандартларга риоя қилмоғимиз керак”¹ деган хулосага келади.

Юқорида таъкидланганидек, кўпчилик давлатлар манфаатларига бирдек жавоб берадиган ягона халқаро стандартлар эса ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Интернет ахборотини филтрлашга келсак, уни анъанавий цензуранинг бир тури сифатида талқин қилувчилар, кўпинча интернет тизимининг ўзи цензурага қарши кураш воситаси сифатида вужудга келганини рўқач қиладилар. Назаримизда, тоталитар тузумларда фаолият юритган цензура билан интернет тармоғи орқали тарқатиладиган зарарли ва бузғунчи чиқишларга чек қўювчи чораларни аралаштирмаслик керак. Чунки анъанавий матбуот назоратчиси бўлган “анъанавий” цензурани тўғридан-тўғри интернет журналистикасига татбиқ этиш иложсиз ва самарасиз.

||| *Шунинг учун ҳам бир
томондан таъсирчан*

ҳуқуқий меъёрлар яратилишига, иккинчи томондан янги типдаги оммавий ахборот воситалари журналистлари ва муаллифлари фаолиятини изга солувчи, мувофиқлаштирувчи ахлоқий меъёрлар тизимини ишлаб чиқиш даркор.

Тараққий этган мамлакатлардаги мавжуд қонунлар анъанавий оммавий ахборот воситалари қаторида интернет журналистикасини ҳам тартибга солиб туриши мумкин, уни инкор этмаймиз албатта, аммо Ўзбекистонда интернет журналисткасида касб одоби меъёрларини

¹ Ўша манба, ўша бет.

белгилаб қўйиш борасида жиддий изланишлар олиб бориш ҳали олдинда.

Хулоса:

– ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти, хусусан компьютерлаштириш ва интернетлаштириш жараёнлари анъанавий оммавий ахборот воситаларига кириб келиши янги-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Интернет тармоғига аноним ҳолда кириб келиш имконияти аксарият фуқароларда, айниқса ёшларда психологик тайёргарликнинг йўқлиги ёки етишмаслигини кўрсатмоқда;

– оммавий ахборот соҳасидаги қонунчилик интернет журналистикаси тараққиётидан орқада қолмоқда;

– интернет журналистикасида касб одоби меъёрларининг шаклланмаганлиги ҳам жиддий муаммо туғдирмоқда;

– анъанавий оммавий ахборот воситалари тизимида бирмунча ишланган касб одоби тажрибалари замонавий ахборот технологиялари журналистлари учун ҳам татбиқ этиш зарурати вужудга келмоқда;

– интернет журналистикаси ахборот глобаллашувини жадаллаштирди, шу билан бирга инсоният олдига ахборотни глобал муҳофаза қилиш муаммосини ҳам кўндаланг қўйди;

– интернет журналистикаси олдида касб одоби, ахборот маданияти муаммолари юзасидан жиддий илмий-амалий тадқиқотлар юритиш вазифаси долзарб тус олмоқда.

Умумлашма хулоса:

– ахборот-коммуникация технологияларининг ри-

вожланиши жаҳон журналистикасида тубдан ўзгариш ясади, анъанавий ахборот воситалари ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгарди, дунё ахборот майдонида мутлақо янги реаллик вужудга келди;

– интернет тармоғи фақат техник имконият бўлибгина қолмай, у дунё ахборот сиёсатини, давлатлар, кишилар орасидаги муносабатлар кўлами, оқими ва ҳароратини белгилаб берувчи воситага айланди;

– интернет тармоғи орқали ноҳолис, аҳоли онг-идрокини манипуляция қилишга қаратилган ахборот оқимининг кўпайиши “ахборот маданияти” (инфоэтика), “интернет маданияти” тушунчаларини келтириб чиқарди. Ушбу тушунчалар инсоният олдида мураккаб ва долзарб вазифаларни кўндаланг қўйди;

– “интернет журналистикаси”, “интернет журналисти” истилоҳларига тугал аниқлик киритилмагани бу борада алоҳида давлатлар ҳамда кўпчилик давлатлар миқёсида қўлланиладиган стандартлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда;

– ахборот технологиялари, жумладан интернет тизимидаги фаолият билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар, шунинг баробарида ахлоқий нормалар мажмуаси яратилиши долзарб вазифага айланди. Чунки касб одоби аҳамиятини цивилизация тараққиётидан ортда қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

- 1. Интернет тармогидаги чиқишларни қонунга бўйсундириш тизимини яратиш мумкинми? (Халқаро ва миллий тажриба.)*
- 2. “Интернет маданияти” тушунчасини қандай талқин қиласиз?*
- 3. Миллий интернет тармогида тил муаммоси нималарда кўринади?*

ЁН ДАФТАРДАН:

Интернет бамисоли жунгли. Унда йўл топиб омон қолиш учун кўлимизда ақл-идрокдан ясалган компас бўлмоғи зарур!..

ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ҲАМДА МАТБУОТДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУВОЗАНАТИ МАСАЛАЛАРИ

Ҳар қандай ёш жамият мустаҳкам оёққа туриб олиш йўллари излайди, жамият миқёсида умуммувозанатга эришишнинг хилма-хил чора-тадбирларини амалга оширади, ислоҳот ўтказди. Табиий, ҳеч бир ислоҳот осонгина юзага чиқмайди.

Жамиятнинг бевосита ички хусусиятларидан келиб чиқадиган ички омилларга боғлиқ, асосан хорижий омиллар ва илғор халқаро тажрибалардан келиб чиқиб амалга ошириладиган ислоҳот турлари мавжуд. Ислоҳотнинг яна бир тури борки, унда бир йўла ички ва ташқи омилларни ҳисобга олишга тўғри келади.

Маънавият, маданият, мафкура соҳасига дахлдор аксарият соҳалар ислоҳотида учинчи йўлни тутиш амалиётда кўп кузатилади. Албатта, бу осон кўчмайди, чунки ислоҳотдан кўзда тутилган мақсад-муддао қанчалик зарур, қанчалик давр тақозоси бўлмасин ички ва ташқи омиллар ўртасида муштараклик билан бир вақтда зиддият ҳам юз беради. Ислоҳотнинг муваффақияти ана шу муштаракликни кўпайтириш ва зиддиятларни мумкин қадар камайитириш чораларига боғлиқ бўлади. Шундагина оқилона мувозанат посангиси тўғри топилади.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ тараққиётнинг демократик йўлини танлади. Жамиятнинг барча соҳаларида эркинлик муҳитини яратиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Давлат раҳбари И.Каримов, “демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор”лигини эътироф этар

экан,¹ шу билан бир вақтда, “Шу ўринда биз учун муҳим бир савол туғилади. Хўш, бу тамойиллар бизнинг заминимизда қандай амал қилиши керак?”² “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор, – қўйилган саволга жавоб беради Президент. – Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиаи натижаларга олиб келади”.³

Принципиал ва концептуал аҳамият касб этган ушбу мулоҳазалар бутун жиддийлиги билан жамиятни эркинлаштиришнинг муҳим бўғини ҳисобланган оммавий ахборот воситалари тизимини модернизация қилиш жараёнларига ҳам тааллуқлидир. Бинобарин, алоҳида таъкидлаш зарурки, матбуот эркинлигига эришиш кўпчилик тасаввур қилганидан кўра бирмунча мураккаб жараён эканлигини ҳаёт кўрсатди.

Матбуотнинг биринчи галдаги вазифаси бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида янги ва энг аниқ маълумотларни топиб ёзишдан иборат. 1983 йили Париж ва Прагада бўлиб ўтган халқаро ва минтақавий журналистика ташкилотларининг IV Маслаҳат учрашувида қабул қилинган “Журналист этикасининг халқаро тамойиллари”да журналистнинг бурчи ҳақида сўз юритилар экан,

|| “Журналистнинг бош вазифаси кишиларнинг ҳаққоний ва ишончли ахборот олишларини кафолатлаш”дан иборатлиги баён

¹ Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 8.

² Ўша манба, ўша бет.

³ Ўша манба. – Б. 8-9.

этилган.¹ Таниқли матбуотшунос Е. Прохоров ҳам “Холислик муаммоси — фактларнинг аниқлиги ва батафсиллиги муаммосидир” деб ёзади.² Мазкур икки иқтибосда журналистлик касбининг жамият ва халқ билан доимий алоқада бўладиган қирраси баён этилган.

Матбуот эркинлиги оммавий ахборот воситалари ва журналистларда шаклланган касб одоби меъёрларини ҳам камраб олади, бинобарин,

**|| матбуот эркинлиги билан
жамиятда ҳукм суриб турган миллий қадриятлар
ҳамиша алоқадор бўлади.**

Жамиятдаги аҳвол қандай, халқ ва миллатнинг азалий қадриятларига одамларнинг риоя қилиши, реакцияси қай даражада, башарти жамият ўтиш даврини бошдан кечираётган бўлса, унда қандай ўткинчи майлларнинг таъсири кучлироқ? Шунга ўхшаш кўплаб саволлар туғиладики, уларнинг бари у ёки бу даражада мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг эркинлик маданиятига нечоғли риоя этаётганига ҳам катта таъсир кўрсатади. Мисол учун XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида мамлакатимизда бир қадар маънавий-ахлоқий беқарорлик кайфияти ҳукм сурди дейиш мумкин. Яъни, ўша йилларда азалий-миллий қадриятлар тикланиб улгурмаган, янги анъаналар шаклланмаган, амалдаги муомала этикетларининг омонатлиги, кўпчиликнинг табиатига ёт эканлиги сезилган эди.

Одатда ҳар қандай даврда азалий-миллий қадриятлар билан янги қадриятлар ўртасида зиддият сезилиб туради,

¹ Қаранг: Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. — М.: Аспект Пресс, 2000 — С. 205.

² Прохоров Е. Введение в теорию журналистики. — Учеб. пособие. Серия “Практическая журналистика”. — М.: РИП-холдинг, 2000. — С. 102.

ҳаёт, турмуш ва миллат менталитетидан келиб чиқиб уларнинг қоришиб кетиш жараёни кечади, аммо айрим ўтиш даврларида бу зиддият ошкора конфликт тусини олади. Этика нуқтаи назаридан буни табиий ҳолат сифатида қабул қилиш мумкин, лекин анъанавий ва янги ахлоқ тарафдорларининг нуқтаи назари оммавий ахборот воситалари фаолиятини баҳоловчи мезонга айланади. Миллий қадриятларга кўпроқ мойил бўлган кишилар янги қадриятларга асосланган матбуотни қабул қилмайдилар, уни миллат учун ёт ҳисоблайдилар, ҳатто зарарлига чиқарадилар. Янги қадрият тарафдорлари эса миллий қадриятларга садоқатли нашрларни консерваторга чиқарадилар, энг ёмони — бундай нашрларни демократиядан йироқ деб эълон қиладилар.

Фикримизча, жаҳон журналистикасида мутлақ матбуот демократияси мезонларини тугал ишлаб чиқиш ҳамиша мураккаб, ҳатто ҳал қилиб бўлмас вазифалигича қолаверса керак. Зеро, бу масала кўплаб ва тинимсиз ўзгарувчан омилларга боғлиқ. Сенсация изидан қувиш, шахсий ҳаётга аралашиш, ўзгаларнинг шаъни билан ҳисоблашмаслик, қандай бўлмасин, ахборотни биринчи бўлиб олиш ва тарқатиш мақсадида ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан қайтмаслик... демократик матбуот журналистлари касб одобига асло тўғри келмайдиган бу сингари “фазилат”ларга мисолни исталган демократик матбуот журналистлари фаолиятдан истаганча келтириш мумкин. “Австрияда чиқадиган “Штандарт” газетаси таъкидлаб ёздики, “Оммавий ахборот воситалари дунёдаги энг машҳур аёлнинг ўлими учун жавобгардир, 1997 йилнинг 31 августи этика чегараларини унутган оммавий ахборот воситалари учун маънавий инқироз

кунига айланди”.¹ (Гап малика Диананинг фожиали ҳалокати хусусида бормоқда. – Х.Д.)

||| *Мустақиллик йилларида*
||| *халқ турмушига бозор*

ахлоқининг кенг кириб келиши кишиларнинг психологиясида жиддий ўзгаришлар ясади.

Такрор бўлса-да, таъкидлаш зарурки, бу ўзгариш матбуотнинг табиатан янгиланишига ўз таъсирини ўтказмоқда. “Ҳозир матбуотда қайси йўналиш етакчилик қилмоқда, – дея савол қўяди публицист Ҳ.Сатторий. – Эркин иқтисодиётга ўтилиши билан жамиятнинг ижтимоий қиёфаси ўзгарган экан, унда матбуотнинг ўрни қандай бўлади, деган савол жиддий тадқиқотларни талаб қилса...”²

Дарҳақиқат, ушбу савол доирасида тадқиқот мавзуига доир чиқишлар, фикр-мулоҳазалар кўп. Айниқса, табиатан ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнини бошдан кечираётган ўзбек матбуотида эркинлик ва масъулият мувозанатини топиш, бу борада миллий кадриятлар ва матбуот тажрибаларида кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалар мавжудки, бу матбуотнинг шаклланиш, юксалиш йўлида эканлигидан далолат беради. Масалан, таниқли журналист И.Норматов, “ўзбек матбуоти бугун ҳадик ва лоқайдлик бекатини ортда қолдириб, демократия ва эркинлик сари йўл олди, деб ишонч билан айта оламан” деса,³ “Ўзбекистон” телерадиоканали Бош директори Х.Даврон, “Менимча, ҳали бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз демократияни тарғиб этишда айтарли муваффақиятга

¹ Нестеренко Ф. Демократия сильна свободой слова // Правда Востока. – 14 октября 1997.

² Сатторий Ҳ. Матбуот кироли // Моҳият. – 2002. – 17 май.

³ Норматов И. Биз кимдан эркинмиз? // Моҳият. – 2002. – 20 сентябрь.

эриша олмаяптилар” деган фикрда.¹ Таниқли шоир ўз қарашларининг давоми сифатида, яъни миллий матбуотимизда демократик тамойилларнинг жадал қарор топиб кетмаётганлиги сабабларини касб маҳорати ва одоби билан боғлиқ муаммоларда кўради. Жумладан у, “Бунинг сабаби оддий, – деб фикрини давом эттиради. – Ҳали журналистларимизнинг ўзлари демократия нима дегани эканлигини яхши англаб етишмаган. Кўпчилик журналистларнинг назарида, демократия бу фақат танқидбозликдан иборат нарса. Яна айрим журналистларимиз борки, улар соғлом танқид билан ёлғон-яшиқ фактларнинг чегарасини ажратиб олишолмайди.”²

Кўринадики, демократик матбуотнинг асосий атрибутларидан ҳисобланган соғлом танқид ёки ёлғон ахборот мезонларини ҳис этиш журналистнинг касб одобидан келиб чиқади. Бинобарин, **||| касб одоби меъёрларини ўзлаштирмай туриб, демократик мақомга кўтарилиш ниятлари амалга ошмайди.**

Таниқли публицист-шарҳловчи И. Норматовнинг қатор чиқишларида демократик матбуот талаблари тўғрисидаги қарашлари журналистнинг инсоний ва касб одоби муаммолари билан чатишиб кетгани диққатни тортади. Публицист “Маҳоратни асрайлик” мақоласида журналистикада ҳақиқат мезони бўлганидек, маҳорат мезони ҳам хилма-хил эканлиги муаммосини жамоатчилик муҳокамасига ташлайди. Муаллифнинг фикрича, бозор муносабатлари авж олиб, тижорат йўналишидаги нашрлар, чиқишлар кўпайгани сайин

¹ Даврон Х. Инсон онгини кишибилмас заҳарлаб қўймайлик // Даракчи. – 2001. – 18 январь.

² Даврон Х. Ўша манба.

“бутун диққат-эътибор тижорат мақолалар ёзишга, тижорат кўрсатувлар ҳамда эшиттиришлар тайёрлашга қаратилмоқда. ...Бу охир-оқибатда журналист маҳоратини сўндиради, ўлдиради. Уни манфаат йўлида маддоҳга айлантириб қўяди”.¹ Айниқса, ахборот тарқатишдаги холислик ташқаридан буюртма измига тушса, журналист “андишани “сўз эркинлиги”нинг қурбони қилиб юборади”.²

Мулоҳазалардан кўринадики, жамоатчилик кайфиятидаги одоб мезонларининг ўзгариши касб одоби тушунчаларида ҳам акс этмай қолмайди, албатта. Шу боисдан ҳам жамият аъзолари қаторида журналистика жамоатчилиги орасида ҳам шу нуқтаи назардан ўзига хос сифатий ўзгаришлар жараёни кузатила бошланди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида танлаган йўлини бутун мураккаблиги билан таҳлил ва талқин этар эканмиз, масаланинг мана шу жиҳатларига ҳам эътибор қаратишимиз керак бўлади. Гап шундаки,

**||| республикамизда матбуотни
эркинлаштириш жамиятни
эркинлаштиришнинг муҳим ва зарур омилларидан
эканлиги кенг кўламда ва ҳар тарафлама эътироф
этилмоқда.**

Айни вақтда эришилажак эркинлик азалий миллий қадриятларни бой бериш эвазига бўлмаслиги кераклиги таъкидланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари орасида энг катта аудиторияга эга бўлган телевидение тармоқлари ниҳоятда кўпайди. Мустақил телеканаллар деярли ҳар бир вилоятда фаолият юритмоқда. Бу — мамлакат журналистикаси соҳасидаги эркинлаштиришнинг яққол намунаси

¹ Норматов И. Маҳоратни асрайлик // Fidokor. – 2003. – 29 апрель.

² Норматов И. Ақллилик балоси // Fidokor. – 2002. – 14 ноябрь.

сифатида қувонарли ҳол. Лекин кўпроқ томошабинни жалб этиш мақсади, аксарият ҳолларда масъулиятни унутиш ва миллий кадриятларимизга беписандлик, бепарволик кайфиятини туғдирмоқдаки, бизнинг шароитда бундай хатти-ҳаракатлар касбимиз одобига зид дея баҳоланиши табиий. Дейлик, телекўрсатувлар турли соҳа, табақа ва турли ёшдаги томошабинлар учун мўлжаллаб тайёрланиши маълум. Бироқ ёши катталар учун мўлжалланган фильм ё кўрсатувни ёшлар ҳам бемалол томоша қилишади. Ғайрияхлоқий, асабларни жунбишга келтирувчи жангари фильм ва кўрсатувлар уёқда турсин, ҳатто оддий интим лавҳалар ҳам ёшларнинг, ҳатто ҳали шунга тайёр бўлмаган эркак-аёлларнинг психологиясида оғир асорат қолдириши эҳтимолдан йироқ эмас. Мисол учун Россия телевидениесида оммалашган “Окна” кўрсатувининг биргина чиқиши ёш йигит-қизларни эрта “улғайтириб” қўйиши ҳеч гап эмас. Бу “улғайиш” ўз навбатида хавфли ва кўнгилсиз оқибатларга олиб бориш эҳтимоли ҳам катта.

Юқорида “Журналист одобининг халқаро тамойиллари”да журналистнинг вазифаси ҳаққоний ва ишончли ахборот бериш, шунингдек матбуотшунос Е.Прохоровнинг “фактларнинг аниқлиги ва батафсиллиги” журналист холислигини белгиловчи омиллар эканлиги ҳақидаги фикрлари келтирилган эди. Матбуотда ахборотнинг тўғри, аниқ ва батафсил берилиши муҳимлиги талаби ўзбек журналистикаси учун ҳам бегона эмас албатта. Умуман ахборотнинг аниқлиги ва батафсиллигини очикдан-очик рад этадиган бирорта миллий журналистика бўлмаса керак дунёда. Бироқ

**||| ахборотни бори́ча ва тўласича кенг
оммага тарқатишининг ўзига хос
нозик муаммолари ҳам мавжудки, унинг объектив ва
субъектив сабабларидан кўз юмишининг иложи йўқ.**

Миллий қадриятлар юз, минг йиллар мобайнида
вужудга келган, сайқал топган, шаклланган ва
кишиларимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

**||| Қадриятлар, нисбатан ниҳоятда
секинлик билан ўзгаришларга
учрайдиган ҳодиса. У оммавий ахборот воситалари
соҳасида кўзга ташланаётган суръатда ва шиддатда
янгилана олмайди, ўзгарувчан эмас. Қадриятлар
азалий, лекин эски эмас. Қадриятга нисбатан “эски”
ибораси тўғри келмайди. Улар эскирмагани, ўзининг
асл қадр-қимматини йўқотмагани учун ҳам қадрият.**

“Демак, — деб ёзади олим Қ.Назаров, — қадриятга
умумий таъриф берадиган бўлсак, қадрият бу муайян бир
кишилар гуруҳи (оила, жамоа, жамият) орасида алоҳида
эътиборга сазовор бўлган ва ўша гуруҳ аъзолари
томонидан эъзозланиб, қадрланиб келувчи маънавият
туридир”.¹

Ушбу тасниф таҳлил қилинадиган бўлса, бошқа
барча ўзгаришлар охир-оқибат генофондга таъсир
ўтказади. Бу ниҳоятда мураккаб ва узоқ давом этадиган
жараёндир.

Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини англаш
имконига эга бўлди. Азалий миллий қадриятларни чуқур
ўзлаштирмай туриб, кундалик ижтимоий-сиёсий аҳвол
шу қадар янгиланаверадики, замондошларимиз
тафаккури, таъбир жоиз бўлса, ўтмиш ва бугун қоришиб

¹ Назаров Қ. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси. Фалсафа фан. докт. ...
диссер. – Т.: 1996. – Б. 126.

кетадиган майдонга айланди. Азалий-миллий кадриятларни кадрлаган ҳолда ўша тушунчаларимизга зид равишда янги бозор муносабатлари таъсирига тушиш кузатилмоқда. “Одамлар бузилиб кетди!” мазмунидаги хавотирлар кўпайди. Албатта, бундай ўзгаришларга бепарво бўлиш ярамайди, лекин назаримизда, жамиятдаги айрим салбий ўзгаришлар 10—20 йил ичида миллатнинг генофондига, менталитетига сингиб улгурмайди.

Ҳозирча эса ғарбона демократия тамойилларини табиатимизга ёт жиҳатларини тушуниш ва тушунтириш учун уларга халқимиз менталитетининг ўзак-ўзагини ташкил этган ор-номус, андиша, ҳаё-иффат, уят сингари кўплаб туйғулар нуқтаи назаридан қарашга мажбурмиз. Жамиятда қарор топа бораётган демократик ислохотлар аста-секинлик билан бўлса-да, халқимиз менталитетига сингиб бормоқда. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам миллий менталитетнинг ўзгариши, ҳатто демократлашуви халқимизнинг азалий уят, ҳаё, андиша туйғулари эвазига қўлга киритилишини қўллаб-қувватлашга йўл қўйиб бўлмаслигини унутмаслик керак.

Россияда сайловолди кампанияларида матбуот рекламаларининг руҳи ўзгариши, яъни ҳамма эътибор сайловда иштирок этувчи шахсларга қаратилиши ҳақида сўз юритилган мақоланинг “Памперслар ўрнига Жириновский” (“Жириновский вместо памперсов”) деб номланиши¹ эҳтимол рус халқи, қолаверса тилга олинган партия раҳбарининг менталитети нуқтаи назаридан ноқулайлик туғдирмас, лекин бундай йўл тутиш бизнинг халқимиз одобига мутлақо ёт ва бундай киноя-қочириқлар бизда ҳақорат деб қабул қилинишини ҳисобга олишга мажбурмиз. Ёки бўлмаса, Москва шаҳар мэри

¹ Скорнякова А. Жириновский вместо памперсов // Независимая газета. – 16 мая 2003.

Ю.Лужков матбуотда эълон қилинган интервьюларидан бирида, “Шаҳарда дублар оз. Бизда дублар маъмурий муассасаларда ўтиришади” деган гапни айтган.¹ Бир қарашда беозор мутойибага ўхшайдиган бу гапнинг замирида маъмурий муассасаларда хизмат қиладиган масъул шахслар тўнка (яъни, саводсизлар) дейилаётгани бизнинг матбуотимиз учун одобсизлик ҳисобланади.

Яна бир мисол. “Труд” газетасида Қадимги Қримнинг Феодосия шаҳарчасидаги таниқли рус адиби Александр Грин уй-музеи қаровсиз аҳволда қолгани ҳақидаги танқидий мақола “Грин... А хто это?” дея номланган.² Уй-музейнинг ночор аҳволда қолгани учун масъул шахслар, муассасалар айбдор бўлиши, демак, улар танқид остига олиниши мумкин, аммо-лекин бир давлат ҳудудида нашр этиладиган газета бошқа давлат халқининг шевасини рўқач қилиб, бутун бир миллат вакиллари камситиш (русча “кто” сўзини украин лаҳжасида “хто” деб пичинг қилингани назарда тутиляпти) ҳеч бир журналист, ҳеч бир матбуот нашри одобига сиғмайди.

Такрор айтиш лозимки,

||| **ахборотнинг батафсиллиги
ва аниқлигига ҳеч ким**

қарши эмас, бироқ шундай мавзулар борки, у ҳақда ёзганда (гапирганда, кўрсатганда) бундай йўл тутиш асло мумкин эмас. Сўнгги йилларда Ғарб матбуотидаги жинсий муносабатлар мавзусида очик-ойдин ёзиш одати бизда ҳам учраб қолмоқда. Шу ҳақда сўз юритган журналист Д.Полвонов “Матбуот эпидемияси” мақоласида “Хонадон сирлари” газетасида эълон

¹ Қаранг: Труд. – 2006. 31 май.

² Қаранг: Труд. – 2005. 5 март.

қилинаётган мақолаларни миллатимиз одобига хос бўлмаган батафсиллиги учун танқид қилган.¹ Эътибор қилинса, муаллиф “Хонадон сирлари”ни бундай мавзудаги мақоласидан эмас, балки ўша мавзу ҳақида керагидан ортиқ батафсил – бепарда сўзлар ёзганидан норози.

Бизнинг соф миллий туйғуларимиз ҳар қандай ахборотни оммалаштирилаверишига йўл қўймас экан, буни ғайридемократия деб аташ тўғрими? Асослими? Бундай ҳолатларда нима қилмоқ керак? Икки томон ўртасида қандай қилиб мувозанат ўрнатиш мумкин?

Назаримизда, мана шу мувозанатни топишда объектив ва субъектив сабаблар аралашиб кетмоқда. Шундайига ҳам мураккаб жараён янада мураккаблашмоқда. Ваҳоланки, олим М.Худойкулов тўғри таъкидлаган матбуотнинг бош принциплари бўлмиш халқчиллик ва миллийлик талабларидан келиб чиқилса,² ҳар қандай мураккаб масалага ёндашишнинг ечими топилади.

Матбуот эркинлигини қўллаб-қувватлаш истиқлол йилларида айрим кишиларнинг хоҳиш-истагидан кўра ижтимоий заруриятга айланиб улгураётгани қувонарли ҳодиса, лекин азалий халқнинг қадриятларига айрим зид ҳолатларнинг матбуот саҳифаларига эмин-эркин чиқмаётганини демократияга тўсқинлик ёки сўз ҳурлигини истамаслик дея талқин этиш ҳам мутлақо тўғри эмас. Социология фанлари доктори М.Бекмуродовнинг ғарбона демократия тамойилларининг миллий қадриятлар қиёсидаги мулоҳазалари, шу маънода диққатга сазовор. Олим Ғарб ва Шарқ халқлари табиатига

¹ Д.Полвонов. Матбуот эпидемияси // Хуррият. – 2002. – 41-сон.

² Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. – Т.: ТошДУ, 1999. – Б.31, 32.

хос бўлган қадриятларни таққослар экан, “Ғарбдаги моддий, реал манфаатлар устуворлиги қадриятидан фарқ қилиб, Шарқ халқлари учун бош қадрият маънавий омиллар, айниқса инсон шаъни, обрў-эътибори, нафсонияти, орияти, виждони ҳисобланиб келган”лигини жиддий асос сифатида олади ва “Шарқ халқлари учун Ғарбга хос бўлган ҳаммани бир хил қаричда ўлчовчи тотал, яъни ялпи тенглик формуласи эмас, балки инсонийлик талаблари тўлароқ бажарилувчи иерархик тенглик (пастдан юқорига, босқичма-босқич риоя қилинувчи муносабатлар тизими) формуласи кўпроқ мос келади” деган хулосага келади.¹ Бу фикрларга қўшилиш мумкин, зеро, фақат манфаатларга асосланган ва ҳаммани бир хил қаричда ўлчашга асосланган қадрият билан кўпроқ инсонийлик талаблари бош мезон қилиб олинган миллий қадриятлар ҳукм сурган ҳолатда демократия, сўз эркинлиги, хусусан, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг кенг жамоатчилик эътиборига очиқ-ойдин ҳавола этиш одатига бир хил мезонлар билан ёндашиш зинҳор мумкин эмас. Бунинг иложи йўқ.

Юқорида тилга олинган ахборот ва фактларнинг батафсиллиги ҳам, рус олими ёзган “фактларнинг аниқлиги” тушунчаси ҳам бизнинг умумодобимизга тўғри келмайди. Бошқача айтганда,

||| *Шарқона одоб ва назокат бундай “батафсиллик” ва “аниқлик”ларни демократия деб ҳисобламайди.*

Умуминсоний демократик тамойиллар эвазига эришилажак эркинлик азалий миллий қадриятларни бой бериш эвазига бўлмаслиги керак. “Шу ўринда, биргина

¹ Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети // Хуррият. – 2002. – 9 октябрь.

демократик қарашлар билан миллий қадриятлар ўртасидаги муносабат масаласига тўхталсак, — деб ёзади публицист Абдуазимхўжа Шерзодхўжа ўғли. — Бизнинг тушунишимизча, демократиянинг яшовчанлиги унинг турли шароитларга мослашиб кетиши ва миллий хусусиятларни инкор этмаслиги, аксинча, миллийлик билан уйғунлаша олиши билан белгиланади. Аслида бағрикенгликни қадрлайдиган демократия миллий хусусиятларга нисбатан ҳам ўз бағрикенглигини намойиш этади. Миллий хусусиятлар билан омукта бўлган демократия эса демократик қурилишдаги ранг-барангликни келтириб чиқаради. Шу боис, биз янги тараққиёт йўлини танлаганимизда ҳам ўзбеконаликдан воз кечиш эвазига демократик қарашларни ўзлаштиришни асло мақсад қилмаганмиз. Бошқача қилиб айтганда, мингйиллик илдизларга эга маънавий-руҳий дарахтни қўпориб ташлаш эвазига кўзни қамаштирадиган номаълум ниҳолга эътиқод қўйиш бизнинг аъмолимиз эмасдир. Зеро, бизнинг йўқотадиган нарсамиз — мустаҳкам маънавий томирларимиз, не-не суронли асрлар тўфонларидан бизни миллат сифатида эсон-омон олиб ўтган ўлмас қадриятларимиз бор. Демократияни эса биз мана шу кўхна тарихга эга маънавиятимиз дарахтига пайванд қилиш имконияти борлиги учун ҳам танлаганмиз. Шу боис, демократиянинг даражасини миллий хусусиятлардан чекиниш даражаси билан ўлчаётган кимсаларга ўз сўзимизни айтишга ҳақлимиз”.¹

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқилса, ахборот беришдаги “аниқлик” ва “батафсиллик” талаби кишиларимиз, жумладан ўзбек журналистлари учун

¹ Абдуазимхўжа Шерзодхўжа ўғли. Миллат руҳига садоқат // Халқ сўзи. – 2003 йил. – 16 декабрь.

оддий инсоний хислат, фазилат саналади. Ана шу инсоний хислат ва фазилат касбий бурч ва вазифага айланиб кетиши учун эса асос, замин муҳайё. Шу нарсага амин бўлмоғимиз зарурки, журналистлар ботинидаги соф инсоний одоб-ахлоқ қадриятлари уларнинг мазкур касб соҳиблари сифатидаги фаолиятида йўналтирувчилик, бошқарувчилик вазифасини ўтайди. Бордию, инсоний одоб пойдевори заиф бўлса, бу ҳол журналист ижодининг салмоғида яққол акс этмай қолмайди.

Матбуот эркинлиги ва миллий қадриятлар мувозанати ҳақида сўз борганда Ғарб ва Шарқ одоби тушунчаларига дахлдор муаммони четлаб ўтиш мумкин эмас. Умуман, дунёни, одамларни ва турли воқеа-ҳодисаларни мазкур икки қутбий тушунчалардан келиб чиқиб баҳолашга, қиёслашга уриниш одати азалдан мавжуд. Фалсафа, бадиий ижод, этика соҳаларида эса бундай уриниш, айниқса сезиларли.

Матбуот ва сўз эркинлигининг афзалликлари ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилади, ана шунда соф миллий қадриятларга дахлдор мулоҳазалар умуминсоний аҳамият касб этишини кўрамиз. Мисол учун телеэкран орқали қотилликлар, босқинчиликлардан иборат ёвузлик саҳналари қалашиб кетган фильм ёки манзараларнинг намоиш этилишидан келиб чиқадиган маънавий зарар миллат танламайди. Шу боис шундай кўрсатувларни камайтириш ёки бутунлай йўқотиш ҳақида дунёнинг турли мамлакатларида вақти-вақти билан чиқишлар қилинмоқда. Жумладан, россиялик сиёсатшунос Андрей Степанов “Қонун ожизлиги шароитида экрандаги зўравонлик (Халқ партияси Давлат думасига қотиллик ва шафқатсизлик саҳналарининг намоиш этилишини чеклаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини киритмоқда)”

мақоласида шундай ёзади: “Башарти Ғарбда янгиликлар эфирига томошабинни ларзага солувчи тилка-пора қилиб ташланган мурдани намойиш қилишдан бурун юз карра ўйлаб кўрилса, россиялик журналист бундай ҳолатларда ахлоқий чекловлардан бирмунча ҳоли.

Воқеа-ҳодисани қандай бўлса шундайига кўрсатиш борасида бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз анча илғор. Ўтган куз кезлари Магадан губернатори Цветковнинг ўлдириб кетилиши ҳодисаси нақадар тафсилотлари билан берилганини эслайлик. Жасадни турли нуқталардан сира эринмай сураатга туширишган. Энг ачинарли жойи шундаки, бу, бизнинг телеканаллар сиёсати мана шундай схема асосига қурилаётгани жуда оддий ҳол ҳисобланмоқда”.¹

Мақола муаллифи мулоҳазаларини давом эттириб, унга янада жиддий, ҳатто сиёсий тус беради.

“Ҳозир маданият соҳасида кузатилаётган ҳолатни миллий ўзликни англаш туйғусини ҳақоратлаш деб аташ мумкин”, — дея тасдиқлайди Халқ партияси етакчиси Геннадий Пайков.

Хулоса:

– жамият миқёсида кечадиган ҳар қандай ислоҳотларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: биринчиси – асосан ички хусусиятлардан келиб чиқадиган ички омилларга боғлиқ ислоҳот турлари, иккинчиси – асосан хорижий ва халқаро тажрибалардан келиб чиқиб амалга ошириладиган ислоҳот; учинчиси – ички ва ташқи омилларнинг уйғунлигини тақозо этадиган ислоҳот тури.

Маънавият, маданият, мафкура соҳасидаги ислоҳотларда одатда учинчи тоифа ислоҳот жараёнлари

¹ Степанов А. Насилие с экрана при бессилии закона (Народная партия вносит в Госдуму законопроекты, призванные ограничить показ сцен убийств и жестокости) // Труд. –28 января 2003.

кузатилади. Бирок, бу хил ислохот йўналишида муштараклик билан бир вақтда зиддиятли ҳолатлар ҳам юз бериши табиий ҳол. Халқаро миқёсда эътироф этилган ҳар қандай демократик тамойиллар ҳам Шарқда тўғридан-тўғри амалга ошавермайди. Айниқса, демократик қадриятларни қарор топтиришда инқилобий ўзгаришлар ясаш хатарли тус олади. Жаҳон журналистикасида эътироф этилган журналистнинг бош вазифаси кишиларнинг ҳаққоний, ишончли, холис ва батафсил ахборот олиш ҳуқуқи ўзбек миллий журналистикасида ҳам эътироф этилади, бироқ, шундай воқеа-ҳодисалар бўладикки, улар ҳақида қандай бўлса шундайига, ҳатто ўта батафсиллик билан ахборот бериш миллий одоб талабларига путур етказди;

- азалий ва замонавий анъаналар ўртасида уйғунлик ва мувозанат топишда ҳушёрлик, эҳтиёткорлик зарур;

- сенсацияга берилиш, асоссиз шов-шувли ахборот бериш йўлида ахлоқ чегараларидан чиқиш миллий журналистика ақидаларига мос келмайди;

- бозор муносабатлари шароитида матбуотда кўзга ташланаётган енгил-елпилик, юзакичилик, шошма-шошарлик иллатлари соҳада касб одоби меъёрларини оммалаштириш зарурлигини кўрсатади;

- умумэътироф этилган демократик тамойилларнинг барча жозибадорлигини қадрлаган ҳолда айтиш керакки, уларни асрлар синовидан ўтган миллий қадриятларимизни бой бериш эвазига ўзлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди;

- оммавий ахборот воситалари глобаллашув жараёнларининг “эпицентри” сифатида, жамиятдаги энг сўнгги ўзгаришларни (унинг ижобий, салбий кўринишлари билан бирга) ўзида мужассамлаштиради.

Глобал тараққиёт шиддати баъзан миллий қадриятлар табиатидаги “оғиркарвонлик”ка тоқат қилмайди. Зеро, бу “оғиркарвонлик” замирини ўзбек миллий-маънавий меросининг боқий асослари ташкил этади;

– ҳеч бир жамиятни демократлаштиришда хорижий андозалардан кўр-кўрона фойдаланиш кўнгилли оқибатларга олиб келмаганидек, ўзбек миллий матбуотини бегона андозалар, ёндашувлар асосида эркинлаштириш мумкин эмас. Шахсий-интим муносабатларни батафсил оммалаштириш, аёллар, ёш болалар шаънига путур етказадиган ҳолатларда бу ўзига хосликни унутишга йўл қўйиб бўлмайди.

МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

1. Оммавий коммуникация ва ОАВда ҳолислик, муносабатлар очиқлигини қандай тушунасиз?

2. ОАВ да миллий менталитет хусусиятлари ва замонавий умуминсоний одатлар, таомиллар уйғунлигини сақлашда нималарга эътибор қаратмоқ керак?

3. ОАВ материалларидан мавзуга доир характерли мисоллар келтиринг ва уларни қиёсий таҳлил қилинг.

САВОЛ-ЖАВОБ

– Мутлақ демократия нима?

– Мутлақ демократия – ҳайвонот ботида очиқ эшиклар кунини эълон қилишининг ўзгинаси!..

СЕМИНАР МАВЗУСИ ВА САВОЛЛАРИ

1-мавзу. Мавзу хусусида умумий тушунча

1. Умумий этика ва касб этикаси (жумладан журналистнинг касб этикаси) ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

2. Ўзбекистон матуботида журналистнинг касб этикасига доир чиқишлардан мисол келтиринг.

3. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг бир бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатларини айтиб беринг.

2-мавзу. Журналист касб этикасини ўрганиш тарихидан (ўзбек ва жаҳон журналистикасида касб этикаси масалалари мисолида)

1. Журналистнинг касб этикаси талаблари даставвал қандай нашрларда кўзга ташлангани.

2. Радио ва телевидениенинг, сўнгрок Интернет тизимининг вужудга келиши “журналист этикаси”га бўлган талабни оширгани.

3. Шўро даврида журналистнинг касб этикаси меъёрларига эҳтиёж бўлмагани.

3-мавзу. Амалий фаолият жараёнларида касб этикаси меъёрлари

1. Ёзишга, ижод қилишга бўлган иштиёқ ва унинг туғилиши ҳақидаги мулоҳазаларингизни баён этинг.

2. “Журналист нима учун ёзади?” чизмасига муносабат билдиринг.

3. Бош муҳаррир ва ходим образига кириб, хизмат

сафарига бориш жараёнини кўрсатиб беринг.

4-мавзу. Халқаро гуманитар ҳуқуқ ва унинг аҳамияти

1. Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормалари амал қиладиган ҳудуд ҳақида тушунча беринг.
2. Халқаро гуманитар ҳуқуққа доир конвенцияларга мисоллар келтиринг.

5-мавзу. Халқаро гуманитар ҳуқуқ ва Ҳақулодда вазиятларда журналистика

1. Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормалари қўлланадиган ҳудуд ва ҳолатларни тасвирлаб беринг.
2. Ҳақулодда ҳолат ва вазиятларда фаолият юритиш чоғидаги журналист ҳафсизлигини таъминлашга қаратилган тавсиялардан мисоллар келтиринг.

6-мавзу. Касб этикаси кодекслари

1. Журналистнинг касб одоби кодекслари тарихидан мисоллар келтиринг.
2. Бирорта касб кодекси бандларини амалиёт билан боғлаб таҳлил қилинг.

7-мавзу. Анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси

1. Радиожурналистика ва тележурналистика: ўхшаш ва фарқли хусусиятлар.

2. Нодавлат телерадиода касб этикаси муаммолари.

8-мавзу. Интернет журналистикасида касб этикаси

1. Замонавий интернет тармоғи анъанавий оммавий ахборот воситалари дунёсига олиб кирган янгиликлари ва муаммоларини таҳлил қилинг.

2. Интернет тармоғи саҳифаларида журналистика ва журналист фаолиятининг ўзига хосликлари.

9-мавзу. Оммавий коммуникация ҳамда матбуотда миллий ва умуминсоний қадриятлар мувозанати масалалари

1. Миллий менталитет ва демократия тушунчаларини атрофлича шарҳлаб беринг.

2. Матбуотда батафсил тасвирнинг чегараси ва меъёри.

10 – мавзу. Демократик матбуотда касб этикаси фанининг истиқболи

1. Демократик жамият матбуотида эркинлик ва масъулият уйғунлигини сақлаш.

2. Фуқаролик жамиятида журналист касб этикасининг ўрни ва аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Расмий адабиётлар

Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.)

Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

“Тўртинчи ҳокимият”, Т.: 2003.

Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т.: 2009.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами.

Т.: Адолат. 2002.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: Адолат. 2004.

Асосий адабиётлар

Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Академия, 2007.

Абдуазизова Н. Кўп миллатли Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари масаласига доир. /Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. (илмий-амалий анжуман)– Т.: ЎзМУ, 2003.

Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. Изд. МГУ. М.: 2003.

Атамухамедов Ш. Интернет жаҳон ахборот тизими сифатида // infoCOM.uz.– 2006. № 5.

Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси. Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси // Оммавий

ахборот воситаларини эркинлаштириш — жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили. — Т.: Истиқлол, 2006.

Дўстмуҳаммад Х. Журналист бўлмоқчимисиз? Т.: Янги аср авлоди, 2001.

Дўстмуҳаммад Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. Т.: Ўзбекистон, 2005.

Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Т.: Янги аср авлоди, 2007.

“Журналистлар ҳуқуқий саводхонлиги муаммолари. Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ” (Мақолалар тўплами), Т.: 2003.

Законы и практика СМИ в одиннадцати странах мира (сравнительный анализ). Изд-е 2-е.— М.: Галерия, 2000.

Иззетова Э. Информационные технологии в зеркале философии // infoCOM.uz. — 2005. № 11.

Исмаилова К. Радиоинформация. Т.: Университет. 2002.

Исмаилова К. Международное радиовещание. Т.: 2006.

Исмаилова К. Голос перемен. Т.: Насаф. — 2010.

Канке В.А. Этика ответственности. — М.: Логос, 2003.

Кириллов Р. Интернет: проигранная война // Курьер. — № 50. 2006.

Лабуш Н.С., Бекуров Р.В. Международное гуманитарное право и профессиональная деятельность журналиста. Санкт-Петербург. 2004.

Лазутин Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. — М.: Аспект Пресс, 2000.

Мўминов Ф., Нурматов А. Жаҳон журналистикаси тарихи. Фан ва технология. Т.: 2008.

Почепцов Г. Теория и практика коммуникации. М.:ЦЕНТР, 1998.

Профессиональная этика журналиста. (Документы и справочные материалы). Галерия. М.: 2002.

Прохоров Е. Введение в теорию журналистики. — Учеб. пособие. Серия “Практическая журналистика”.— М.: РИП-холдинг, 2000.

Рашидова Д.К. Особенности формирования интернетовской журналистики и специфика интернет в качестве глобального СМИ.: Автореф. Дис. ... канд. филол. наук. – Т.: ЎзМУ, 2002.

Рахматуллаева И. Телевидение ва ёшлар. Т.: Янги аср авлоди. – 2005.

Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. (Ўқув кўлланма) Т.: Ё.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. – 2008.

Свобода и ответственность. – Сб. статей за 2000–2002 гг. Вена, 2002.

Сиберт С. Ф., Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. – М.: Национальный институт прессы. Вагриус, 1998.

СМИ и современные медиа-технологии. – Международная конфедерация журналистских союзов. – М.: АСМО-пресс, 2000.

Содиқ С. Радиожурналистика асослари. Аудиовизуал журналистика. Т.: Mumtoz so'z. – 2010.

Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Т.: Университет. – 2008.

Шамшиева И. Интернет ва бағрикенглик муаммолари // infoCOM.uz. 2005. – №10.

Ҳакимов Р.Т. Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёти. Т.: 1999.

Қўшимча адабиётлар

Абдиазимхўжа Шерзодхўжа ўғли. Миллат руҳига садоқат // Халқ сўзи. – 2003 йил. – 16 декабрь.

Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. Т.: Фан. 2005.

Арслонбеков У. Мевали дарахтгагина тош отилади // XXI аср. – 2008. – 3 январь.

Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети // Ҳуррият. – 2002. – 9 октябрь.

Борецкий Р.А. История телевидения: выбор точки отсчета. Вестник МГУ №2-2007.

Гассер Г.П. Защита журналистов в опасных командировках. Международный Комитет Красного Креста. 1994.

Даврон Х. Инсон онгини кишибилмас захарлаб қўймайлик // Даракчи. – 2001. – 18 январь.

Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. Т.: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти. 2008.

Муҳаммадиев Н.Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Т.: 1998.

Нестеренко Ф. Демократия сильна свободой слова // Правда Востока. – 14 октября 1997.

Норматов И. Биз кимдан эркинмиз? // Моҳият. – 2002. – 20 сентябрь.

Рэндалл Д. Универсальный журналист. Алматы, 1996.

Олим С. Демократия тақдири. У кимнинг қўлида? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2002. – 25 октябрь.

Полвонов Д. Матбуот эпидемияси // Ҳуррият. – 2002. – 41-сон.

Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Основы государства и права. – Т.: Шарқ, 2002.

Сатторий Х. Матбуот қироли // Моҳият. – 2002. – 17 май.

Степанов А. Насилие с экрана при бессилии закона (Народная партия вносит в Госдуму законопроекты, призванные ограничить показ сцен убийств и жестокости) // Труд. – 28 января 2003.

Сулаймонов И. Мен – журналистман. Т.: 2001.

Худойқулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. – Т.: ТошДУ, 1999.

Қахҳор А. Асарлар. – 6-том. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

Ғофуров Б., Хидиров Қ. Интернет ва миллат манфаати // Халқ сўзи. – 2005. 13 май.

Ҳуқуқ ва журналист. // Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ахборотномаси. 2003, январь. 8-сон.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Мавзу хусусида умумий тушунча	7
Журналист касб этикасини ўрганиш тарихидан (ўзбек ва жаҳон журналистикасида касб этикаси масалалари мисолида).....	14
Амалий фаолият жараёнларида касб этикаси меъёрлари	21
Халқаро гуманитар ҳуқуқ ва унинг аҳамияти	33
Халқаро гуманитар ҳуқуқ ва ғавқулодда вазиятларда журналистика	42
Касб этикаси кодекслари	58
Анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси	82
Интернет журналистикасида касб этикаси	97
Оммавий коммуникация ҳамда матбуотда миллий ва умуминсоний қадриятлар мувозанати масалалари	116
Семинар мавзуси ва саволлари	134
Адабиётлар рўйхати	137

Аннотация

Оммавий ахборот воситаларининг демократлашуви соҳада касб маданияти ва одоби меъёрлари жорий этилишини тақозо қилади. Журналистнинг касб этикаси дунёда алоҳида фан, алоҳида илмий йўналиш тусини олганига кўп йиллар бўлган. Ўзбекистонда эса ушбу муаммога фақат мустақиллик даврига келибгина алоҳида эътибор қаратилди, жумладан у журналистика факультетларида махсус фан сифатида ўқитилмоқда.

Мазкур қўлланма бу борада ўзбек тилида яратилган дастлабки тажриба ҳисобланади. Ундан, шунингдек, халқаро гуманитар ҳуқуқ меъёрлари ҳамда факультетда ҳолатларда журналистларнинг фаолият юритиш тартиблари ҳақидаги маъруза матнлари ўрин олди.

Қўлланма журналистика факультети талабалари, ўқитувчилари ҳамда амалиётчи журналистларга мўлжалланган.

Аннотация

Демократизация средств массовой информации предполагает эффективное использование норм профессиональной культуры и этики. Прошло немало времени с тех пор, как профессиональная этика журналиста выделилась в самостоятельное направление в мировой науке. В Узбекистане этой проблеме стало уделяться особое внимание в период независимости, в частности, на факультетах журналистики по ней был введен отдельный предмет.

Предлагаемое пособие является первым опытом на узбекском языке на данном направлении. В работе также уделено внимание международному праву и правилах деятельности журналистов в чрезвычайных ситуациях.

Пособие предназначено для преподавателей и студентов факультетов журналистики, а также журналистов-практиков.

Annotation

The democratization of the Mass Media demands the establishment of the measures of the professional culture and ethics of the field. For many years the professional ethics of Journalism has been studied as an independent subject all over the world. But in Uzbekistan we paid attention to it only in the years of Independence and started teaching as one of the main subjects in the Departments of Journalism.

This research work would be the first experience created in uzbek language. It also includes the texts of the lectures on the Measures of the International Human Rights and the Procedures of the Activities of the Journalists in the conditions of Emergence.

The book is meant for the students and teachers of the Departments of Journalism, and for the people practicing journalism.

Муаллифдан:

Оммавий ахборот воситалари соҳасида касб этикаси меъёрларини ва уларни амалиётга кенг татбиқ этишга доир қилинадиган ишлар кўп. Бунинг учун соҳамиз мутахассислари – олимлар, олий ўқув юрти журналистика факультетлари ўқитувчилари, тадқиқотчи-изланувчилари, кўп сонли амалиётчиларимиздан ҳамжихатлик, жонбозлик талаб этилади. Таъкидланганидек, мазкур қўлланма, ушбу мавзуда ўзбек тилида яратилган дастлабки тажриба ҳисобланади. Бинобарин, қўлланма юзасидан билдирилган барча таклиф-мулоҳазалар мамнуният билан қабул қилинади ва улар келгуси фаолиятимизда эътиборга олинади.

Эл. манзил: xurshiddost@mail.ru

Хуршид Дўстмуҳаммад (Дўстмуҳамедов Х.Н.) Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси.

Техник муҳаррир. Сайдалиев. Р.С, Сагатова Н.С
Аператор. Кучкарова. К. А, Нугманов. М.А.

Босишга рухсат этилди. 17.09. 2011

Қоғоз бичими 42*30 ¼

Хисоб –нашр табағи 1,144 б.т

Адади 100

Буюртма № 18

© “ Ўз ДЖТУ”

“PERFECT PRINT” шуъба корхонаси.

Розография услубида босилди

Times New Roman гарнитурасида нашр б.т.6

100 нусхада 28.11 2011 йил чоп этилди.